

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗМАНДИРИШ МЕТОДИКА КОЛЛЕЖИ

ИСҲОҚ РАҲМАНОВ

# МАҚОМ АСОСЛАРИ

Ўзбék тилида ёзилган маълумот маълумот маълумот маълумот маълумот



Тошкент, 1992

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ  
ЖУМЎУРИЯТ МЕТОДИКА ХОНАСИ

ИСҲОҚ РАЖАБОВ.

# МАҚОМ АСОСЛАРИ

Олий ва ўрта махсус мусиқа ўқув юртлари учун қўлланма

Тошкент - 1992

170607

**Масъул муҳаррир**  
**Тошкент давлат консерваторияси доценти,**  
**санъатшунослик фанлари номзоди Равшан Юнусов**

**Нашрга тайёрловчи ва мусиқа муҳаррири**  
**Ўзбекистон Маданият вазирлиги Жумҳурият методика**  
**хонаси методисти Ботир Матёқубов**

**Нашр учун масъул**  
**Ўзбекистон Маданият вазирлиги Жумҳурият методика**  
**хонаси катта методисти Зоида Толипова**

## СЎЗБОШИ

Ўзбек халқининг қадимий, ўзига хос, серқатлам ва услубан бой мусиқа меросини тўплаш, ҳужжатлаштириш, унинг илмий-назарий асосларини ўрганиш ҳамда амалий, ижодий ўзлаштириш борасида ўтган ярим асрдан зиёдроқ вақт мобайнида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Кейинги йилларда ўлкамизда бу ишларни изчил давом эттириш билан бир қаторда ёш авлодни бу жабҳалардан мунтазам равишда воқиф қилиб бориш, тингловчиларнинг талаб ва эҳтиёж-ларини янада тўлароқ қондиришга қаратилган масъул вазифалар кўндаланг бўлиб турибди. Бу ўринда аввало маданият ва санъат ўқув юртларида жаҳон халқлари мусиқа санъатининг адабиёти ва тарихини пухта ўргатиш, айниқса ўзбек миллий ва маҳаллий бадий анъаналарни муфассал ўзлаштириш, мусиқий-назарий қонуниятларни чуқурроқ идрок эттириш каби муҳим масалалар ҳамон долзарб аҳамият касб этмоқда.

Кўзланган мақсадларга эришмоқ учун бир қанча янги тадбир-чораларни амалга ошириш лозим. Бинобарин, ўзбек халқи мусиқа меросининг турли қатламларига — росмана халқ мусиқаси, дoston-чилик, мақомчилик, ўтмиш ва замонавий бастакорлик ижодиётига бағишланган махсус ўқув фаълларини жорий этиш, ўз навбатида уларни янгиланган ўқув дастурлари, қўлланмалар, дарсликлар билан таъминлаб бориш шулар жумласидандир.

Тақдим этилаётган ўқув қўлланманинг муаллифи — Ўзбекистон мусиқа маданиятининг атоқли арбобларидан бири, йирик олим, моҳир созанда, жонкуяр устоз, санъатшунослик фаъллари доктори Исҳоқ Ражабов (1927-1982) асосан ўрта асрлар Шарқ мусиқий-назарий мероси, шунингдек ўзбек халқ мусиқаси, айниқса мақом ижодиёти-нинг энг обрўли билимдони сифатида тан олинган. Унинг IX-XIII асрларда битилган ўнлаб мусиқа рисоалари юзасидан олиб борган кенг кўламли тадқиқотлари, 1963 йилда чоп этилган “Мақомлар масаласига доир” номли китоби ҳамда 1971 йилда ёқланган “Мақомлар” мавзудаги докторлик диссертацияси ушбу ўта мураккаб соҳаларнинг ёритилиш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Натияжада бир қанча илгари мавҳум ва муаммоли бўлган масалалар ўз ечимини топиб, мақомотнинг узун тарихи ва

талайгина қонун-қоидалари ойдинлашди. Бу тадқиқотлар туфайли мақомшунослик фани қаддини ростлади, кейинги изланишларга ҳам барқарор замин яратилди.

Илк бор эттирилаётган устоз Исҳоқ Ражабов қаламига мансуб “Мақом асослари” илмий-ўқув рисоласи 1970 йилларнинг ўрталарида ёзилган. Ўша кезлари муаллиф Тошкент давлат консерваториясининг Шарқ мусиқаси кафедрасида профессор лавозимида муаллимлик қилиб, бўлажак созанда ва хонандаларга “Мақом асослари” фанидан сабоқ берарди. У талабалар ва ёш муаллимларнинг махсус ўқув адабиётига бўлган эҳтиёини қисман қондириш мақсадида ушбу қўлёзмани тайёрлаб берган. Унинг матни билимгоҳнинг ўзида фойдаланиш учун 1978 йилда саноқли нусхада кўпайтирилди, бироқ, афсуски, расмий нашр эттириш масаласи очиқлигича қолди ...

“Мақом асослари” Исҳоқ Ражабовнинг сўнгги илмий ишларидан бўлиб, ниҳоятда муҳим ва зарур вазифани амалга оширишга қаратилгандир. Унда кўҳна ва ҳамisha навқирон мақом санъатига доир қисқача тарихий маълумотлар берилиб, асосий ўрин мақом турларини шарҳлашга, Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Тошкент-Фарғона мақом йўлларининг мусиқий таҳлилига ажратилган. Ушбу ўқув қўлланманинг беқиёс қиймати шундаки, мусиқашуносликда биринчи бор Шашмақом мажмуасига кирган Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ мақомлари таркибидаги деярли барча чолғу ва ашула асарлари туркумли ҳолда ҳамда жонли ижро билан боғлиқ батафсил мусиқий таҳлил этилган.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш жоиздирки, мазкур қўлланмада ёритилган мавзуларни муаллифнинг “Мақомлар масаласига доир”, Юнус Ражабийнинг олти жилдлик “Шашмақом”, Матниёз Юсуповнинг уч жилдлик “Хоразм мақомлари” нота ёзуви нашрларига мурожаат қилмасдан ҳамда “Шашмақом” номли пластинка ёзувлари тўпламидан фойдаланмасдан туриб ўзлаштириб олиш қийин. Ҳумладан, Шарқ халқлари мақомчилигининг келиб чиқishi, “Ўн икки мақом” мажмуаси, мақомларнинг лад уюшмалари, авж ва намуд масласи, қолаверса мақомларнинг чолғу ва ашула ижрочилигига тегишли қатор-қатор мавзулар муаллиф томонидан атайлаб қисқар-тирилган ва мавжуд адабиётларга қаралсин, деб уқтирилган.

Исҳоқ Ражабов ўқувчига тушунарли бўлиши учун махсус атамаларнинг барчасини тор луғавий маъноларидан тортиб шеърийят ва муסיқадаги тушунча доирасигача аниқ тавсифларини келтирган. Асар жиддий илмий-муסיқавий мавзу ва масалаларни ёритишга бағишланган бўлса-да, содда ва равон тилда баён этилиши билан ўқувчига қулайлик туғдиради.

Турли ихтисосликларни эгаллаётган муסיқачиларга, қолаверса жами муסיқа ихлосмандларига мақом хусусида билим, тушунча, дид ва савияни ўстиришга, мақом санъати соҳасида чинакам саводхон бўлиб етишига “Мақом асослари” рисоласи яқиндан кўмак берувчи қўлланма бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.

Равшан Юнусов  
санъатшунослик фанлари номзоди

## К И Р И Ш

Мақомлар кўпчилиги Шарқ халқлари мусиқа меросида мавжуд. Улар шу халқлар миллий мусиқасининг асосини ташкил этади. Мақомлар назарий ва амалий асосларга эга бўлиб, мазкур халқлар мусиқа санъатининг устозона услубидаги намунасидир. Мақомлар, хусусан ўзбек ва тожик халқларининг маънавий мулки бўлмиш Шашмақом кўп асрлар давомида бу соҳада олиб борилган ижодий изланишларнинг самарасидир. Устоз созанда ва хонандалар кейинги авлодларга кўз қорачигидек асраб-авайлаб бизгача етказиб келган мақом намуналари ҳозирги кунда нафосат дунёсидаги энг зўр, беқиёс қийматга эга бўлган мусиқа санъатимиз бойликлари сифатида чинакам халқ мулкига айланди. /

Мақомлар маълум тартибда яратилган туркумли мусиқий мажмуа бўлиб, ўтмиш бастакорлик ижодиётининг ўзига хос сайқал берилган туридир. Кенг маънода эса мақомлар халқ мусиқаси қомусидир. Чунки уларда, хусусан Шашмақомда, ўзбек халқи мусиқасига хос оҳанглар, ритмик хусусиятлар, доира усуллари, шеърят билан халқ ашула йўлларининг борлигиш қоидаларига асосланган қатор жабҳалар ўз ифодасини топган. Шу сабабли, ҳозирда мақом масалаларини ўрганишга, мақом ижрочилигидаги услубларни аниқлаш ва ўзлаштириш ишига жиддий аҳамият берилмоқда.

Мақом нима? Мақом арабча «жой», «ўрин», мусиқа истилоҳида эса чолғуларда товуш ҳосил этиладиган жой, яъни парда маъносини билдиради. Мақом муайян пардадан бошланадиган лад-тоналлиқни ҳамда уларга мос келадиган куй ва ашулалар мажмуасини ифодалайди. «Ғиёсул-луғат» изохли қомусининг муаллифи Муҳаммад Ғиёсуддин ўтмиш ва замондош олимларнинг мулоҳазаларига таяниб, мақом иборасини куйидагича таърифлаган: «Мақом — пардан суурдро ғўянд»<sup>1</sup>, яъни: “Мақом деб куй ва ашулалар пардасига айтилади”. Бу ерда куй ва ашулалар бошланадиган парда ҳамда улар ҳаракат, этадиган лад товушқаторлари ҳисобга олинган, албатта.

Мақом сўзи куйларнинг лад ҳамда тоналлик тушунчалари

<sup>1</sup> Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс-ул-луғот. Чилди 2. “Адиб”, Душанбе, 1988, 191 бет.

билан боғлиқ экан, уларнинг юзага келиш тарихи қадим замонларга, касбий мусиқа пайдо бўлган даврларга бориб тақалади. Мақомларнинг куй-оҳанглари ҳар бир халқнинг ўзига хос мусиқа бойликлари заминида, санъатчи созанда, хонанда ва бастакорлар томонидан узоқ тарихий-маданий тараққиёт жараёнида юзага келган. Лекин, мақом атамаси Шарқ халқлари мусиқасида тахминан IX асрлардан қўлланила бошлаган. Чунки, VIII–X асрларда юнон олимлари, айниқса Евклид, (Уклюдис), Пифагор (Фисофурс), Аристотель (Арасту) каби олимларнинг мусиқа назариясига бағишланган асарлари араб тилига таржима қилиниб, уларга шарҳлар ёзила бошланди. Мақомларнинг назарий масалалари қайта ишлаб чиқилди. Аммо бундан «араб ва бошқа Шарқ халқларида IX асргача мусиқа назарияси бўлмаган», – деган хулоса чиқариш ярамайди. Яхё бин Али Яхё Абу Мансур (ваф. 912 й.)нинг мусиқага доир асарида араб ва бошқа мусулмон Шарқи халқларида юнон мусиқа назарияси таъсир кўрсатмасдан анча бурун ерли халқларнинг ўз мусиқа назарияси мавжуд бўлгани ҳақида сўз юритилади. Лекин, Берунийнинг ёзишича, бошқа халқларда бўлгани каби, Ўрта Осиё халқларининг қадимий ёзма обидалари араб истилоси даврида бошқинчилар томонидан ёқиб, йўқотилиб юборилган эди. Шу сабабли бевосита мусиқага доир маданий ёдгорликлар ҳам бизгача етиб келмаган.

Мусиқага доир эски манбалардан маълумки, мақомларнинг тарихий, назарий ва амалий томонлари бор. Уларнинг назарий масалалари IX–XVII асрларда яшаб ижод этган ал-Киндий, Форобий, Хоразмий, ибн Сино, Урмавий, Шерозий, Мароғий, Жомий, Хусайний, Кавкабий, Дарвишали сингари буюк олимларнинг рисоаларида чуқур илмий асосда шарҳлаб берилган. Шуни қайд этиш лозимки, мусиқа назарияси ҳамма Шарқ халқларида, баъзи тафовутларни ҳисобга олмаганда, деярли бир хил мазмунда бўлган. Ҳатто мақомлар, шўъбалар номи ҳам ўхшаш эди. Лекин, уларнинг куй-оҳанглари ҳар бир халқники ўзига хос бўлиб, бир-биридан тубдан фарқ этган.<sup>2</sup>

<sup>2</sup> Мақомларнинг ўтмиш мусиқа назарияси ҳақида қаранг: Абдурахман Джами. Трактат о музыке. “Фан”, Ташкент, 1960;

Исҳоқ Ражабов. Мақомлар масаласига доир. “Ўздавадабийнашр”, Тошкент, 1963.



Ўтмишдаги мусиқий-назарий рисоаларда “Ўн икки мақом” /“Дувоздаҳ мақом”/ тизими ва унга кирган 24 шўъба ва 6 овоза ҳақида мулоҳаза юритилади. Ҳозирда баъзи олимлар ўртасида мунозарага сабаб бўлиб келаётган бир қанча жумбоқлар бор. Масалан: “Ўн икки мақом” Ўрта Осиёда жорий бўлганми? Унинг куй ва ашула йўллари бу ерда ижро этилганми? “Ўн икки мақом”нинг Шашмақомга қандай алоқаси бор? ва ҳ.к.

Маълумки, Амир Темур давридан бошлаб то XVIII асргача яратилган мусиқий рисоаларда, адабий, тарихий ва бадий манбаларда мақомлар устида ижодий иш олиб борган созанда, бастакорлар, улар яратган куй ва ашулалар номлари келтирилади, уларнинг қайси мақомга тегишли экани, доира усуллари ҳақида фикр юритилади. Мусиқа рисоаларида келтирилган “Ўн икки мақом” нинг лад асоси олти мақомдаги шиклига деярли мос келади ёки улар жуда яқиндар.

XVI-XVII асрларда яшаб ижод этган мусиқа олимларидан Нажмиддин Кавкабий ва Дарвишали Чангий рисоаларида Бухоро хонлиги даврида жорий этилган “Ўн икки мақом” ҳамда улар асосида куй ва ашулалар басталаган санъаткорлар ҳақида маълумотлар бор. Демак, буцдан «Ўн икки мақом» Ўрта Осиёда XVII асрда ҳам қўлланилган, - деган хулосага келиш мумкин. Биз бир неча далилларга таяниб, Шашмақом тахминан XVIII аср ўрталарида, ўзидан олдинги мақом ижодиёти амъаналари асосида узил-кесил шаклланганини исботлашга уринадик. Мақомларнинг дастлабки намуналари Шарқда ҳозиргидек нота ёзуви бўлмагани учун бизгача етиб келмаган. Шунинг учун уларни эндиликда Шашмақом куйлари асосида тасаввур этишимиз мумкин.

“Ўн икки мақом”нинг Шашмақомга муносабати масаласига келсак, улардаги мақом ва шўъбалар номи кўпинча бир хил. Бу эса “Ўн икки мақом”даги айрим мақом ва шўъбалар олти мақомга бирлаштирилиб, яхлит туркум ҳолига келтирилганидан дарак беради. Шашмақом таркибида аввалги тизимдаги номлар учрашини ҳисобга олиб, бу ерда «Ўн икки мақом» ва уларнинг тузилмаларини санаб ўтамыз.

“Ўн икки мақом” тизимини қуйидаги мақомлар ҳамда уларнинг таркибий қисмлари саналмиш шўъба ва овозлар ташкил этади:

## Мақомлар

- |    |          |     |           |
|----|----------|-----|-----------|
| 1. | Ушшоқ    | 7.  | Роҳавий   |
| 2. | Наво     | 8.  | Зангула   |
| 3. | Бусалик  | 9.  | Ироқ      |
| 4. | Рост     | 10. | Исфaxon   |
| 5. | Ҳусайний | 11. | Зирафқанд |
| 6. | Ҳижоз    | 12. | Бузург    |

## Шўбалар

- |     |                |     |                            |
|-----|----------------|-----|----------------------------|
| 1.  | Дугоҳ          | 13. | Авж                        |
| 2.  | Сегоҳ          | 14. | Найриз                     |
| 3.  | Чоргоҳ         | 15. | Мабарқаз                   |
| 4.  | Пангжгоҳ       | 16. | Ракб                       |
| 5.  | Ашйран         | 17. | Наврўзи Сабо               |
| 6.  | Бағтий         | 18. | Хумоюн                     |
| 7.  | Наврўзи Араб   | 19. | Зовулий                    |
| 8.  | Наврўзи Хоро   | 20. | Исфaxonак ёки Рўйи<br>Ироқ |
| 9.  | Наврўзи Бағтий | 21. | Бастан Нигор               |
| 10. | Хисор          | 22. | Ниҳованд                   |
| 11. | Нухуфт         | 23. | Жавзий                     |
| 12. | Уззол          | 24. | Муҳайяр                    |

## Овозлар

- |    |           |    |        |
|----|-----------|----|--------|
| 1. | Наврўз    | 4. | Гавашт |
| 2. | Салмак    | 5. | Мойа   |
| 3. | Гардонийа | 6. | Шаҳноз |

## Ш А Ш М А Қ О М

Шашмақом туркуми бастакорлик ижодиётининг маҳсулидир. Бастакорлик анъаналари қадимдан бошлаб давом этиб келмоқда. Темурийлар, айниқса Навоий даврида, кейинчалик XVI ва XVII асрларда бастакорлик санъати юксак даражада бўлганлиги қўлёзма манбалардан маълум. Ҳозирги кунда ҳам талайгина санъаткорларимиз бастакорлик анъаналарини давом эттириб, ажойиб куй ва ашулалар яратмоқдалар.

Бастакор сўзи форс-тожик тилида «боғловчи», «басталовчи» маъносини англатади. Ўтмишда бастакорларнинг фаолияти турлича бўлган. Даставвал, улар мақомлар ва халқ мусиқа асарлари асосида ноёб куй ва ашулалар яратганлар. Яна, бастакорлар мақом йўлларининг ритм ва куй жиҳатидан янги вариантларини яратганлар, тайёр куйни ўзгача ривожлантириб, ёки уни бошқа доира усулига тушириб, жозибали ва мукамал асарларни юзага келтирганлар. Бинобарин, шеър матнларининг ашулага шаклан ҳамда мазмунан мослаб туширилишига ҳам алоҳида аҳамият берганлар. Шашмақом-даги туркумларнинг юзага келишида бастакорлардаги бундай тажриба алоҳида аҳамият касб этган. Баъзан шўъбалар, масалан, Бузрук мақомдаги Талқини Уззол, Насри Уззол ва Уфари Уззол қисми оҳангдош ашулалар бўлиб, фоздат доира усули ва шеър ўлчовидагина фарқ этади. Шашмақом туркумлари кўпинча ашулаларининг янгидан-янги вариантларини яратиш билан такомиллаштирилади.

Шундай қилиб, Шашмақом ўтмишдаги бастакорлик анъаналарининг маҳсули сифатида, мақомчиликдаги бой тажрибага асосланган ҳолда юзага келди. Кейинги икки асрдан кўпроқ ўтган давр ичида, бир созанда-хонандадан иккинчисига оғзаки тарада ўтиши жараёнида, Шашмақом тобора катта ўзгаришларга учради ва бизгача етиб келди. Бу нарса XIX асрда тузилган Шашмақом шеърини тўпламларида берилган мақом ва шўъбалар номини, шеър ўлчов-ларини ҳозирги мақом қисмлари билан солиштирилса, яққол сезилади.

Шашмақом ўзбек халқи мусиқа меросида жуда катта ўрин тутди. Бу мақом туркуми чолғу ва ашула йўлларида миллий мусиқа-нинг бой оҳанглари, ритмик хусусиятлари, доира усуллари,

куйларга шеър матнларини мослаб тушира билиш қоидалари билан боғлиқ қатор жиҳатлар мужассамланган.

Халқ мусиқа асарларининг қайси бирини олиб қараманг, улар у ёки бу мақом, ёки унинг шўба пардаси, куй тузилиши, доира усулига ўхшашлигини билиб олиш қийин эмас. Кейинги кузатувлар Шашмақом халқ мусиқа меросининг асосини ташкил этади дейишга имкон беради. У 250 га яқин чолғу ва ашула йўлларини ўз ичига олади. Улар асосида яратилган юзлаб халқ куй ва ашула намуналари, сурнай йўллари ҳисобга олинса, мақомларнинг халқ мусиқасида тутган мавқеи нақадар кенг эканини яна бир бор билиб олиш мумкин.

Шашмақом туркумига кирган олти мақомнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтишдан аввал мақомларнинг тузилиш қоидалари ҳақида умумий тарзда тўхталиб ўтамиз. Шашмақом форс ва арабча сўзларининг бирикмаси бўлиб, «Олти мақом» демақдир. Шашмақом таркибидаги Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ мақомларининг ҳар бири йирик шаклдаги туркумли асарлар бўлиб, 20 тадан 45 тагача катта ва кичик ҳажмдаги мақом йўлларини ўз ичига олади.

Ўтмишда мақомларнинг ижро этилишида танбур ва доира етакчи чолғулардан ҳисобланган. Мақом қисмлари туркум тарзида ёки якка куй ва ашула тарзида яккахон, якканавоз, ёки ансамбль томонидан ижро этилган. Ансамбль таркибида одатда иккита танбур, битта дутор, битта қўбуз ёки сато, доира ва бир нечта ҳамнафас хонадалар бўлган. Кўрмиб турибдики, ансамблга ёлғиз торли чолғулар киритилган. Бизнингча, танбурнинг етакчи соз деб қабул қилинишига ҳам маълум сабаблар бор. У турли мақомларга мослаб созлашга қулай бўлган. Мабодо ашулачининг овози кенг диапазонли мақом йўлларига ета олмаса, уни бир—икки пардага паст қилиб созлаш мумкин эди. Олти мақомга чолғуларни созлашда ҳам танбур қандайдир ўлчовли соз бўлган. Масалан, уни турли мақомларга мослаб созлаш мумкин. Шу сабабли олти мақомга танбур уч хил (соф квинта, соф кварта ва катта секунда) қилиб созланган ва Мезроби Рост, Мезроби Сегоҳ ҳамда Мезроби Наво деб номланган.

Ҳозирда эса вазият бутунлай ўзгарди. Илгари мақом ансамблларига киритилмаган чанг, най, қўшна, гижжак, қашқар

рубоби каби созлар киритилиб, гуруҳ анча кенгайтирилди, бинобарин, мақом чолғу йўлларининг оҳангдор, жозибали ижро этилиши учун янада бой имкониятлар яратилди.

Мақомларнинг ҳар бири «Мушқилот» номли чолғу ҳамда «Наср» номли ашула бўлимлардан иборат.

## § 1. Чолғу бўлими

М)  
[Мақомларнинг чолғу бўлими бир хил номлар билан аталадиган чолғу қисмлардан ташкил тонар экан, уларнинг оҳанглари турлича бўлсада, доира усуллари бир хилдир. Улар тасниф, таржи, гардун, мухаммас ва сақил номлари билан машҳурдир.<sup>3</sup> Мақомларда номдош бўлмаган чолғу қисмлар ҳам учрайди. Масалан, Навода Нағман Ораз, Дугоҳда Пешрави Дугоҳ ва Самойй Дугоҳ, Сегоҳда Ҳафифи Сегоҳ ва ҳ.к.<sup>4</sup>

Мақом чолғу йўлларининг куй тузилиши мураккаб бўлсада, ўзларининг ранг-баранглиги, оҳангдорлиги билан эшитувчини мафтун этади. Улар учун хос бўлган нарса шуки, ҳар бир чолғу қисми хона ва бозғўйлардан таркиб топган.

“Хона” — уй, тузилма, мусиқа истилоҳида куйнинг ўзгарувчан ва фаол ривожланувчи бўлагидир. Унда куй-оҳанглари ўзгариб, янгича услубда авжга томон ривожланиб боради ҳамда бошланғич пардага қайтиб тушади. Хоналар билан куй мазмунан тобора бойиб боради.

“Бозғўй” — форс тилида қайта айтиш, қайтариқ демакдир. Бу тузилма куйнинг хоналаридан сўнг қайтарилади, бинобарин улар учун тугалловчи вазифасини ҳам бажаради. Хоналар билан куй такомиллашади, мазмунан чуқурлашади ва бойийди. Бозғўйлар эса, мусиқий фикрни яқунлаб, умумлаштириб боради. Мақом чолғу йўлларида хоналарининг такомиллашувида кўпинча «пешрав» дейилган куй тузилмалари катта аҳамиятга молик. Пешравлар хоналарининг куй ҳаракатида турли баландликларда бир неча бор такрорланади ва бозғўйга уланиб кетади. Пешравлар кишига кўтаринки руҳ бахш этади.

Мақомларнинг чолғу йўллари, баъзи сабабларга кўра, узоқ вақт ижро этилмасдан келди. Масалан, Ўзбекистон радиоси ҳузуридаги Мақом ансамбли репертуарида Муҳаммаси Баёт, Таснифи Дугоҳ, Самойй Дугоҳ, Гардуни Сегоҳ ҳамда айрим мақом ашула йўлларининг чолғу вариантлари ижро этиларди (Насри

<sup>1</sup> «Тасниф» — синфланган, яратилган; «таржи» — қайтарма куй, нақорат; «гардун» — фалак, осмон гардиши, «мухаммас» — бешлик; «сақил» — вазмин, оғир.

<sup>2</sup> «Нағма» — мусиқий товуш, куй; «пешрав» — олдинда борувчи; «самой» — тинглаш; «ҳафиф» — енгил.

Сегоҳ, Нимчўпоний каби).<sup>5</sup> Шу сабабли кўпроқ мақомларнинг халқ орасида машҳур бўлган намуналари - Чўли Ироқ, Мирзадавлат; Чўли Курд, Абдурахмонбеги, Беги Султон, Эшвой, Мискин, Ажам, Насруллоий каби якка ва туркумли куй йўллари чалинади.

Мақом чолғу қисмларида доира усулларининг ҳам ўрни каттадир. Масалан, тасниф ва таржи қисмлари бир хил доира усулида ижро этилади. Баъзи мақомларда қисқа шаклда икки-уч тактли ёки Таржеи Ироқдаги каби беш тактли бўлиб ҳам келиши мумкин. Гардун, мухаммас, сақил, ҳафиф, самоний каби иборалар билан аталувчи чолғу қисмлар шу номли доира усуллари ифодасидир. Бу ерда бир нарса муҳимки, мухаммас ва сақил қисмларининг доира усуллари ўта мураккаб бўлиб, мухаммасларда 16 такт, сақилларда 24 тактни ташкил этади. Шу билан бирга улардаги хона ва бозгўйлар тактларининг ҳажми бир-бирига тенгдир.

Биз бу ўринда ҳар бир мақом чолғу қисмлари устида муфассал тўхталиб ўтирмаймиз. Мақом чолғу йўлларини онгли равишда тушуниб олиш учун куй мавзун, доира усули ҳамда куй ривожини ташкил этган хона ва бозгўй тузилмалари оҳанглариин ажратиб ўрганиш тавсия этилади. Даставвал хоналарни айрим ҳолда ажратиб олиш, улар қандай тартибда олдинма-кетин келишини бозгўй қисм-лари ижро этилаётган пайтда эсга келтириш мумкин. Шундагина якканавозликда йирик шаклдаги мураккаб куй йўлларини адашмай ижро этиш мумкин.

Маълумки, ёдаки эшитиб ўрганган созандаларининг ҳаммаси чиройли нолиш ва қочиримлар билан чала олса-да, якканавоз бўлавермайди. Яъни, уларнинг аксарияти мустақил равишда якка тарзда ижро эта олмайди, кўпинча эргашиб чалади. Лекин ашулага ҳам жўр бўлиши мумкин. Бунинг сири шундаки, мураккаб куйларнинг айрим қисмларини олдинма-кетин келишини ёки хона ва бозгўйлар таркибини ажрата олиш анча қийин. Яна такрор айтаемиз, бўлғуси созанда бу масалага алоҳида аҳамият бермоғи лозим.

---

<sup>5</sup> Кейинги йилларда бу борадаги вазият бирмунча яхшиланди.

## § 2. Ашула бўлими

Шашмақом ашула бўлимидаги шўьбалар ҳам бастакорлик санъати анъаналарининг маҳсули сифатида юзага келган. Темурийлар даврида, хусусан, Навоий ва Жомий яшаган замонларда ҳамда ундан кейинги асрларда юзлаб бастакорлар ижод этганлиги ҳақида буюк Навоий, Кавкабий, Бобур, Восифий, Дарвишали каби олим ва шоирларнинг асарларида қимматли маълумотлар учрайди. Бастакорларнинг ижодий фаолияти кўпқиррали бўлган. Дастлаб, бастакор мақом йўллари ва халқ куйлари асосида ноёб куй ва ашулалар яратадиган санъаткор. Бундай халқ бастакорлари ҳозирда ҳам ўтмиш анъаналарини давом эттириб, ажойиб куй ва ашулалар яратмоқдалар. Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Толибжон Содиқов, Мухтор Ашрафий, Мутал Бурҳонов, Дони Зокиров, Фахриддин Содиқов, Комилжон Жабборов, Саиджон Калонов, Орифхон Ҳотамов сингари бастакор ва композиторлар ўзларининг кўпгина куй ва ашулалари, ария ва романсларини мақомлар услубида яратганлар. Бу атоқли ижодкорларнинг фаолияти ўтмишдаги бастакорлик анъаналарини янги шароитда бевосита давом эттириш билан боғлиқ бўлди.

Улуғ Алишер Навоий ва кейинги даврларда яшаб ижод этган шоир ва олимларнинг асарларида бизга унча тушунарли бўлмаган куй, кўшиқ ва ашулаларнинг шакли ва яратилиш услубига тааллуқли ибораларга дуч келамиз. Бундай асарларни варақлар эканмиз, мақом ва шўьба номланишлари тўғрисида, бастакорларнинг исмлари, уларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига тегишли қимматли сатрларни ўқиймиз. Рисолаларда бастакор мақом йўлларига янги куйлар, ашулалар боғлагани ҳақида маълумотлар келтирилади. Бу куй шакллари қор, қавл, амал, пешрав, нақш, савт ва тарона номлари билан машҳур бўлиб, баъзи турлари Шашмақом таркибида ҳам учрайди. Бинобарин, улар умумий тарзда тарона номи билан юритилади. Шундай бўлсада, нақш, савт, пешрав, амал, тарона каби шаклларни қисман ажратиб олиш ҳам мумкин.

Масалаи, пешравни олайлик. Шашмақомнинг барча чолғу йўллари пешрав оҳангларидан тузилган. Бу фикрни XVI–XVII асрларда яратилган мусиқий рисолалардаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Лекин, Шашмақомдаги пешравлар ўтмишдагига



қараганда анча мураккаб ва такомиллаштирилган шаклдадир. Пешрав йўллари тинглаб кўрилса, пастга поғонама-поғона ҳаракат қилаётган пешрав тузилмаларининг ичида оҳанг юқорига ҳаракат қилаётгани ва куйни ташкил этадиган хоналар юзага келаётганини фарқлай олиш мумкин.

Энди нақш атамасига келсак, бу сўз «безак» маъносида ишлатилади ва Шашмақомнинг наср дейилган шўбаларига мосланиб басталанади. Нақшлар энгилроқ ашула йўллари бўлиб, мураккаб ва вазминроқ ижро этиладиган наср шўбаларига улачиб айтилади. Нақшлар тароналардан куй тузилиши жиҳатдан бошқа ашула йўлларидан ажралиб туради. Ўтмишда эса ҳозирги шаклидан куй унсурларини муайян тартибда, маълум қоида асосида тузилгани билан фарқ этган. Таронаи Баёт ашуласи нақшларнинг яққол мисоли бўла олади.

Тарона сўзи ўтмишда тўртлик, яъни рубоий шаклидаги шеърларни ва шу шеърларга мос кичик шаклдаги ашулаларни ифодалаган. Шашмақомда тароналар йирик ҳамда кичик ҳажмларда учрайди. Улар сарахбор, талқин ва наср дейилган шўбалардан кейин ижро этилади. Бундай тароналар шунчалик ўзгариб кетганки, уларни Шашмақом таркибида «амал» шаклидами, «нақш» шаклидами, - буни ажратиш олиш қийин. Уларнинг шакли катта ўзгаришларга учради, баъзилари эса бастакорлар томонидан йириклаштирилди. Жиддий ўзгартишлар билан бўлса-да, ўтмишдаги куй шакллари ва яратилиш услубларига хос чолғу ва ашула йўллари Шашмақом таркибида ҳам бутунлигича сақланиб қолди. Шу билан бирга кейинги даврларда яшаган бастакорлар уларни такомиллаштирдилар, янги куй тузилмаларини киритиб, ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитдилар. Шашмақомнинг бизгача етиб келган кўринишида нақш, амал, кор, тарона, қавл каби ашула йўллари умумий номланиб, тарона деб аталади. Сўнгги даврда уларнинг шаклан ўзгариб кетиши ҳамда тарона деб номлана бошлангани ҳозирги кунда бу ашула йўллари ўтмишдаги шакллар орасидан аниқ ажратиш олиш ишени мушкуллаштиради.

Шундай қилиб, Шашмақом узоқ ўтмишдаги бастакорлик анъаналарининг маҳсули сифатида, мақомчиликдаги устоз-созанда ва хонандаларнинг бой тажрибасига асослангани ҳолда юзага

келган дейиш мумкин. Халқ даҳоси яратган — Шашмақомнинг ажойиб дурдоналари миллий мусиқа бойлигимизни ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Улар янги мусиқий асарлар яратилишида битмас-туганмас манба саналади. Шашмақом ашула бўлимлари 200 дан ортиқ турли шаклдаги ашулаларни ўз ичига олади. Лекин уларнинг асосида яратилган юзлаб ажойиб куй ва ашула вариантлари мавжуд.

Шашмақомнинг ашула бўлимлари анчагина мураккаб шаклдаги шўьбалардан таркиб топган. Улар мақомларнинг чолғу бўлимидаги қисмлари бирин-кетин ижро этилгандан сўнг туркум тарзида айтилади. Ашула бўлимларида тузилиш жиҳатидан бир-биридан ажралиб турадиган икки хил шўьбалар гуруҳи мавжуд. Булардан биринчисига сарахбор, талқин, наср каби шўьбалар ва уфар қисми, иккинчисига эса асосан савт-мўғулча шаклида тузилган шўьбалар киради. Олти мақомдаги номдош шўьбалар куй-оҳанглари жиҳатидан ҳар хил бўлсада, уларнинг доира усуллари ва ашулага тушириб айтиладиган вазн ўлчовлари бир хилдир.

Мақомлар ашула бўлимидаги мураккаб тузилмаларни, шўьба таркибидаги намудларни ажрата олмай туриб, тушуниб олиш қийин. Шунинг учун намудлар масаласига қисқача тўхталиб ўтамиз.

### § 3. Ашула бўлимининг биринчи гуруҳ шўьбалари

Шашмақомнинг биринчи гуруҳ шўьбаларига сарахбор, талқин, наср, уларнинг тароналари ва уфар қисмлари киради. Ҳар бир мақом туркуми сарахбор билан бошланади. Уларнинг қисқача тавсифи қуйидагичадир.

Сарахбор — («сар» - форс.-тож. «бош», «ахбор» — араб. «хабарлар») бу ибора ашула туркумлари тузилишидан дарак берувчи бош ашула йўли, қисқаси, ашула бўлимининг бош мавзуи маъносидадир. Олти мақомнинг ҳар бирида улар мақом номлари билан қўшиб, Сарахбори Бузрук, Сарахбори Рост, Сарахбори Наво, Сарахбори Дугоҳ, Сарахбори Сегоҳ ва Сарахбори Ироқ,- деб юритилади.

Сарахбор доира усули:

## 1 мисол




Оғзаки анъанада «бак-бум», деб ифода этилади. Улар аруз вазнидаги музоре, мужтасс, мутақориб, рамал номли баҳрларда битилган 11-14-15 бўғинли шеърлар билан ўқилади.

Сарахборлар вазмин доира усулида ижро этилсада, турли мақомларда ўзига хос оҳанг ва куй мавзуига эга. Уларнинг тароналари олтигагача етиб, 3/4, 4/4 вариантлари билан, 3/8 3/4 ёки 3/4 3/8, 7/4, 3/4, 4/4, 13/4 такт ўлчовидаги доира усуллари жўрлигида ижро этилади.

Талқин номли шўъбалар Ироқдан ташқари ҳамма мақомларда учрайди ва Талқини Уззол, Талқини Ушшоқ, Талқини Баёт, Талқини Чоргоҳ, Талқини Сегоҳ деб юритилади.

Талқин сўзи арабчада «тушунтириш», «насиҳат қилиш» каби маъноларни билдиради. Бу атама доира усулининг ҳам ифодаси:

## 2 мисол



Оғзаки анъанада “бум-бак-бум бак-ка” деб ифода этилади. Талқин шўъбасига мос шеърлар рамал баҳридан бўлиб, «фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун» шаклига эга.

Талқин намуналари Уззол, Ушшоқ, Баёт, Чоргоҳ, Наср ва Уфар йўллари билан ҳамоҳанг ва бу шўъбалар бир-бирининг ритмик вариантларидир. Уларнинг тароналари эса сарахборлардаги каби вазифани бажаради.

Наср арабча сўз бўлиб, сочма асар, кўмак, зафар каби маъноларни англатади. Бундай намуналар Шашмақомда ўн тўрттадир.

Бузрукда — Насруллои, Насри Уззол;

Ростда — Насри Ушшоқ, Наврўзи Сабо;

Навода — Насри Баёт, Орази Наво, Хусайний Наво;


Дутоҳда — Насри Чоргоҳ, Орази Дутоҳ, Хусайний Дутоҳ;

Сегоҳда — Насри Сегоҳ, Наврўзи Ҳоро, Наврўзи Ажам;

Ироқда — Мухайяри Ироқ.

Улар 6/4 такт ўлчовидаги доира усулида ижро этилади:

3 мисол



Оғзаки анъанада «ба-ка-бум бак ист бум-бак-бак» деб ифода этилади.

Уларга айтиладиган шеър вазни ҳазаж баҳрида бўлиб: «мафоилун-мафоилун-мафоилун-мафоилун» шаклига эга.

Насрларда ҳам бир нечтадан тароналар мавжуд (3-4 дан ошмайди), баъзи намуналарида эса умуман учрамайди (масалан, Хусайний Наво ва Хусайний Дутоҳда).

Уфар — мақомларнинг якунловчи қисми бўлиб, шўхроқ доира усулида ижро этилади:

4 мисол



Оғзаки анъанада «бум ба-ка бум бак» ёки «бум ба-ка-бак бум бак» деб ифода этилади.

Уларнинг ижроси учун турли хил вазндаги, масалан, рамал, ҳазаж, разаж баҳридаги шеърлардан фойдаланилади. Ҳар бир мақомнинг шўъбалари ва уларнинг тароналари туркум тарзида ижро этилиб, уфар билан тамомланиб, охирги супориш билан якунланади. Бу супоришлар сарахборларнинг ашула бошидаги жумлаларидир. Супориш топширув маъносида туркумни сарахборга узатади ва у билан якунланади.


#### § 4 . Ашула бўлимининг иккинчи гуруҳ шўъбалари

Мақом ашула бўлимининг иккинчи гуруҳ шўъбалари савт ва мўғулча усулида ижро этиладиган ашула йўллариدير. Фақат Наво мақомида Мустазоди Наво шўъбаси талқин доира усулида ижро этилади. Иккинчи гуруҳ шўъбалари асосан беш қисмли бўлиб, бош ашула йўлдан ташқари шохобчалари — талқинча, қашқарча,

соқийнома, уфар деб номланади ва шу номли доира усуллари жўрлигида ижро этилади.

Савт ва мўғулчаларнинг бош йўли:

5 мисол



Оғзаки анъанада «бак-бак бак ба-ка-ба-ка бак бум» деб ифода этилади.

Талқинча усули:

6 мисол



Оғзаки анъанада «ба-ка бум бак бум» деб ифода этилади.

қашқарча усули:


7 мисол



Оғзаки анъанада «бум-ба-ка-бум бак бум» деб ифода этилади.

Соқийнома усули:


8 мисол



Оғзаки анъанада «ба-ка-ба-ка бум бум» деб ифода этилади.

Уфар усули:

9 мисол



Оғзаки анъанада «бум ба-ка бум бак», ёки қуйидагиси «бум ба-ка-бакбум бак» деб ифода этилади:

## 10 мисол



Улар рамал, комил, музоре, ражаз, мутақориб номли баҳрдаги шеърлар билан ўқилади.<sup>6</sup>

Иккинчи гуруҳ шўъбалари орасида Рок, Бухоро Ироғи, Мустаноди Наво ўз тузилиши билан савт ва мўғулча номли шўъбалардан фарқ қилади ва уларнинг биринчи (бош) қисмлари сарахбор ёки талқин усулларида ижро этилади.

---

<sup>6</sup> Қаранг: Исҳоқ Ражабов. Мақомлар масаласига доир. Тошкент, 1963 й., 227 бет.

## НАМУДЛАР ҲАҚИДА

Намуд — форс-тожик тилида кўриниш, намоён бўлиш маъноларини билдиради. Музикий тушунча сифатида намуд муайян куй ёки ашула тузилмасининг турли шўьбалар таркибидаги кўринишидир. Улар асосан шўьбанинг бошланиш куй жумлаларидан олинади. Намудларнинг турли кўринишлари шўьбаларнинг авжи сифатида ишлатилади. Масалан, Насри Уззол шайбасининг бошланиш-шидаги 2—4 жумласи ўзга шўьбаларнинг табиатига, доира усулига мослаштирилган ҳолда авж сифатида фойдаланилади ва Уззол намуди деб номланади. Асосий намудларнинг сони саккизта,<sup>7</sup> авжлар эса иккита.

1. Уззол намуди. Ушбу намуд Бузрук мақомининг Уззол деб номланган шўьбалари дастлабки жумлаларидан олинган бўлиб, Бузрук ва Рост мақомлари шўьбаларида кўплаб учрайди. Уззол арабча «пастга тушиш», «сакраш» демакдир. Бунда куй бошланишида кварта (интервалига пастга сакрама ҳаракат кузатилади.

Сарахбори Рост шўьбасидан

### II мисол

Бер фай - зи шо - ми ийд қо - шинг ак - си -  
дин ман - га, - - - - - Ё - ку - ти)  
ранг май ша - фа - қи - да хи - лол э -  
тиб. о - - - - хо, - - - -

<sup>7</sup> Намудлар ҳусусида муфассал маълумот олиш учун қаранг: Исҳоқ Ражабов. Мақомлар масаласига доир. Тошкент, 1963 й., 156-245 бетлар.

## Талқини Ушшоқ шўъбасидан

12 мисол

Чеҳ - ра - и зар - дим кў - риб, шод ўл - са  
айб эр - мас - ки, ёр, заъ - фа - ро - ний бо - да  
ич - гая чоғ - да кул - ку кел - ту - рур о  
о о о Эй жо -  
- ни - мо о

2. Мухайри Чоргоҳ намуди. Дугоҳ мақомида Мухайри Чоргоҳ шўъбаси учрамайди. Бу намуд Мухайри Ироқдан олингани шубҳасиз ва Бузрук, Рост, Дугоҳ ва Ироқ мақомларида кенг фойдаланилади.



Сарахбори Дугоҳ шўъбасидан

13 мисол

Маш - шо - та - и ка - зо — бе - за - миш хо - лу - хат - ти - ни,  
ё - - о - - о - -  
- о - - ё - ра - - -  
- ё - ра - мо Бе - их - ти - ёр - лик - да мав - га бор  
му их - ти - ёр о - - -  
- - о - - о - -  
- - - Хай жо - ни - мо.

# Насри Уззол шўъбасидан

14 мисол

Ку-юн - дек дашг а - ро кўр - санг ме  
 ни, кўп қоч ма- ким ҳар дам, бо  
 шинг- га эв ру- лур сар - гаш та  
 йи бе - хо ну мон- дур бу, о  
 о жо - на-мо  
 Кўн  
 гул май- хо на ро - ми, хо ти- рим хуш- май ба  
 ти - дин ким о о о о  
 ё- ро  
 жо - на-мо,

3. Наво намуди. Ушбу намууд бошқалардан фарқли ўлароқ наsr шўъбасидан эмас, балки Сарахбори Наводан олинган. У сурнай Навосини эслатади ҳамда Наво ва Сегоҳ мақомларида кенг фойдаланилади.

### Сарахбори Наво шўъбасидан

15 мисол

Лаз-линг ша-ро - би бўл - ди кўн - гул дар - ди  
 на да во, бўл дард жон - га ет - ти, ва  
 ле ул да - во қа - ни? о -

### Савти Наво шўъбасидан

16 мисол

Ха-то- син - дан ду - гил жис - мим ў - хинг - дан бе-на  
 сиб ўл - моқ, ху-бо - би \_\_\_\_\_ иш-ки  
 гул - гун \_\_\_\_\_ ич-ра пин - хон \_\_\_\_\_ эт-ди- гим - дан-дир

4. Баёт намуди (“баёт” – Ўрта Осиёда истиқомат қилган қадимги туркий қабилаларидан бирининг номи). Ушбу намуд Наво мақомидаги Баёт шўбаларининг бошланиш жумлаларидан олинган бўлиб, Наво мақомининг ўзида ишлатилади.

### Орази Наво шўбасидан

17 мисол

Ра - во кўр - ма ман - га маҳ - рум - лик - ни, сар - фа  
роз эт - гил ва - фо кў - йи - да ит - лар -  
-дин ме - ни ҳам бир хи - соб ай - ла - бо

### Уфари Баёт шўбасидан

18 мисол

Чар - ху ан - жум - дин ку - юб мен айб э - мас -  
- гар ох и - ла, бу не - ча  
- ах - гар би - ла ул кул - ни бар - бод ай - ла - са - мей  
о о

5. Ушшоқ намуи («ушшоқ» - ошиқлар). Ушбу намуд Рост мақомининг Ушшоқ дейилган шўбалари бошланиш куй жумлаларидан олинган. Бузрук ва Рост мақомларида учрайди.

Сарахбори Рост шўбасидан

19 мисол

Иш - қим - ни ай - ла... тарк... де - динг... мақ - са -  
 динг - не - дур? о - Мун - доғ ме - ни му  
 кал - ла - фи ам - ри ма - хол э - тиб.

Соқийноман Савти Ушшоқ шўбасидан

20 мисол

Жу - нун ич - ра Маж - нун э - мас... эй... па ри,  
 йў - линг - да бу о - шуф - та хо - линг - ча хуб.

6. Ораз намуди. Ушбу намуд Наво ва Дутоҳ мақомларининг Ораз номли шўьбаларидан олиниб, Наво ва Сегоҳ мақомларида фойдаланилади.

Сарахбори Наво шўьбасидан

21. мисол

Нуз -- ни гу-бор тут - ти фи-ро - қинг- да йиғ - ла

ю, — а

Эр - нинг ту - зин - дин ўз - га ан - га тў - ти

ё ка - ни? о - - - ёр, ёр

э ё - рей о

жо - - ни - мо.

## Наврӯзи Сабо шӯъбасидан

22 мисол

гар чи - Ю - суф аҳ - ли хус - ни

сул - то - ни а - зи - зи дур, о ни

го - рим о - ли - да ле - кин ғу

ло - му хо - ру кам - тар - дур, ёр - ёр, ей - ё

ре о о о о

о жон - ним

7. Сегоҳ намуди. Ушбу намуд Сарахбори Сегоҳ шӯъбаси асосида юзага келган бўлиб, Сегоҳ ва Рост мақомлари шӯъбаларида ишлатилади.

## Сарахбори Рост шўъбасидан

23 мисол

Иш - қим - ни ай - ла тарк де - динг, мақ - са - динг не  
дур? Мун - доғ ме - ни му - қал - ла - фи ам - ри ма  
ҳол э - тиб о о

## Қашқарчайи Мўғулчайи Сегоҳ шўъбасидан

24 мисол

Он - қа - дар қил - динг жа - фо - ю жав - ри - лар, эй шўх - ким,  
он - ча бор эр - ди, че - кар га қол - ма - ди - им -  
ко - ни - миа, о ё - ра - мо  
Но - ла - миз - дин ке - ча - лар гар - дун қу - ло - ги -  
бўл - ди кар, оҳ ким, ет - мас сен - га бир  
но - ла - ю аф - го - ни - миз, о ё - ра - мо



8. Насруллои намули. Ушбу намуд Бузрукнинг Насруллои шўъбасидан олинган бўлиб, Сегоҳ мақомидаги Наврўзи Ажам шўъбасида фойдаланилади.

Наврўзи Хоро шўъбасидан

25 мисол

Бу - зул - ди рўз - - го - рим, хо - - на  
и ай - шим \_\_\_\_\_ ха - роб ўл - ди, на  
ро - хат кўр - га - ман эм - ди бу - зул - гон рўз -  
го - рим - дин, о  
ё - рам - мо о  
жон - ним.

Мазкур намудлардан ташқари «Зебо Пари авжи» ва «Турк авжи» дейилган куй тузилмалари ҳам намуд вазифасини бажаради.

9. Зебо Пари Сегоҳдан бошқа ҳамма мақомларда ишлатилади  
ва машхур авжлардан саналади.

26 мисол

Бухоро Ироғи шўъбасидан



Ви - со - л(и) ав - жи би - йик, эй кўн - гул ку



ши, сен паст, е - тиш - мак ан - да не - мум -



- кин, а - гар ҳа - во қил - санг о



о эй ё - ра -



- мо о о



о ҳай жо - ни - мо

## Сарахбори Дугоҳ шубасидан

27 мисол

Жо - ним - ни ўр - та - ган ю - зу — хо -  
линг - ни бил - ма - санг, ўт шуъ - ла -  
си - да ай - ла - гу - мон бир ў - чуқ ша  
роҳ. о о о о  
Хай жо - ни - мо.

The image shows a musical score for a song. It consists of five staves of music in a treble clef, 2/4 time signature, and a key signature of one sharp (F#). The lyrics are written below the notes. The first staff has the lyrics 'Жо - ним - ни ўр - та - ган ю - зу — хо -'. The second staff has 'линг - ни бил - ма - санг, ўт шуъ - ла -'. The third staff has 'си - да ай - ла - гу - мон бир ў - чуқ ша'. The fourth staff has 'роҳ. о о о о'. The fifth staff has 'Хай жо - ни - мо.'.

10. Турк ёки Туркий авж номи билан машҳур бўлган қадимий куй мақом ашула йўлларида бўлиб, Савти Навонинг бошланиш қисмини эслатади. Турк авжи Бузрук ва Сегоҳ мақомлари шўбаларида фойдаланилади.

# Насруллои шўъбасидан

28 мисол

Ла - би лаъ - лин ма - ло - ҳат хо - ли  
бир - ла бах - ра - вар қил ғон  
ме - нинг - жо - ним - ни  
до - ғи иш қ(и)бир - ла бах - ра  
манд эт - миш о  
Би - ров - қим сар - в(и)  
дек, о - зо да - ваш бўл - ди - бу  
бог ич - ра о

## Наврўзи Ажам шўъбасидан

29 мисол

Музыкаль сўз: Қо шинг- нинг то - қи ус - ти - да э-  
мас- дур ам - - ба- рин хо - линг, зу  
хал гў - ё о - чиб - дур о - ра  
зи муш - кин... хи - лол уз - ра.

О

Мазкур намуд ва авжлар мақом шўъбаларида куй тузилишининг қонуний ривожланиши, куйнинг руҳи, қиёфаси, лад асоси ва доира усулининг хусусиятларига мослаб олинади. Улар турли усулдаги ашулаларда ҳар хил кўринишлар орқали гавдаланади.

Намудлар мақом шўъбаларида яқка ёки гуруҳли тарзда ишлатилиши мумкин. Гуруҳ бўлиб келганида уларнинг бир-бирига силлиқ уланиши ҳисобга олинади.

Намудлар қуйидаги тартибда ўзаро уланиши мумкин:

Уззол намуди - Мухайяри Чоргоҳ намуди;

Ушшоқ намуди - Уззол намуди - Мухайяри Чоргоҳ намуди;

Ушшоқ намуди - Мухайяри Чоргоҳ намуди;

Сеғоҳ намуди - Ушшоқ намуди - Турк авжи;

Сегоҳ намуди - Турк авжи;  
Сегоҳ намуди – Наво намуди – Ораз намуди;  
Зебо Пари авжи - Мухайяри Чоргоҳ намуди;  
Зебо Пари авжи - Наво намуди;  
Ораз намуди - Наво намуди;  
Баёт намуди - Наво намуди;  
Мухайяри Чоргоҳ намуди – Дутоҳ намуди.

Бу тартиб барқарор бўлмай, хонандалар шўбалар таркибидаги баъзи намудларни тушириб қолдиришлари ёки янгиларини киритиб ижро этишлари мумкин. Масалан, Наврўзи Сабо шўбаси одатда Сегоҳ, Наво ва Ораз намудлари билан айтилади. Машҳур ҳофиз Домла Ҳалим Ибодов эса уни биргина Сегоҳ намудини кенгайтириб ижро этган. Шундай қилиб, намудлар турлича шаклда қўлланила берган. Улар йирик шаклдаги халқ куй ва ашула йўлларида ҳам турлича фойдаланилган. Атоқли ҳофиз ва бастакор Ҳожи Абдулазиз ўзи яратиб ижро этган “Гулузорим” ашуласи Савти Ушшоқ пардалари оҳанг-ларидан иборат бўлса-да, унга Турк авжини қўшиб айтган, «Бебоқча» ашуласига эса (асли Ростдаги Савти Сабога оҳангдош) Зебо Пари билан Наво намудини киритган ва ҳ.к.

Мақом ашула бўлиши шўбаларининг таркибидаги куй тузилмалари ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, улар одатда чолғу муқаддима билан бошланади. Кейин даромад жумлалари ижро этилади ва миёнхат (ўрта пардалардаги ашула жумлалари)га ўтилади. Ўрнига қариб, дунаسر (даромаднинг юқори пардаларида такрор-ланиши) жумлалари ижро этилади. Кейин маълум шўбага хос намудлар (битгадан тўрттагача келиши мумкин) айтилиб, миёнхат ёки усиз уланиб кетадиган фурувард (туширим) билан яқунланади.

Уларда бир байт шеър билан ўқиладиган ашула тузилмаси бир хат саналади.<sup>8</sup>

Шашмақом ва уларнинг шўбалари, мақом йўллариининг куй тузилиши ҳақида кўргазмали тасаввур ҳосил қилиш учун академик Юнус Ражабий тўплаб нотага олган олти жилдлик Шашмақом

---

<sup>8</sup> Шашмақом нота ёзуви тўпламларида хатлар I, II, III каби рим рақамлари билан, ярим (ним) хатлар эса 1, 2 каби араб рақамлари билан белгиланган.

китобига мурожаат қилинсин. Китобнинг олтинчи жилдида «Сўнгги сўз» ва «Намудлар жадвали» мақом йўлларини ва ашула қисмлари тузилишини тушунишга ёрдам беради.


Энди ҳар бир мақом ва унинг шўъбалари билан қисқача танишиб чиқамиз.

## БУЗРУК МАҚОМИ

Олти мақомдан биринчиси Бузрук номи билан машхур бўлиб келган. Бу мақом ҳақидаги маълумотлар жуда қадим замондан бери Шарқ мусиқа рисолаларида шарҳлаб ўтилган эди. Ўтмиш олимларнинг мусиқий рисолаларида Бузрук муайян лад тузилмасини ва унга мос куй ва ашулаларни ифодалаган. Ушбу мақомнинг жонли намуналари бизга, хусусан, Шашмақом таркибидаги куй ва ашула йўллари орқали маълумдир.

Бузрук атамаси форсий «бузург» сўзининг ўзгарган шакли бўлиб, «катта», «улуғ», «буюк» каби маъноларни англатади. Ҳар ҳолда бу мақом жуда кўп куй ва ашула йўлларини ўз ичига олганлиги учун шундай номланган бўлса керак. Бузрукнинг асосий қисмлари «ре» дорий ва миксолидий ладларига мос келади. Мақомлар ижросида етакчи саналган тавбур чолғуси Бузрук мақоми ижро этилишида квартага соланади. Бузрукнинг чолғу ва ашула йўллари тинглар эканмиз, I, II, IV, V, VI лад поғоналари таянч нуқталар сифатида алоҳида ажралиб туради.

30 мисол



Бузрук мақоми чолғу ва ашула бўлимларидан ташкил топган. Унинг чолғу, яъни мушқилот бўлими қуйидаги асарлардан иборат:

1. Тасниф Бузрук
2. Тарже Бузрук
3. Гурдуни Бузрук
4. Мухаммаси Бузрук
5. Мухаммаси Насруллои
6. Сақили Ислимий
7. Сақили Султон

Тасниф ва тарже йўлларида бир хил доира усули қўлланилади:

31 мисол






Оғзаки анъанада бу усул «бак бак бум бум бак ист бум ист», деб ифода этилади.

Таснифи Бузрук оҳанглари мазкур мақомнинг бош мавзуи сифатида унинг бошқа қисмларида ҳам намоён бўлиб туради ва унинг руҳий ҳолати яққол сезилиб туради. Айниқса Таснифи Бузрукдаги унсурлар ва бозгўйига ўхшаш оҳанглар бошқа мақомларнинг қисм-ларида ҳам учрайди. Таснифи Бузрукнинг ҳиссий таъсир кучи юксак бўлиб, кишига умид, кўтаринки руҳ, улугворлик бахш этади. Таржеи Бузрук эса тантанавор янграйди. Таржеи Бузрукнинг нешрав унсур-лари Насруллои, Ажам тароналари, Чўли Ироқ каби кўплаб куй ва ашулаларда ҳам фойдаланилган.

Бузрук мақомининг гардун йўли мураккаб  $8/4$  ( $2/4+3/4+3/4$ ) тактли доира усулида ижро этилиб, юксак касбий мусиқа асари сифатида пухта яратилган. Уни доира усули жўрлигида тингланса, янада шавқлироқ ва оҳанграбо эшитилади. Гардун доира усули куйидагича:

32 мисол



Оғзаки анъанада бу усул “ба-ка-бак, бак ба-ка бум, бак ист бум”, деб ифода этилади.

Бузрук мақомининг мухаммас ва сақил қисмлари учун хос нарса шуки, уларда хона ва бозгўйларнинг ҳажми бир хилдир. Мухаммасларнинг хона ва бозгўйлари 16 тактли, сақилларники эса 24 тактли мураккаб доира усули жўрлигида ижро этилади. Мухаммас ва сақилларда учрайдиган Насруллои, Султон, Ислимхон каби номлар бу куйларни яратган бастакорларнинг тахаллусидир. Булар орасида Ислимхон XVI асрда яшаб ижод этган улкан бастакор ва шоир бўлиб, турли мақомлар мавзунда куй ва ашулалар яратган. Мухаммас ва сақил йўлларининг куй-оҳанглари ва доира усули мураккаб бўлсада, тажрибали шинавандага осон етиб боради, чунки улар оддий халқ куйлари негизида яратилган.

Бузрук мақомининг ҳамма чолғу қисмлари куй тузилиши

жиҳатидан мукамал ва бетакрор асарлар бўлиб, оҳангдорлиги билан кишини мафтун этади. Бузрук мақомининг чолғу ва ашула йўллари юксак бадний қийматга эга. Улар асосида бастакорлар томонидан жуда кўп куй ва ашулалар яратилган. Бузрукнинг чолғу бўлимидаги куйлар бирин-кетин ижро этилгандан сўнг шўьбаларга ўтилади.

Бузрук мақоми ашула бўлимининг биринчи гуруҳ шўьбалари тароналари билан яхлит ҳолда, туркум тарзда ижро этилади. Бу шўьбаларнинг асосий йўллари Сарахбори Бузрук, Талқини Уззол, Насруллои, Насри Уззол, якунловчи қисми эса Уфари Уззол деб номланади. Улар орасида Насруллои ва Насри Уззол Бузрукнинг «наsr» дейилган шўьбаларидир. Уларнинг авжларида асосан Ушшоқ, Уззол, Мухаййри Чоргоҳ намудлари, Насруллоида эса Турк авжидан фойдаланилган.

Биринчи гуруҳ шўьбалар туркуми Сарахбори Бузрукдан бошла-нади. У икки чорак такт ўлчовига мос доира усули билан ижро этилади. Сарахбори Бузрукка айтиладиган шеър «музореи ахраби мақфуфи маҳзүф», дейилган баҳрда бўлиб, «мафоилун-фоилатун-мафоилун-фоилун» тарзида талаффуз этилади.

Сарахбори Бузрук куй тузилиши жиҳатидан жуда ҳам мураккаб ҳамда бир неча куй бўлақларидан таркиб топган. Бу асар чолғу муваддимаси билан бошланади. Кейин бир байт шеър билан айтиладиган биринчи хати даромад қисми айтилади. Сарахбори Бузрукнинг иккинчи хати миёнхат, учинчи хати дунаsr, тўртинчи хати Уззол намуди, бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатлар Мухаййри Чоргоҳ намуди, саккизинчи хат фурувард қисмиларидан таркиб топган. I-II-III ва охириги хатлар ундов сўзлар билан айтиларкан, ҳанг «оҳанг»лар билан ижро этилади.<sup>9</sup>

Сарахбори Бузрук куй ривожланиши жараёнида терция, кварта, квинта, октава даражасидаги сакрама ҳаракатлар ҳамда турли пардаларга кўчишлар тез-тез содир бўлиб туради. Шу сабабли унинг лад қиёфасини ажратиб олиш қийинроқ. Тоналикнинг ўзгариш ҳолатларини Сарахбори Бузрукдан кейин айтиладиган олтита унинг тароналарида ҳам кузатиш мумкин.

<sup>9</sup> Сарахбори Бузрук шўьбасини таҳлил этиб эшитиб кўриш тавсия этилади.

Бу тароналарнинг куй тузилиши, лад қиёфаси, доира усули, уларга айтиладиган шеър ўлчовлари бир-биридан тубдан фарқ этади. Бундай ҳол ашула туркумининг ранг-баранглигини, жозибadorлигини таъминлайди. Бинобарин, сарахбор-дек йирик ашула йўлини тинглашдаги жиддий ва оғир ҳолатни енгиллаштиради ҳамда эшитув ҳиссиётига дам беради. Сарахбори Бузрук тароналари кичик шаклдаги енгил ашула йўлларидир. Сарахбори Бузрукнинг VI таронаси кейинги шўъбага уловчи вазифа-сини бажарувчи супориш қисми ҳам ҳисобланади.

Бузрукнинг иккинчи шўъбаси Талқини Уззолдир. Бу ерда «талқин» доира усулининг номи бўлиб, «уззол» эса маълум куй тузилмасини ифодалайди. Уззол эски мусиқа рисолаларида кўрсатилишича «Ўн икки мақом»га кирган маълум шўъбанинг номи эди. Шашмақомда эса шу номли намуналар Бузрук мақоми таркибига киритилган. Уззол атамаси эса X асрдан бошлаб маълум.

«Уззол» арабча сўз бўлиб, «тушин», «пастта сакраш» маъносини билдиради. Бундай маънони Уззол номли шўъба ва унинг бошланиш қисмларининг куй ҳаракатларидан ҳам билиб олса бўлади. Бундай куй, масалан, «соль» товушидан бошланса, кварта даражасида пастта, яъни «ре» товушига тўсатдан сакрайди. Фикримизнинг далили учун Насри Уззолдан бош куй мавзусини тинглаб кўриш кифоя.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Бузрукдаги Уззол номи билан боғлиқ шўъба ва қисмларда, яъни Талқини Уззол, Насри Уззол ва Уфари Уззол куй мавзулари ва оҳанглари жиҳатидан деярли фарқ этмайди. Булар орасидаги асосий фарқ - доира усулининг турлича бўлишидадир. Уззол куйи турли доира усулига туширилганда баъзи ўзгаришларга учрайди ва бир-бирининг ўзгача варианты бўлиб, янгича тус олади ва янгича таъсир кучи касб этади. Шу боисдан Уззол намуналари ҳақида шу ернинг ўзида умумий фикр юритамиз. Масалан, Талқини Уззолдан кейинги Насри Уззол шўъбасида куй мавзуи бошқача тусга киради. Уфар усулида эса у қувноқ ва шўхчан ашулага айланади.

Уззол шўъбалари ва уфар қисми қуйидаги куй бўлакларидан таркиб топган: чолғу муқаддима, биринчи хат даромад, иккинчи ва учинчи хатлар миёнхат, тўртинчи ва бешинчи хатлар Ушшоқ

намуди, олтинчи хат Мухайяри Чоргоҳ намуди, еттинчи хат фурувард, яъни туширим қисмларидан иборат. Бу ерда Ушшоқ намуди, яъни Ушшоқ-нинг кўриниши Рост мақомининг Ушшоқ номли шўбалари асосида, Мухайяри Чоргоҳ намуди Ироқ мақомининг шу номли шўбаси асосида яратилган.

Уззол шўбалари халқ орасида машҳур ашула йўллари бўлиб, ўзига хос оҳангдор ва жозибалидир. Уларнинг машҳурлигини шундан ҳам билиб олиш мумкинки, Уззол оҳанглари асосида бошқа ашула йўллари авжида кенг фойдаланилган Уззол намуди юзага келган. Уззол намуди Шашмақомда Бузрук, Рост мақомлари шўбалари авжида кенг фойдаланилган. Талқини Уззолнинг битта таронаси бўлиб, у ҳам бўлса супориш, яъни кейинги шўбага ўтишда уловчи вазифасини бажаради.

Бузрук мақомининг наср дейилган шўбаларидан бири Насруллойдир. Насрулло шу номли куй ва ашулани яратган бастакорнинг тахаллусидир. Узоқ ўтмишда бу чолғу ва ашула йўллари махсус мақом ҳисобланган ҳамда «Роҳавий» номи билан машҳур бўлган.

Насруллойдининг куй тузилиши Бузрук мақоми бошқа шўбаларидан тубдан фарқ қилади. У анча мураккаб бўлиб, бир неча куй бўлақларидан иборат. Бу шўба ҳам чолғу муқаддимаси билан бошланади. Биринчи ва иккинчи хатлар даромад, учинчи ва тўртинчи хатлар миёнхат, бешинчи хат даромаднинг юқори пардалардаги тикрорланиши, яъни дунаسر, олтинчи ва саккизинчи хатлар Турк авжи, тўнқизинчи хат тушурим қисмларидан ташкил топган. Насруллойдининг куй ва ашула йўллари ўзига хос оригинал ва жозибали бўлиб, тингловчиларга анча яқиндир.

Насруллойдининг кетидан унинг учта таронаси ўқилади. Унинг биринчи таронаси жуда мураккаб – 13 такт ўлчовидаги доира усули билан ижро этилади. Иккинчи таронаси  $3/4+4/4$ , учинчи таронаси  $3/4$  такт ўлчовида ижро этилади. Уларнинг куй мавзулари жуда ҳам ранг-баранг, кишида ажойиб ҳис-туйғулар уйғотади. Шунини айтиш керакки, турли шўбаларнинг тароналарида қандайдир умумийлик борлигини англаб олиш мумкинки, масалан, Сарахбори Бузрук билан Насрул-лойдининг тароналари бир-бирининг маълум

ритмик вариантлари сифатида эшитилади.

Насруллои халқ мусиқа ижодиётига кучли таъсир кўрсатган. Унинг асосида туркум тарзида ижро этиладиган Насруллои номи билан машҳур бўлган беш қисмли куйлар, Фарғона Насруллови дейилган ашула йўллари яратилган эди.

Шундай қилиб, Бузрук мақомининг чолғу йўллари ижро этилгандан кейин, туркум Сарахбори Бузрук шўъбасига уланиб кетади. Бу шўъба тароналари билан айтилгандан сўнг супориш воситаси билан Талқини Уззол ҳамда унинг таронасига ўтилади. Кейин Насруллои тароналари билан ўқилиб, Насри Уззол ижро этилади. Бузрук мақомининг яхлит туркуми Уфари Уззол билан яқунланади.

Шашмақом шаклланиши жараёнининг дастлабки даврларида шўъбаларнинг биринчи гуруҳига кирган сарахбор, талқин, наср дейилган шўъбалар ва уфарлар яратилган эди. Кейинги йилларда эса Шашмақом тобора бойиб борди. Унинг таркибига бастакору санъаткорлар томонидан янгидан-янги шўъбалар киритилди. Натижада, савт ва мўғулчалар тарзида бир қанча шўъбалар яратилди ҳамда Шашмақом иккинчи гуруҳ шўъбалари жумласига киритилди.

Бу шўъбалар сўнги давр маҳсулоти эканини ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди. XIX асрда ёзилган ҳамда Шашмақом йўлларига айтиладиган шеър матнлари келтирилган тўпламларда савт ёки мўғулча деган номлар деярли учрамайди. Бундан бир қўлёзма тўплам истисно бўлиб, унда келтирилган савтга айтиладиган шеър матни ҳозирги савтлардагига мос келмайди. Манбаларда бошқа номлар билан айтиладиган шўъбалар ҳам эслатиб ўтилмайди. Хоразм мақомлари таркибига улар умуман кирмай қолган. Бу нарса савт-мўғулча тоифасидаги шўъбалар ва уларнинг шохобчалари XIX аср охири – XX аср бошларида юзага келганлигини кўрсатади.

Бузрук мақоми таркибида бундай шўъбалар тўртта бўлиб, Мўғулчаи Бузрук, Савти Сарвиноз, Ироқи Бухоро ҳамда Рок деб номланади. Бу ўринда «мўғулча» атамаси шу номли доира усулининг ифодаси, «савт» эса – «товуш», «акс садо» маъноларида маълум куй ёки ашулага тақлид қилиб яратилган мусиқа асаридир. Иккинчи

гуруҳ шўъбалари биринчи гуруҳ шўъбаларидан тубдан фарқ этади. Биринчи гуруҳ шўъбалари сарахбор, талқин ва насрлар тароналари билан яхлит туркум тарзида ижро этилади. Иккинчи гуруҳ шўъбалари эса куй мавзулари нуқтаи назаридан бир-бирига ҳеч ўхшамайди, шу сабабдан ҳам улар ўз шохобчалари - талқинча, қашқарча, соқийнома ва уфар қисмлари билан алоҳида туркум тарзида ижро этилади.

4Иккинчи гуруҳ шўъбаларидан бири Мўғулчаи Бузрук куй тузилиши жиҳатидан Сарахбори Бузрукнинг маълум ритмик ва мелодик вариантдир. Энди уни Муғулчаи Бузрукнинг бошланиш жумлаларига таққослаб доира усулига ҳам эътибор беринг. Мўғулчаи Бузрукнинг куй бўлаклари ҳам Сарахбори Бузрукдаги кабидир.<sup>4</sup> Шу шўъбалар таркибида даромад, ўрта пардаларда айтиладиган мёнхат, Уззол намуди ва Мухайяри Чоргоҳ намудлари, фурувард қисмлари мавжуд. Мўғулчаи Бузрукнинг асосий йўли беш чорак такт ўлчовида бўлиб, «рамали мусаммани маҳзуф» баҳрли ғазал асосида ижро этилади: “фоилотун – фоилотун-фоилотун-фоллуи”.

Мўғулчаи Бузруқнинг асосий йўли айтилганидан сўнг унинг шохобчалари бўлган талқинча, қашқарча, соқийнома ва уфар ижро этилади. Улар мазкур шохобчалар номи билан боғлиқ доира усулидаги ритмик вариантлари сифатида гавдаланади. Шу сабабли уларнинг биттаси таҳлил этилса, бошқа шохобчаларнинг ҳам куй тузилишини тасаввур этиш мумкин. Лекин улар турли доира усули, ҳар хил шеър матилари жўрлигида ранг-баранг тус олади, бошқача руҳий таъсир кучи касб этади. Масалан, қашқарчаи Мўғулчаи Бузруқни олиб кўрайлик. Унинг биринчи хати даромад, иккинчи ва учинчи хатлари мёнхат, тўртинчи ва бешинчи хатлари дунаسر, лъни ашула бошланиш жумлаларининг юқори пардалардаги тақрори, олтинчи ва еттинчи хатлари Уззол намуди, саккизинчи ва тўнқизинчи хатлари Мухайяри Чоргоҳ намуди ва фурувард қисмларидан иборат.

Мўғулчаи Бузрук машҳур ашула йўлларида бўлиб, ўзига хос жозибadorлиги ва таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб туради. Унинг қашқарча ашула йўли қисқароқ шаклда Т.Жалилов ва

Б.Бровцинларнинг «Тоҳир ва Зухра» операсида Хоразм маликаси Моҳим арияси сифатида фойдаланилган, бунда воқеликни ва лирик кайфиятни дурустгина ифодалай олган.

Бузрук мақомининг иккинчи гуруҳ шайбаларидан бири Савти Сарвиноз номи билан машҳур. Сарвиноз, баъзи мақомчиларнинг фикрича, бастакорнинг тахаллуси, яъни Савти Сарвиноз — шу санъаткор басталаган савт йўлидир. Савтларнинг асосий йўли бир хил, беш чоракли такт ўлчовидаги доира усули билан ижро этилиб, мўғулча доира усулидан фарқ қилмайди. Лекин шеър ўлчови «ҳазажки мусаммани солим» дейилган баҳрда, “мафоилун-мафоилун-мафоилун-мафоилун” тарзида талаффуз этилади. Савт йўллари орасида Савти Сарвинознинг куй ҳаракати фаол бўлиб, мураккаб куй тузилиши ва ноёблиги билан алоҳида ажралиб туради.

Савти Сарвиноз чолғу муқаддима билан бошланади. Унинг таркибида: биринчи хат даромад, иккинчи ва учинчи хатлар миёнхат, тўртинчи ва бешинчи хатлар Ушшоқ намуди бўлиб, миёнхат олтинчи хат билан ашула бошланган парда — тоникага қайтиб тушади. Сўнгра ашула йўли чолғу нақарот орқали еттинчи ва саккизинчи хатлардан иборат Турк авжига уланиб кетади. Турк авжи ҳам миёнхат жумлалари воситаси билан бош пардага қайтиб тушади ва туширим қисми билан якулланади.

Савти Сарвиноз тузилиши жиҳатидан мураккаб бўлсада, куй-оҳангларга бой, ажойиб ашула йўлларидадир. Бу ашула оҳанглари асосида XIX асрнинг охириги чорагида Шаҳрисабзлик машҳур бастакор, мақомдон ҳофиз Абдураҳмонбек уч қисмли жозибадор ашулалар туркумини яратган. Улар “Абдураҳмонбеги” номи билан машҳур бўлиб, ҳозирги кунгача халқимизнинг сеvimли ашула йўлларида бўлиб қолмоқда.

Абдураҳмонбеги ашулаларини тингласак, уларнинг куйи Савти Сарвиноз йўли экани яққол сезилиб туради. Лекин, бастакор Савти Сарвиноздан фойдаланиб, пухта ва жозибали ашулалар яратган эди. Бу ашула сарахбор усулининг тезлаштирилган туридир.

Абдураҳмонбеги ашула йўллари сермазмун, тингловчиларга осон етиб борадиган, оромбахш асарлар даражасида ишланган. Бастакорнинг маҳорати яна шундаки, Абдураҳмонбеги I ашуласида

Наво намудидан усталик билан фойдаланган бўлиб, бундай ҳол мақомчиликда кам учрайди. Чунки, Бузрукда Наво намуди ҳеч қачон фойдаланилмаган эди.

Савти Сарвинознинг асосий йўли ижро этилгандан кейин унинг талқинча, қашқарча, соқийнома ва уфар шохобчалари биринкетин ўқилади. Бу ашула йўллари ҳам муғулчалардаги каби, турли доира усулларида янгича сайқал топади. Улардаги куй қиёфаси, таркибий қисмлари Савти Сарвинознинг бош йўлидаги куй матнларининг худди ўзидир.

Бузрук мақомининг иккинчи гуруҳ шўббаларидан яна бири шиавандаларга маълум бўлган Бухоро Ироғидир. У Шашмақомга кирадиган олтинчи мақом бўлмиш Ироқнинг сарахбор қисмига оҳангдош. Бунда Сарахбори Ироқ бутунича олиниб, Бузрук мақоми ладига мосланган. Ашула бошланадиган парда Сарахбори Ироқдагига кўра тўрт поғонага баланд кўтарилган ҳамда авждаги баъзи қайтариқ жумлалар қисқартирилган ёки баъзи ўзгартишлар билан олинган.

Ироқи Бухоро таркибида талқинча, чапандоз, соқийнома ва уфар қисмлари бўлиб, уларда тоналлик ўзгариб туради, куй бўлаклари ҳам баъзан бир-бирига мос келмайди. Масалан, Ироқнинг асосий йўлида Зебо пари авжи билан Мухайяри Чоргоҳ намуди фойдаланилган бўлса, унинг талқинчаси ва чапандозиди Мухайяри Чоргоҳ ўрнига Турк авжи келади. Соқийнома ва уфар қисмларида эса Зебо пари авжининг ёлғиз ўзи фойдаланилган. Бу ашула йўлларида бошқа пардаларга ўтиш каби куй ҳаракатлари кўплаб содир бўлади.

Ироқи Бухоронинг шохобчаларидан умумий тушунча олиш учун унинг енгилроқ йўлларида Соқийномаи Ироқни олиб қарайлик. Бу ашула йўлининг биринчи хати даромад, иккинчи ва учинчи хатлари ўрта парда жумлалари миёнхат, тўртинчи ва бешинчи хатлар Зебо пари авжи, охириги олтинчи хат туширим қисмларидан иборат. Бу жозибали ашула йўли кишида нозик лирик кайфиятлар қўзғайди, эзгу ҳаёлларга чўмдиради. У ўзининг куй тизимили билан бош ашула йўлидан анчагина фарқ этади. Зебо пари авжида эса Ироқ билан ҳамоҳанг бўлиб қолади. Фуруовард



қисмида яна ўзгача шакл олади.

Ироқ йўллари асосида кўпгина халқ ашулалари, чолғу ва сурнай йўллари яратилган бўлиб, бу нарса Ироқнинг мусиқа санъатимизда нақадар кенг ўрин тутгани ва машҳур бўлиб кетганидан далолат беради. Ироқ йўллари асосида Чўли Ироқ, Суворий каби машҳур чолғу асарлари, Тошкент Ироғи каби ашулалар юзага келган эди. Чўли Ироқ куйида ҳатто Мухайяри Чоргоҳ намуди бутунлигича сақланган. Тошкент Ироғи эса Ироқи Бухородаги даромад билан бошланиб, авж қисми эса Мухайяри Чоргоҳнинг маълум вариантларининг такроридир.

Соқийномаи Ироқ асосида Сувора ашуласи ва шу номли икки қисмдан иборат куйлар юзага келган. Сувора куйлари соқийнома ва уфар усуларида чалиниб, авжидаги Зебо пари қисми тушириб қолдирилган.

Сувора сўзи “чавандоз”, “отлиқ” маъноларида бўлиб, чавандознинг от устидаги ҳаракати ва атрофидаги гўзал манзараларни мусиқий воситалар орқали тасвирлайди, кишини чуқур ҳаёлларга чўмдиради.

Энди Уфари Ироққа келсак, у Ироқ шохобчаларининг уфар доира усулидаги вариантыдир. Уфари Ироқ Фарғонада хотин-қизлар томонидан айтиладиган “Фарғонача” номли ашула йўлини эслатади. Бу жозибали, роҳатбахш ашула йўлида айнан бир вақтда аёлларнинг бой ички ҳис-туйғулари, гўзал орзу-умидлари-ю истақлари ўз ифодасини топган.

Бузрук мақомининг шўбаларидан яна бири Рок номи билан машҳур. Рок сўзи ҳиндча “rag”, “рага” каллимасидан олинган бўлиб, Ўрта Осиё ва ҳинд халқлари ўртасидаги қадимдан мавжуд бўлган мусиқий алоқаларининг ифодаси бўлса керак. Бунда Роқнинг куй тузилиши ҳинд мусиқасига алоқаси бор деб ўйлаш хатодир. Назаримизда, бу ерда шўба номигина ҳиндчадир. Шунинг ҳам айтиш керакки, уйғур халқида ҳам Шашмақомдаги каби Рок чолғу ва ашула йўллари бўлиб, биздаги Рок шўбасига ўхшайди. Булар ўртасидаги фарқ ижро услубининг турли эканлигидадир.

Бузрукдаги Рок шўбаси учун хос нарса шуки, унинг асосий йўли савт-мўғулчаларига ўхшамайди, балки талқин доира усулида

ижро этилади. Бинобарин, куй тузилиши ҳам анча ихчам. Унинг асосий йўли, талқинчаси, қашқарчаси ва соқийномаси ҳамда уфари, даромад, миёнхат, Уззол намуди ва фурувард қисмларидан иборат бўлиб, ҳамма шохобчаларда авжлар қисқартириб олинган. Лекин бу қисмлардаги оҳанглар бир-биридан анча фарқ қилади. Рок шўъбасининг қисмлари халқ орасида жуда ҳам машҳур бўлиб, расқбоп ашула йўлларидадир. Бу ашула йўллари халқ йиғинларида, тўй ва базмларда кўпчилик томонидан рақс жўрлигида айтилиб келинган.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Рок қисмлари сурнай йўллари сифатида ҳам машҳур. Баъзан шоду ҳуррамлик кайфиятини ифодалагани учун сурнай, карнай ва ноғора ансамблларида ижро этилиб, «Шодиёна» куйлари деб атаганлар. Лекин «Шодиёна» ноғора усуллари ва уларга чалинадиган куйлар ўндан ортиқ саналади ва орасида Рок қисмлари ҳам ижро этилаверади. Рокнинг қашқарча ва уфар қисмлари ўзбек халқ чолғу оркестрига мослаб қайта ишланган бўлиб, кўп йиллар давомида оркестр репертуаридан тушмай келади.


## РОСТ МАҶОМИ

Бу мақом ўтмиш мусиқа рисодаларида «Ўн икки мақом»дан бири саналган. Шарқ мусиқа назариясига оид китобларда Ростнинг энг қадимий мақом экани тўғрисида сўз юритилади ва бу ҳақда афсона келтирилади. Афсонага кўра, Рост мақоми Одам Атодан қолган экан. Гўё Одам Ато Момо Ҳаво билан жаннатдан ерга қувилади. Худо уларнинг бирини Мағрибга, иккинчисини Машриққа жўнатади. Одам Ато Момо Ҳаво ишқида сарсон-саргардон бўлиб, уни ахтаради. Гўё Одам Атонинг чеккан ноласи, оху воҳи Рост мақоми пардаларидаги куйдан иборат эди. Шунинг учун мусиқа китоблари муаллифлари Рост мақомини «Уммул-адвор», яъни барча мақом лад доираларининг «онаси» деб ҳисоблаганлар. Маскур афсонани келтириш билан мусиқа олимлари Ростни энг қадимий ва илк мақом эканини исботламоқчи бўлганлар.

Рост сўзи «тўғри», «ҳақ», «мос тушадиган» маъноларни англатади. Мусиқа рисодаларида айтилишича, бу мақомнинг пардаларига жуда кўп куй ва ашулалар «мос келгани» учун Рост деб номланган. Дарҳақиқат, ўзбек мусиқа меросида ҳозирда ҳам бу мақом ладига мос мусиқий асарлар сон-саноқсиз. Рост мақоми асосий йўллари бошланадиган парда, яъни тоникаси «до» товуши бўлиб, «Ўн икки мақом» таркибида миксолидий ладига яқин бўлган. Шашмақомда эса миксолидий ва ионий номли ладлар қўшилмасига мос келади. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки «Ўн икки мақом»даги Рост ва Ушшоқ мақомлари Шашмақомда Рост мақоми шавлида бирлаш-тирилган. Маълумки, миксолидий ва ионий лад товушқаторлари бир-бирига яқин бўлиб, улар товушқаторнинг еттинчи поғонаси билан ўзаро фарзланади.

Мақом ижросида етакчи чолғу ҳисобланган тамбур торлари Рост мақомида катта октаванинг «до» ва «соль» товушларига соزلаниб, унинг I, II, IV ва VI поғоналари таянч пардаларидир.

33 мисол



Рост мақоми ҳам чолғу ва ашула бўлимларидан иборат. Дастлаб унинг чолғу қисмлари яхлит ҳолда бирин-кетин ижро этилади. Бу чолғу қисмларнинг номланиши қуйидагича:

1. Таснифи Рост
2. Гардуни Рост
3. Мухаммаси Рост
4. Мухаммаси Ушшоқ
5. Мухаммаси Панжгоҳ
6. Сақили Вазмин
7. Сақили Раг-раг

Таснифи Ростда ушбу мақомнинг бош мавзуи баён этилиб, куй-оҳанглари жиҳатидан халқ куйларига ўхшайди. Унинг хоналари пешрав воситаси билан ҳаракат қилади ва кичикроқ ҳажмдаги бозғўйлар билан якунланади. Таснифи Рост ўз тузилиши билан «Усмония» куйига жуда яқин. Унинг пешрав оҳанглари эса жуда кўп халқ чолғу куйларида учрайди.

Таснифи Ростнинг хоналари тобора юқори пардаларга кўтарилиб, кейинги 6—7 хоналар ҳажми ниҳоятда кенгайиб кетади. Масалан, биринчи хона 16 такт бўлган ҳолда еттинчи хона 94 тактни қамраб олади. Хоналар кенгайиб бориши билан куйнинг мазмуни ҳам чуқурлаша боради.

Рост мақомининг бошқа чолғу йўлларида Гардуни Рост оҳанг мазмуни билан Таснифи Ростга яқин. Лекин, мухаммас ва сақиллар куй-оҳанглари тубдан фарқ этади. Мухаммаси Рост билан Мухаммаси Ушшоқ йўллари бир-бирига оҳангдош. Улар икки турли ладга мослаб олинган битта куйнинг вариантларидир.

Мухаммаси Ушшоқ эса, шинавандаларга таниш куй бўлиб, кишида чуқур ҳамда нозик ҳис-туйғулар уйғотади. Айниқса унинг Хоразм намунаси енгилроқ, шўхроқ услубда ижро этилиб, шоду-хуррамлик, хурсандчилик кайфиятини уйғотади.

Рост мақомида учта мухаммас йўли орасида Мухаммаси Панжгоҳ ажралиб туради. Унинг куй тузилиши ҳам ўзига хос, бошқа мухаммасларлардан тубдан фарқ этади. Панжгоҳ ибораси «Ўн икки мақом» тизимида маълум шўъбанинг ифодаси бўлган ва беш поғонали товушқаторни англатган. Шунинг учун унинг лад

асоси асл мақомдан фарқ этади.

Рост мақомида иккита сақил йўли мавжуд. Улар Сақили Вазмин ва Сақили раг-раг (ёки рак-рак) дейилиб, вазмин ибораси арабча «сақил» сўзининг ўзи, раг-раг эса ҳиндча мақом маъносини билдиради. Гардун, мухаммас, сақил иборалари доира усуллари ифодаси экани айтиб ўтилган эди. Бу ерда яна шуни айтиш керакки, номаълум сабабларга кўра Рост мақомида тарже дейилган чолғу қисми учрамайди. Рост чолғу йўлларининг куй мавзуи ўзига хос бўлиб, доира усуллари бошқа мақомлардаги кабидир. Уларнинг ҳаммаси жозибали, ёқимли, оҳангларга бой. Рост мақомининг чолғу қисмлари ижро этилиб, ашула бўлими йўлларига ўтилади.

Рост мақоми ашула йўллари куй мавзулари жиҳатидан хилма-хилдир. Улар биринчи ва иккинчи гуруҳ шўъбаларидан таркиб топган. Биринчи гуруҳ Сарахбори Рост, Талқини Ушшоқ, Насри Ушшоқ, Наврўзи Сабо шўъбалари ва Уфари Ушшоқ қисмидан иборат. Бу шўъбалардан кўринадики, Рост мақоми асосий йўллари уч хил куй мавзудидаги ашулалардан, яъни Рост, Ушшоқ ва Наврўзи Сабо ашула йўлларидан иборат. Рост мақомининг биринчи гуруҳ шўъбалари туркумининг бош мавзуи бўлган Сарахбори Рост билан бошланади. Ундан сўнг унинг тўртта таронаси ўқилади. Ростнинг туркуми кейинги шўъба билан уловчи вазифасини бажарувчи супориш воситаси билан Талқини Ушшоқ шўъбасига улашади.

Талқини Ушшоқдан кейин унинг таронаси айтилади. Бу тарона айнан бир вақтда супориш вазифасини ўтайди ҳамда Насри Ушшоқ шўъбасига уланиб кетади. Насри Ушшоқнинг биринчи ва иккинчи тароналари ижро этилиб, супориш билан Наврўзи Сабо шўъбасига ўтилади. Унинг кетидан Наврўзи Сабонинг талқинчаси айтилиб, Ростнинг биринчи гуруҳ шўъбалари туркуми Уфари Ушшоқ ва охири супориш билан яқуллашади.

Рост мақоми ашула бўлимининг бош мавзуи бўлган Сарахбори Рост ўзининг куй тузилиши жиҳатидан ўзига хос ашула йўлларидан бўлиб, жуда мураккаб қиёфага эга. Сарахбори Рост чолғу муқаддима ва даромад қисми билан бошланади. Сўнгра шеър матнсиз ижро этиладиган оҳанглар орқали ўрта пардаларда баён этиладиган миёнхат қисмга ўтилади. Миёнхат қисми ҳам шеърий матнсиз

айтиладиган оҳанглар билан тоникага қайтиб тушади. Сарахбори Ростнинг такт ўлчови оддий, икки чорак бўлиб, «музореи мусаммани ахраби макфуф» дейилган вазндаги шеърлар билан ижро этилади, яъни Муниснинг:

Қилди кўзум қаро мени ғам тийра ҳол этиб,  
Хуршеддек ёрут ани арзи жамол этиб.

каби шеърлар мос келади. Сарахбори Ростнинг авж қисмида Сегоҳ, Ушшоқ, Уззол ва Мухайяри Чоргоҳ намудлари бирин-кетин ижро этилади. Бу намудлар бир-бирига шеър матнисиз айтиладиган оҳанглар воситаси билан уланади. Ашула йўли эса, туширим қисми фурувард билан яқуланади. Сарахбори Ростнинг мураккаб куй тузилишини тўлиқ англашда мазкур намудларни ажрата билиш асосий омиллардандир.

Сарахбори Ростнинг мураккаб куй қиёфаси тивғловчига осон этиб боради, кишида юксак лирик кайфиятлар уйғотади, ажойиб манзараларни тасвирлаб, воқеликни мусиқий-бадий воситалари билан тушунтиради. Намуд, авжлари эса куй мазмунининг ранг-баранг бўлишини тўминлайди ва унинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Сарахбори Ростни тинглаш жараёнида киши ҳиссиётида жиддий ҳолат юзага келади. Бундай ҳолат эса тарона қисмларига ўтилиши билан енгилланади ва кишида янги ҳис-туйғулар ҳосил бўлади. Тароналар ҳам мақом туркумларидаги куй мавзуининг ранг-баранг бўлишини тўминлайди. Сарахбори Ростнинг биринчи таронаси ўн уч тактга мураккаб донра усули жўрлигида ижро этилишига қарамай, енгил ва хушчақчақ кайфият уйғотади. Куй ҳаракатида оҳанглар эса равоп янграйди. Бу шўъбанинг бошқа учта таронаси янада шўхчанг ва жозибалидир.

Рост мақомининг иккинчи шўъбаси Талқини Ушшоқ деб номланади. Шунини айриш керакки, Рост мақомида Ушшоқ номи билан машҳур бир неча шўъба ва қисмлар мавжуд. Унинг биринчи гуруҳ шўъбаларида яна Насри Ушшоқ ва Уфари Ушшоқ дейилган ашула йўллари мавжуд. Уларнинг ҳаммаси бир-бири билан ҳамоҳанг, куй тузилиши ва таркибий қисмлари ҳам бир хил.

Талқини Ушшоқ, Насри Ушшоқ ва Уфари Ушшоқ маълум ашула йўлининг талқин, наср ва уфар доира усуларида ижро этиладиган вариантларидир. Лекин, уларга ўқиладиган шеър ўлчовлари турлича бўлади.

Ушшоқ атамаси арабча «ошиқ» сўзининг кўллиги бўлиб, «ошиқлар» деган маънода ишлатилади. Ҳеч шубҳа йўқки, Ушшоқ чолғу ва ашула йўллари, уларга айтиладиган шеърлар ҳам ишқий-лирик характерда бўлган. Ушшоқ шўъбалари ва унинг уфар қисми куй тузилишини тасаввур этиш учун улардан биттасини кўриб чиқилса кифоя.

Масалан, Насри Ушшоқни олиб кўрамиз. Бу ашула йўли 6F4 такт ўлчовидаги доира усули жўрлигида ижро этилиб, «ҳазажи мусаммани солим» - дейилган вазндаги шеър ўлчовида ижро этилади. Насри Ушшоқ Нодиранинг:

Агар гулшанга кирса сарв гулрўйим хиром айлаб,  
Югургай сарву гул юз марҳабо бирла салом айлаб.

- деб бошланадиган ғазали ўлчовида айтилади.

Насри Ушшоқнинг даромад қисми икки байт шеър билан айтилади, яъни бир хат (бир байт) шеърга мос ашула жумласидир. Насри Ушшоқнинг авж қисмида учта: Ушшоқ, Уззол ва Мухайяри Чоргоҳ намудлари мавжуд. Булардан Ушшоқ ва Уззол намудлари қисқа берилган бўлиб, бу намудлар Мухайяри Чоргоҳга ўтишда ўзаро уловчи вазифасини ўтайди. Ашула йўли туширим қисми билан тугалланади. Насри Ушшоқнинг таркибида ҳамма куй қисмлари Талқини Ушшоқ ва Уфари Ушшоқ ашула йўлларида мавжуд. Шу сабабли улар устида алоҳида тўхталиб ўтирмаймиз.

Насри Ушшоқдан кейин унинг иккита таронаси ижро этилади. Бу тароналар кичик ҳажмдаги жозибали ва ёқимли ситил ашула йўллари бўлиб, оддий халқ қўшиқларига яқиндир. Насри Ушшоқнинг биринчи таронаси Хоразмда машҳур бўлган «Ҳануз» ашуласининг ўзидир. Хоразм мақомлари таркибида эса Нақши Рост деб номланади.

Рост мақомининг яна битта шўъбаси Наврўзи Сабо ашуласидир. Ўтмиш мусиқа рисоаларида Наврўз байрамига аталган

ва «навру́з» сўзи қўшилиб номланадиган бир неча мақом шўъбалари мавжуд эди. Улар Навру́зи Араб, Навру́зи Хоро, Навру́зи Баётий, Нарўзи Ажам, Навру́зи Сабо каби аталарди ва Навру́з байрамига нисбат бериларди. Навру́зи Сабо эса, шундай шўъбалардан бири сифатида баҳор манзараларини тасвирлайдиган Роҳавий мақомининг шўъбаси саналган. Шашмақомда эса, Рост мақоми таркибига киритилган. Шу сабабли, Навру́зи Сабонинг куй мавзуи, куй қисмлари Рост мақомининг бошқа шўъбалари матнларидан бутунлай фарқ этади. Ҳатто бунда Рост мақомига хос бўлмаган Наво ва Ораз намудларидан фойдаланганлиги фикримизга далил бўла олади. Навру́зи Сабонинг таъсир этиш кучи ҳам ўзига хос.

Навру́зи Сабо жуда мураккаб тузилган. Унинг бир байт шеъри билан айтиладиган хатлари мазкур ашула йўлининг қуйидаги қисмларини ташкил этади: биринчи хат даромад, иккинчи ва учинчи хатлар ўрта пардаларда ижро этиладиган миёнхат, тўртинчи хат даромаднинг юқори пардалардаги такрори бўлмиш дунаسر, бешинчи ва олтинчи хатлар Сегоҳ намуди, еттинчи хат Наво намуди, саккизинчи хат Ораз намудидан иборат. Ашула йўли туширим қисми фурувард билан тугалланади.

Навру́зи Сабо айниқса машҳур мақомдон устоз Домла Ҳалим Ибодов ижросида мароқли чиқарди. Домла Ҳалим Сегоҳ намуди авжини ниҳоятда кенгайтирилган шаклда айтарди. Бу ашула йўлидан Юнус Ражабий «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасида Шопур арияси сифатида фойдаланган бўлиб, Шопурнинг Фарҳодга садоқати, уларнинг чуқур самимий дўстлик туйғуларини тўлақонли ифодалай олган.

Навру́зи Сабодан кейин унинг талқинчаси ижро этилади. Шунинг ҳам айтиш керакки, биринчи гуруҳ шўъбалари орасида талқинча дейилган шохобчалар бўлмайди, балки талқинчалар иккинчи гуруҳ шўъбаларига хосдир. Навру́зи Сабо шўъбаси эса бундан мустаснодир. Навру́зи Сабо талқинчасининг куй тузилиши асосий шўъбанинг йўлидан фарқ этади. Унинг кичик бўлаклари ҳам бутунлай бошқа, катта авж сифатида «Зебо Пари» авжи келади.

Навру́зи Сабо талқинчаси ҳам асосий шўъба йўли каби куй-оҳангларга бой, ажойиб ашула йўлларидадир. Навру́зи Сабо асосида



жуда кўп куй ва ашулалар яратилган. Жумладан, унинг талқинчаси оҳанглари асосида Тўхтасин Жалилов «Тоҳир ва Зухра» операси учун «Ишқ сели» деб бошланадиган ария, Комилжон Жабборов «Лайли ва Мажнун» мусиқали драмасида қаҳрамонларнинг «Мубгало бўлдим сенга» деб бошланадиган дуэтини яратган эдилар.

Умуман, Ростнинг биринчи гуруҳ шўъбалари жуда ҳам машҳур ашула йўлларидир. Улар асосида Ўрта Осиёнинг турли воҳаларида савтлар, уларнинг шохобчалари, Ушшоқнинг тўртта варианты, Гулёрн Шаҳноз ва унинг шохобчалари, сурнайда чалинадиган қатор мусиқий асарлар юзага келган эди. Бу шўъба ва ашула йўлларининг аксарияти иккинчи гуруҳ шўъбалари жумласига киритилган.

Шундай қилиб, Рост мақомининг биринчи гуруҳ шўъбалари Сарахбори Ростдан бошланиб, унинг тўртта таронасига ўтилади. Туркум эса Талқини Ушшоққа уланиб кетади. Унинг таронаси ижросидан сўнг Насри Ушшоқ ижро этилади. Сўнгра иккита таронаси ўқилиб, Наврўзи Сабо ва уни талқинчасига ўтилади. Биринчи гуруҳ шўъбалари Уфари Ушшоқ ва охириги супориши билан якунланади.

Рост мақоми иккинчи гуруҳ шўъбаларига Савти Ушшоқ, Савти Калон, Савти Сабо киради ва Ростнинг биринчи гуруҳ шўъбалари асосида яратилган уларнинг вариантларидир. Рост мақоми иккинчи гуруҳ шўъбалари савт йўлларидангина иборат бўлиб, уларда мўғулча учрамайди. Савтлар талқин ва наср шўъбаларига назира тарзида ишланган ашула йўллари экани тўғрисида айтиб ўтилган эди. Лекин Савти Ушшоқ бу ўринда мустаснодир. Ҳатто унинг лад қиёфаси, куй тузилиши ҳам биринчи гуруҳдаги Ушшоқ шўъбаларидан фарқ этади. Масалан, Насри Ушшоқ билан Талқини Ушшоқ ионий ладига мос келган ҳолда, Савти Ушшоқ товушқатори фригий ладига тўғри келади. Тоника Рост мақомида биринчи октаванинг «до» товуши бўлиб, Савти Ушшоқда «ми» ёки «си» пардасига тўғри келади. Мақомлар ижросида танбурнинг мазкур пардалари Савти Ушшоқ ижроси учун қулай бўлиб, тоника «си» товуши бўлгач «фа» товуши олдида диез қўйиш билан товушқатор жўнлаштирилади.

Савти Ушшоқнинг ҳамма шохобчалари ҳам жозибали ва

дилрабо ашула йўларидандир. Улар турлича доира усулларига туширилганда янгича сайқал топади, куй мавзуи ўзгача гавдаланади. Айниқса, қашқарчаи Савти Ушшоқ ёрқин ифода воситаларига бой, таъсирчан, мафтункор ашула йўларидандир

Савти Ушшоқ соқийномасининг бошланиши Бухоро Ироғининг соқийномасини эслатади. Лекин унинг ўрта пардалари ва авж қисмидаги ашула жумлалари Савти Ушшоққа хос янграйди. Уфари Савти Ушшоқ «Фарғонача» хотин-қизлар қўшиғининг ўзи. Улар ўртасидаги тафовут шуки, Ушшоқ уфаридаги авжлар «Фарғонача»да тушириб қолдирилган.

Савти Ушшоқнинг лад асосига, куй-оҳангларига мос келадиган жуда кўп халқ куй ва ашулалари мавжуд. Халқимиз орасида машҳур “Гулузорим”, “Фарғонача “Тановар”, “Тонг отгунча”, Хоразм дoston-ларида айтиладиган “Найлайин” ашуласи, «Излайман» ва бошқа фарғонача кўшиқ ва яллалар фикримизнинг далилидир.

Композитор ва бастакорларимиз ижодига ҳам Савти Ушшоқ йўллари ўзининг баракали таъсирини кўрсатган. Мухтор Ашрафийнинг Дилором операсидаги Дилором арияси, Дони Зокиров Навоий газалига басталаган “Кўрмадим” романи, Дадаали Сотақулов Муқимий газалига ёган “Навбаҳор” романи, Тўхтасин Жалилов басталаган бир неча ашула йўллари, ганижон Тошматовнинг “Истадим” каби кинига ажойиб кайфиятлар бағишловчи мусиқа асарлари Савти Ушшоқда ҳамоҳандир.

Рост мақомининг иккинчи гуруҳига кирган шўъбалардан бири Савти Сабодир. Савти Сабонинг лад асоси Рост мақомининг товущааторига мос келади. Савти Сабо Ростнинг биринчи гуруҳ шўъбаларидан Наврўзи Сабо асосида юзага келган. Уларнинг орасида баъзи тафовутлар бўлиши табиий ҳолдир. Савти Сабо Наврўзи Сабога тақлид қилиниб ишланган ва қисқартирилиб олинган. Савти Сабода Наврўзи Сабодаги куйнинг поғонама-поғона силлиқ ҳаракати сакрама ҳаракатга алмашинган. Уларнинг дастлабки уч хати оҳанглари деярли бир хил бўлиб, Савти Сабода Наврўзи Сабодаги Сеғоҳ, Наво ҳамда Ораз намудлари ўрнига Зебо пари авжидан моҳирона фойдаланилган. Савти Сабо ва унинг талқинча, қашқарча, соқийнома ва уфар дейилган шохобчаларида

бир хил куй қисмлари мавжуд. Яъни, биринчи хат икки марта такрорланадиган даромад қисми, иккинчи хат ўрта пардаларда айтиладиган миёнхат, учинчи ва тўртинчи хатлар Зебо Пари авжи ва охирги хат туширим қисмларидан ташкил топган. Савти Сабо йўллари улар асосида юзага келган ашула йўллари орқали ҳам машҳур бўлган.

Рост мақоми иккинчи гуруҳ шўъбаларидан яна бири Савти Калон дейилади. Бу ерда Калон бастакор тахаллусидир. Савти Калон ҳам беш қисмли ашула йўли бўлиб, унинг шохобчалари талқинча, қашқарча, соқийнома ва уфардир. Савти Калоннинг намуналари Ўзбекистон ва Тожикистоннинг турли воҳаларида кенг тарқалган бўлиб, улар асосида жуда кўп куй ва ашулалар яратилган. Савти Калоннинг тузилиши, куй-оҳанглари халқ мусиқа асарлари тарзидадир. Улар асосида яратилган қаландар I, II, унинг вариантлари «Ким десун», «Раққосасидан», «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасидаги Ширин арияси каби ашула йўллари халқимизнинг сеvimли мусиқа асарлари бўлиб келган.

Савти Калон ва унинг шохобчаларининг куй тузилиши, куй ҳаракати ва таркибий қисмлари бир хил. Шу сабабли улар ҳақида умумий тушунча бериб ўтамиз. Савти Калоннинг икки хати иккитта турли услубда айтиладиган даромад қисми. Учинчи хати ўрта пардаларда ижро этиладиган миёнхат, тўртинчи ва бешинчи хатлар Зебо Пари авжи, олтинчи хат эса туширим қисмларидан иборат.

Савти Калон шўъбасини тинглар эканмиз, кишида умид ва орзуга эришиш ҳиссиётлари акс этади, инсонга хушчақчақ кайфиятлар бахш этади. Унинг бош йўлини, талқинча ва қашқарчасини тинглаганда киши руҳан эзгу мақсадлар сари талпингандек бўлади. Соқийнома ва уфари эшитилганда беихтиёр шоду хуррамлик бошланади, рақсга таклиф этилгандай сезилади.


Умуман, Рост мақоми йўлларига мос куй ва ашулалар халқимиз мусиқа меросида муносиб ўрин эгаллайди. Бундай мумтоз асар мусиқий бойликларимиз олтин хазинасидан жой олади.

## НАВО МАҶОМИ

Наво — Шашмақом таркибидаги учинчи мақомдир. Унинг тарихи ҳам узоқ ўтмиш замонларга бориб тақалади. Наво атамаси форсча «куй», «оҳанг» маъноларини билдиради. Бадий адабиётда булбулнинг сайрашини мақтаб, шоирлар булбулнинг навоси, нола чекиши, - дейдилар. Буюк Навоий ҳам ўз тахаллусини шу сўздан олган ва «наво чекувчи, куйловчи» маъноларида қўллаган.

Ўтмиш мусиқа рисоаларида Наво мақоми Нағмаи Довудий, яъни Довуд пайғамбар куйи деб ҳам аталади. Бу ҳақда бир нечта афсоналар шалтирлади. Довуднинг ўзи диний афсоналарда мусиқа рамзи сифатида қаралади. Бир афсонада нақл қилинишича, гўё Худо Одам Ато танасини тушроқдан яратиб, унга жон киритмоқчи бўлади. Аммо фаришталар қанча ўринмасин, бу ишни удалай олмабдилар. Жон эса Одамнинг қоронғу қалбига киришга ҳеч унамабди. Худога хабар берибдилар. Худо шу Одамнинг бўлажак зурриётидан, Довуднинг инсонлар жони сақланадиган омборида қандайдир идишдаги руҳни олиб келишни буюрибди. У гўё шу идиш ичидан танбурни олиб, Наво мақоми йўлларида ажойиб бир ашулани хониш қилибди. Бундан завқланиб, эриб кетган жон одамнинг танасига қандай қилиб кириб қолганини билмай қолибди. Наво мақоми шу сабабли «Нағмаи Довудий» деб номланган экан. Бундай афсоналар мусиқани «харом»га чиқариб, санъат аҳлини хўрлаб камситган ҳамда санъаткорларни таъкиб остига олган диний ақидаларга қарши тўқилган эди. Бинобарин, бу ривоятлар ўтмиш мусиқа ҳаётига маълум даражада ижобий таъсир кўрсатган.

Ўтмиш мусиқа рисоаларидан маълумки, Наво «Ўн икки мақом» тизимида иккинчи ладига мос келади. Шашмақомда эса, Навонинг асосий йўллари «ре эолий» - «фа ионий» ладларига монанддир. Наво мақомининг айрим шўбалари авжида миксолидий ладда ижро этиладиган ашула қисмлари учраб туради. Мақомлар ижросида етакчи чолғу ҳисобланган танбур Наво мақоми учун секундага (соль-фа-соль) созланиб, мақом товушқаторининг I-III-IV-V-VI поғоналари таянч пардалари ҳисобланади.



Наво мақоми йўллари айниқса танбур ижросида тўлақонли ва жозибали янграйди. Чунки танбурнинг пардаларини мослаб созланиши Наво куйларига мувофиқ тушади, унинг жўр торлари куйга ҳамоҳанг ва ҳамсадо қўшимча товушлар воситаси билан уйғунлашиб, куйнинг таъсирчанлигини ва янгроқлигини таъминлайди, кишида нозик ҳис-туйғулар уйғотади. Умуманда Наво мақоми йўллари асосида юзага келган куйларнинг аксарияти танбур асосида яратилар ҳамда танбурда ўринлатиб чалинади.

† Наво мақоми ҳам чолғу ва ашула бўлимларидан иборат. Ашула бўлими эса биринчи ва иккинчи гуруҳ шўъбаларидан таркиб топган.

Наво мақоми чолғу бўлимида саккизта қисм бўлиб, улар:

1. Таснифи Наво
2. Таржеи Наво
3. Гардуни Наво
4. Нағмаи Орази Наво
5. Мухаммаси Наво
6. Мухаммаси Баёт
7. Мухаммаси Хусайний
8. Сақили Наво

деб номланади. Бу ўринда, аввал айтганимиздек, тасниф ибораси мақомнинг бош куйи, асари, тарже қайтарма оҳанглардан иборат куй. Гардун, мухаммас ва сақил иборалари доира усулларининг ифодаси. Нағмаи Орази Наво — Ораз тахаллуси билан машҳур бўлган бастакорнинг нағмаси, яъни куйи, баёт Ўрта Осиёда яшаган қадимий турк қабиласига нисбат берилган куй, Хусайний эса бастакор тахаллусидир.

Наво мақоми чолғу қисмларининг куй-оҳанглари бир-биридан фарқ этади. Навонинг чолғу қисмларини тинглар эканмиз, улар никоҳ тўйи маросимларида сурнайда чалинадиган куйларни эслатади, ҳамда инсонда тўй-ҳашамларда ҳосил бўладиган кайфиятни уйғотади. Масалан, Таснифи Наво ва Таржеи Навонинг

усул ва ижро суръатици биров тезлаштириб, сурнай, карнай, ноғораларда ижро этилса, сурнай куйларидек садоланади.

Навонинг чолғу йўллари оҳангларга бой, кишида нозик ҳис-туйғулар қўзғатадиган таъсирли куйлардан иборат. Наво мақоми йўллари ўзбек халқи узоқ ўтмиш замонлардан бошлаб тўшлаб келган бой ички маънавий дунёсини ҳаққоний равишда акс эттирадиган муסיқа дуруналаридандир. Наво мақомининг чолғу қисмлари турли дошра усулларида ижро этилса-да, туркум тарзида чалинганда улар бир-бирининг бевосита давомидек туюлади.

Наво чолғу йўлларида асосий лад-тоналлик сақланса-да, Мухаммаси Наво, Мухаммаси Хусайний, Сақили Навода баъзи ўзгаришлар содир бўлади. Лекин, Навонинг асосий куй мавзуи Наво мақомига хос руҳий ҳолат барча чолғу йўллари бўйлаб сақланиб қолади. Наво оҳанглари турли чолғу қисмларида ҳар хил намоён бўлиб туради. Баъзи чоғу йўллари, масалан, Нағмаи Орази Наво, Мухаммаси Наво, Мухаммаси Хусайний, Сақили Наво мақом бошланадиган тоникага кўра юқори пардалардан бошлангани учун, алоҳида ижро этилганда, бошқа куйнинг давомидек туюлади. Бу нарса мазкур чолғу йўллари туркум тарзида ижро этишга мўлжалланиб яратилганини кўрсатади. Масалан, Мухаммаси Хусайнийни тинглаганда шундай ҳолатни кўрамиз.

Наво мақоми чолғу қисмлари асосида анчагина чолғу, шу жумладан сурнай куйлари яратилган бўлиб, улар «Наво куйлари», «Сурнай Наво йўллари» деб юритилади. Бундай куйлар Навонинг халқ орасида жуда ҳам машҳур бўлиб кетишига сабабчи бўлган.

Наво мақоми ашула бўлимининг биринчи гуруҳ шўъбалари сарахбор, талқин, учта наср ва битта уфар қисмлардан таркиб топган. Улар Сарахбори Наво, Талқини Баёт, Насри Баёт, Орази Наво, Хусайний Наво деб номланади. Шўъбаларнинг кўпчилиги бир нечтадан тароналарга эга. Бу тароналар асосий ашула йўлларида кейин ижро этилиб, йирик шаклдаги мураккаб ашулалар айтилгандан кейин ҳосил бўладиган жиддий кайфиятни енгиллаштириб боради ва баъзи тароналар бир шўъбадан иккинчисига уланиб, мақом йўллари-нинг туркум тарзида ижро этилишида уловчи (супориш) вазифасини ўтайди.

Мазкур мақом Сарахбари Наво шўъбасидан бошланади. Унинг ички тузилиши жуда мураккаб. Асарни тинглаганда кишида лирик ҳис-туйғулар пайдо бўлади ва у катта завқу шавқ бахш этади.

Сарахбири Наво чолғу муқаддима ва бир байт шеър билан айтиладиган дастлабки хат даромад билан бошланади ва шеър матнисиз айтиладиган оҳанглар билан яқунланади. Иккинчи хат ўрта пардаларда ижро этилиб, шеърнинг биринчи мисраси икки куй жумласида такрорланади ва иккинчи мисра шеър ўқилиб «фа» пардасига қайтади. Иккинчи хат ҳам шеър матнисиз «ҳай ёр, өй ёра» каби ундов сўзлар билан ижро этиладиган оҳанглар билан яқунланади. Сарахбири Навонинг учинчи хати Орази Наво шўъбаси бошланиш қисмидан олинган Ораз намуди авж сифатида фойдаланган ашула қисми, унинг тўртинчи ва бешинчи хатлари эса Наво намуди, яъни Навонинг маълум кўринишини авж тарзида фойдаланилган шаклидир. Ораз намуди ҳам ҳанглар билан айтилиб, фурувард, яъни туширим қисмига уланиб кетади.

Сарахбири Наво 2/4 такт ўлчовидаги «бак-бум» каби талаффуз этиладиган доира усули жўрлигида ижро этилиб, музоре баҳридаги шеърлар туридан Саккокийнинг:

Сентек жаҳонда кўзлари айни бало қани?

Ментек анинг балоси била мубтало қани?

- деб бошланадиган ғазалига мос ўлчовидаги шеърлар билан ўқилади.

Сурнай Наво йўлларида хабардор киши ҳар қандай ўзгартишлар билан айтилмасин, бошқа куйлар таркибидан уни ажратиб олиши қийин эмас. Наво намуди турли кўринишларда куй ва ашулалар авжида бирдек оҳангдор ва жозибадор янграйди, тингловчини нозик ҳис-туйғулар ва эзгу ҳаёлларга чўмдиради.

Масалан, «Абдурахмонбеги» ашуласи авжидаги Наво намудини олиб кўрилса кифоя. Наво намудини устозлардан Ҳожи Абдулазиз, Ота Ғиёс, Домла Ҳалим, Леви Бобохонов, Уста Шоди Азизов каби мақомдонлар жуда ҳам зўр ихтиро билан айтардилар ва ўзлари ижро этадиган ашула йўлларида фойдаланишга ҳаракат этардилар.

Сарахбири Наводан кейин унинг иккита таронаси ижро этилади. Улардан биринчи туридаги ўлчови маълум вазнга мос

келувчи ёки арузга тўғри тушмайдиган тожик халқ шеърлари билан ижро этилади. Иккинчи таронаси эса биринчи таронанинг бевосита давоми сифатида янграйди. Сарахбори Наво тароналари ижро этилиб, талқин усулида айтиладиган супориш орқали Талқини Баёт шўъбасига ўтилади. Талқини Баёт, Насри Баёт ва Уфари Баётга ҳамоҳанг ҳамда улар маълум Баёт ашула йўлининг талқин, наср ва уфар доира усулларида ижро этиладиган турли кўринишларидир. Уларнинг таркибида даромад, ўрта пардаларда айтиладиган миёнхат, баёт оҳангларининг юқори пардаларидаги такрори (дунаси) ёки Баёт намуди ва туширим қисмлари мавжуд. Мазкур ҳамоҳанг ашула йўлларида Талқини Баёт ва Уфари Баёт «рамали мусаммани маҳзуф» дейилган вазндаги ғазаллар билан ижро этилади. Шу жумладан Навойнинг:

Оташин гул баргидин хилъатки, жононимдадур,  
Хилъат эрмас ул бир ўтдурким, менинг жонимдадур.

Насри Баётга айтиладиган шеърлар «ҳазажи мусаммани солим» ўлчовида, яъни Нодиранинг:

Рафиқо, менга бир дам дўстлуғ расмини изҳор эт,  
Ки, мен бордим ўзумдин, ёр агар келса, хабардор эт.

Талқини Баётнинг асосий йўли ижро этилиб, унинг таронасига ўтилади. Бу шўъба насрлар доира усулидаги супориш воситаси билан Насри Баёт шўъбасига уланиб кетади. Насри Баёт Талқини Баётнинг ритмик варианты бўлса-да, ўзига хос янграйди. Ашула йўли наср усулида янгича оҳанг, бошқача куй ифода воситасини касб этади. Ўзининг сеҳрли оҳанглари билан эшитувчига завқ бағишлайди. Насри Баётни таҳлил этиб тинглаб кўрилса, фикримизнинг далили бўлади.

Насри Баётнинг таронаси 3/4 такт ўлчовидаги доира усули жўрлигида ижро этилади. Бу ашула йўли ўтмишда Нақши Наво ёки Нақши Баёт деб ҳам аталган. Нақш сўзи «безак» маъносида мақом шўъбаларига боғланадиган, тароналарга кўра йирикроқ шаклдаги ашулаларни ифодалаган. Дарҳақиқат, бу нақш йўли Насри



Баётдан кейин тингланса, кишида ҳосил бўладиган жиддий кайфият енгил-лашади, у қандайдир нозик ҳис-туйғуларни юзага келтирадиган равон ашула йўлини тинглаб, ором олади. Таронаи Баёт Ўрта Осиёнинг турли воҳаларида жуда кенг тарқалган. Тошкент ва Фарғонада машҳур бўлган Баёт туркумида «Баёт II» деб номланиб, ҳофизлар томонидан турли услубларда айтиб келинган. Шу ашула йўли таъсирида бастакорларимиз ўнлаб ажойиб ашулалар яратганлар. Тўхтасин Жалиловнинг «Боғ аро», «Эй кўнгул», Юнус Ражабийнинг «Қошки», Комилжон Жабборовнинг «Келдик», «Назора қил» каби ашулаларини кўрсатиб ўтish кифоя.

Таронаи Баёт айтилгандан кейин туркум кейинги шўъбага уловчи вазифасини ўтайдиган супориш орқали Орази Навога уланиб кетади. Орази Наво наср дейиладиган шўъбалар жумласидан бўлиб, унинг доира усули ва шеър ўлчови Насри Баётдаги каби. Орази Навонинг куй мавзуи ва ҳиссий таъсир кучи Навонинг бошқа шўъбаларидан бутунлай фарқ этади. Уни тинглаганда жасоратбахш кайфиятлар уйғонади. Бундай ҳоллар наср шўъбаларининг ҳаммасига ҳам хос. Чунки наср сўзи «қумак», «зафар» маъноларини билдириб, мазкур ибораларга маънодош.

Орази Наво ҳам даромад билан бошланади. Унинг кейинги икки байт шеър билан ўқиладиган икки хати ўрта пардаларда ижро этиладиган миёнхат, тўртинчи хати Баёт намуди, бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатлар бир неча кўринишларда такрорланадиган Ораз намуди ва охириги хат даромад жумлаларига ўхшаш туширим қисмларидан таркиб топган. Орази Навони, айниқса унинг асосида яратилган Ораз намуди тингланганда, уни бошқа мақом йўллари таркибидан осон ажратиб олиш мумкин. Чунки Ораз мавзуидаги ашула йўлларида «ёр-ёр», «ёр-ей» дейилган сўзлар билан ўқиладиган оҳанглар айтилади.

Орази Наводан кейин унинг учта таронаси ўқилади. Уларнинг биринчиси 3/4 такт ўлчовидаги доира усулида, иккинчиси соқийнома усулида, учинчиси талқин доира усулида ижро этилади. Бу тароналар бир-бирининг кўринишлари бўлса-да, турли кайфият бахш этувчи енгил ашула йўлларидек эшитилади ва турли бўёқларда тараннум этилади. Орази Наво тароналари ҳам чуқур лирик ҳис-

туйғулар билан суғорилган. Доира усули ўзгара бориши билан ашула йўллари янги тусга кира боради ва туркумнинг ранг-баранглигини таъминлайди. Орази Наво тароналари айtilганидан сўнг мақом туркуми супориш қисми орқали Хусайний Наво шўбасига уланиб кетади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ораз ва Хусайний шўбалари Дугоҳ мақомига ҳам киритилиб, улар Орази Дугоҳ ва Хусайний Дугоҳ деб номланади. Бу шўбалар иккала мақомда бир хил куй тузилишида бўлиб, Наво ва Дугоҳ мақомлари лад-тоналликларига мослаб олинган.

Хусайний Наво Рост мақомидаги Наврўзи Сабо шўбаси оҳангларига ўхшаш куй йўли жумлалари билан бошланади. Унинг кейинги хатлари ҳам Наврўзи Сабо йўлига ўхшайди. Фақат унинг авжида Баётга ҳамоҳанг куй тузилмалари мавжуд. Уларни Хусайнийнинг октава даражасидаги ривожлантирилган тури дейиш ҳам мумкин.

Хусайний Наво оғирроқ усулда ижро этилиб, уни тинглаганда киши бироз толиқиб қолиши мумкин. Шунинг учун туркумнинг яқунловчи қисми – Уфари Баётга ўтилиши билан киши ўзида анча енгиллик ҳис этади. Уфари Баёт шўхроқ уфар доира усулида ижро этилиб, рақс куйлари каби янграйди. Унга ҳамоҳанг шўбалар – Талқини Баёт ва Насри Баётдаги вазминлик бу ерда бутунлай сезилмайди ва тингловчини хушчақчақ, ўйин-кулги вазиятга олиб киради.

Шундай қилиб, Наво мақомининг биринчи гуруҳ шўбалар туркуми Сарахбори Наводан бошланиб, унинг тароналари ўқилади, сўнгра Талқини Баётга супориш қилинади. Талқини Баёт таронаси билан айтилиб, Насри Баётга уланиб кетади. Унинг тароналари ижро этилгандан кейин Наво мақом туркуми Орази Наво ва унинг тароналарига ўтади. Бу шўба қисмлари ҳам супориш қисми орқали Хусайний Навога, ундан сўнг шўбалар туркуми Уфари Баёт ва охириги супориш қисми билан яқунланади. Наво мақоми таркибидаги шўбалар оҳанглари жиҳатидан жуда бой бўлган Сарахбори Наво, Баёт, Ораз ва Хусайний мавзуидаги ашула йўлларида иборат. Бу ашула йўллари асосида жуда кўп туркумли шўбалар ҳамда халқ

куй ва ашулалари яратилган. Бу шўъбалар Навонинг иккинчи гуруҳ шўъбалари жумласига киритилган.

Наво мақоми иккинчи гуруҳ шўъбалари Савти Наво, Мўғулчаи Наво, Мустазоди Наво деб номланади. Уларнинг ҳар бири Навонинг биринчи гуруҳ шўъбалари асосида яратилган. XIX аср ўрталарида Бухоро ва Хоразмда тузилган ҳамда Шашмақом ашулаларига айтилган шеър матнларини ўз ичига олган тўпламларда бу шўъбалар умуман келтирилмайди. Бу эса Наво мақомининг иккинчи гуруҳ шўъбалари ҳам XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб машҳур бўла бошлаган дейишга имкон беради.

Уларнинг биринчиси Савти Наво Наво оҳанглари таъсирида юзага келган. Лекин, негадир унинг асосий йўли узоқ йиллар давомида чапандоз доира усулида ижро этилиб келинган эди. Шу сабабли у Чапандози Наво деб ҳам номланади. Шашмақомнинг сўнги олти жилдлик нашрида Юнус Ражабий Савти Навонинг савт доира усулидаги намунасини яратди. Бу ўринда Чапандози Навонинг куй йўли, ҳаракати, унинг таркибидаги куй бўлаклари сақланган ҳолда ноёб ашула йўли юзага келтирилди. Дарҳақиқат, чапандоз усули билан бошланган ашула туркумининг савт деб аталиши қоидадан мустасно. Иккинчи гуруҳ шўъбалари ўз тузилиши нуқтаи назаридан савт усулидаги ашулалар билан бошланиши лозим. Шундай қилиб Савти Наво тўлдирилди ва уни олти қисмли шакли юзага келди. Савти Навонинг бош ашула йўли ижро этилгандан сўнг Чапандози Савти Наво ва унинг талқинчаси, қапқарчаси, соқийномаси ва уфари айтилиб, туркум якунланади. Савти Навонинг бу қисмлари доира усули ва уларга айтиладиган шеър ўлчовлари эътибори билангина бир-биридан фарқланади. Куй-оҳанглари, куй ҳаракати ва унинг бўлаклари Савти Навонинг ҳамма қисмларида бир хилдир. Савти Наво ашула йўлларининг тузилишини тасаввур этиш учун Чапандози Навони ташкил этган ашула тузилмалари билан танишиб чиқамиз.

Чапандози Наво чолғу муқаддима билан бошланади. Унинг даромад қисми, яъни бошланиш ашула жумлалари икки мисра шеър билан айтиладиган биринчи хатни ташкил этади. Чапандози Навонинг иккинчи ва учинчи хатлари тўрт мисра (икки байт)

шеър билан ўқиладиган миёнхат, яъни ўрта пардаларда ижро этиладиган ашула бўлагидан иборат. Икки байт шеър билан айтиладиган тўртинчи ва бешинчи хатлар дунастр ашуланинг бошланишидаги куй жумлаларини бир октава даражадаги юқори пардаларда такрор ижро этиладиган қисмини ташкил этади. Олтинчи ва еттинчи хатлар ашуланинг катта авжи бўлмиш Наво намудидир. Саккизинчи хат фурувард, ашуланинг туширим қисмини ташкил этади. Чапандози Савти Наво ўқиладиган шеър «ҳазажи мусаммани солим» дейилган вазнда, Машрабнинг:

Латофат боғи ичра бўюнғ сарви хиромондур,  
Кўнгул кумриси тинмай доим дар шўру афғондур.

- деб бошланадиган ғазалига айтылади. Бу ашула йўли жуда кўп мақомдон хонандалар репертуарида катта ўрин эгаллаб келган эди. Атоқли бастакор Тўхтасин Жалилов “Тоҳир ва Зухра” мусиқали драмасида ва шу номли операсида Чапандози Савти Навонинг маълум кўрinishидан Тоҳир арияси, унинг асл йўлидан эса Зухра арияси сифатида фойдаланган эди. Тоҳир арияси қаҳрамоннинг ички кечинмаларини ифодалайди. Адолатсизлик, шавқатсизлик ҳукм сурган замонда ишқ-муҳаббат оёқ ости қилиниши оқибатида юзага келган аянчли аҳволни тўлақонли акс эттиради.

Савти Наво йўлларининг машҳур эканини шундан ҳам билса бўладики, улар асосида Турк дейилган авж юзага келган. Савти Навонинг бошланишидаги оҳанг турли мақом йўллари авжида кўйлаб учраб туради.

Шуни ҳам айтиш керакки, Савти Навонинг куй-оҳанглари Наво йўлларини эслатса-да, лекин ўзига хос ноёб ашула йўлларидандир. Айниқса унинг уфари шўхчанг ва мароқли, оддий халқ кўшиқ ва ашулалари сингари янграйди. Савти Наво куй йўли уфар доира усулида аслича қолса-да, бутунлай бошқача оҳангга ўхшаш эшитилади, таъсирчанлиги ҳам ортади. Натижада у равон ва енгил ашулага айланади.

Наво мақомининг иккинчи гуруҳига кирган шўьбалардан бири Мўғулчаи Наво деб аталади. Ашула туркумининг биринчи қисми

мўғулча доира усулида ижро этилгани учун шундай номланган. Мўғулчаи Наво йўллари биринчи гуруҳ шўъбалари бўлмиш Талқини Баёт ва Насри Баёт асосида яратилганлиги яққол сезилиб туради. Унинг доира усули 5/4 такт ўлчовида бўлиб, савт йўлларидаги каби ижро этилади. Мўғулчаи Наво беш қисмли туркум ашула йўлларида иборат бўлиб, унинг таркибида талқинча, қашқарча, соқийнома шохобчалари ва уфар қисмлари мавжуд. Улар Мўғулчаи Наво асл шўъба йўлининг турли доира усулларидаги кўринишлари бўлиб, куй тузилиши, куй ҳаракатлари ва қисмлари бир хилдир.

Мўғулчаи Навонинг ҳамма ашула йўллари чолғу муқаддима билан бошланади. Уларнинг биринчи ва иккинчи хатлари даромад, учинчи хати миёнхат, тўртинчи хати Баёт намуди, бешинчи хати Наво намуди, охириги хати туширим қисмларидан иборат. Мўғулчаи Навонинг бош ашула йўли, унинг талқинча ва қашқарча ашула йўллари рамали мусаммани маҳзуф дейилган бир хил шеър ўлчовида ижро этилади. Масалан, Нодиранинг қуйидаги мисралар билан бошланадиган ғазалига:

Кетди ҳушум ул париваш жилва оғоз айлагач,  
Ўртади жон пардасин мутриб наво соз айлагач.

Шуниси диққатга сазоворки, Мўғулчаи Наво Уфарининг даромад қисми тоникага нисбатан секста баландлигидаги товущдан бошланиб, пастга ҳаракат қилаверади. Мўғулчаи Наво йўллари туркум тарзида ижро этилганда, бундай ҳол ашула йўллариининг жозибадор ва оҳангдорлигини таъминлайди, худди уларга безакдек бўлиб тушади, туркум эса ранг-баранг янграйди.

Мўғулчаи Наво жозибали ашула йўлларида бўлиб, айниқса Уста Шоди Азизов ижросида ёқимли янграган. Унинг бош ашула йўлидан М.Ашрафий ўзининг симфоник оркестр учун ёзилган «Улугбек» асаида муваффақиятли фойдаланган эди.

Наво мақомининг иккинчи гуруҳ шўъбаларидан учинчиси Мустазоди Наво деб номланади. Мустазоди Наво ҳам савт ва мўғулчалар режасида тузилган бўлиб, унинг таркибида талқинча, қашқарча, соқийнома ва уфар қисмлари мавжуд.

“Мустазод” арабча сўз бўлиб, «орттирилган» маъносини

билдиради. Бу ибора шеър вазнининг ҳам ифодасидир. Мустазод шаклида шеърнинг ҳар бир мисрасига қофияланган мустақил кичик мисралар қўшилиб, шеър ўлчови кенгайтирилади, орттирилади. Кўпинча, мустазод шеър ўлчови «ҳазаж» баҳри турларидан бўлиб, Ҳабибий сўзларига қуйидагича ўқилади:

Жоно, қарашинг бирла шарафли назаринг бор,  
мендин хабаринг бор,  
Куйингда неча вола-ю, шайдо башаринг бор,  
кўп ғамзаларинг бор.

Мустазоди Навонинг куй йўлида ҳам шеър шаклидаги каби орттирилган куй бўлаги мавжуд. Бунда ҳар бир куй жумласи кетидан уни яқунлаб борувчи кичик бир куй тузилмаси қўшилади. Бу кўшимча қисм эса асосий куй жумласига нисбатан квинта даражасида баланд пардадан бошланиб, пастга ҳаракат этади. Худди шундай куй тузилмаси Бузрук мақоми Рок шўъбасининг мустазод қисмида ҳам учрайди. Мустазоди Наво асосий йўли талқин доира усулида айтилиб, унинг жумлаларида бошлангич саккиз такт асосий куй жумласи бўлиб, кейинги беш такт мустазод, яъни «орттирилган» қисмидир.

Мустазоди Навонинг биринчи хати даромад, иккинчи хати миёнхат, учинчи ва тўртинчи хатлари Баёт намуди, бешинчи хати Наво намуди, охириги хати туширим қисмларидан иборат. Мустазоди Навонинг куй тузилиши ва доира усули анча мураккаблигига қарамай, ўзининг ёқимлилиги, оҳангдорлиги ва улуғворлиги билан ажралиб туради. Уни ижро этишда ҳам хонандадан катта тажриба, юксак ижро маҳорати талаб қилинади. Мустазоди Навонинг бош йўли ижро этилгандан сўнг унинг шохобчалари – талқинчаси, қашқарчаси, соқийномаси ва уфари ўқилади. Шуниси диққатга сазоворки, Мустазоди Навонинг талқинчаси, қашқарчаси ва соқийномаси асосий шўъбанинг бошқа доира усулларидаги кўринишлари бўлса-да, мустазод қисми уларда бутунлай учрамайди. Унинг уфарида эса, мустазод шакли яна тикланади. Мустазоди Навонинг Уфарида доира усулигина ўзгаради, шеър ўлчови ва куй тузилиши эса тўла сақланиб қолади.

Мустазоди Наво ва умуман «мустазод» шаклидаги куй ва ашулаларнинг турлари ва намуналари созанда ва хонандалар репертуарида кенг ўрин тутадй. Мустазоди Навонинг биринчи асл қисми Ҳамид Олимжон ва Юнус Ражабийларнинг “Муқанна” музиқали драмасида дуэт, унинг талқинчаси эса Хуршиднинг газалига айтиладиган машхур ашула эди. Айниқса Хоразм воҳасида мустазод йўллари кенг тарқалган бўлиб, улар рақс ва ашулачилар ансамбллари жўрлигида ижро этилади.

Умуман олганда, Наво йирик мақомлардан бўлиб, унинг оҳанглари асосида жуда кўп куй ва ашула ҳамда сурнай йўллари яратилган. Бунга сурнай Наво йўллари қўшилса, бу мақомнинг қанчалик кўлами кенг эканини билиб олиш мумкин. Бу ўринда Тошкент, Фарғона ва Ўзбекистоннинг бошқа воҳаларида кенг тарқалган Баёт мақом ашулалари туркуми ҳақида эслатиб ўтиш кифоя.

Баётнинг йўллари шу қадар кенг тарқалганки, бастакорлар томонидан улар асосида жуда кўп куй ва ашула йўллари юзага келтирилган. Фақат Баёт II асосида ўйлаб унинг вариантлари ҳозирда ҳам яратилиб келинмоқда. Шубҳа йўқки, Наво мақоми оҳанглари бундан кейин ҳам кўйлаб музиқа асарлари, симфоник оркестр учун ажойиб манзаралар юзага келишида, сахна асарларининг яратилишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

## ДУГОҲ МАҶОМИ

Шашмақом таркибидаги тўртинчи мақом Дугоҳ деб аталади. Дугоҳ сўзи «икки ўрин», «икки жой» маъноларини билдиради. Ўрта аср мусиқа рисоаларида «Ўн икки мақом» тизимига кирган, Хусайний дейилган мақомнинг шўьбаларидан бири бўлиб, назарий жиҳатдан у бутун тон оралиғидаги иккита пардани ифодалаган. Мусиқа амалиёти тажрибаларидан маълумки, Шарқ мусиқасида икки парда чегарасида ижро этиладиган куй ва ашулалар умуман учрамайди. Бу ўринда ўтмишда яшаб ижод этган мусиқа олимлари бутун тон оралиғидаги иккита пардадан бошланадиган асарларни ҳисобга олган бўлсалар керак. Маслан, Дугоҳ мақомининг Хусайний шўьбаси ёки Тошкент-Фарғонада машҳур Дугоҳи Хусайнийнинг тинглаб кўриلسа, куй бошланишидаги товушлар оралиғи бу фикрнинг далили бўлиши мумкин.

Мақомлар хусусида узоқ йиллар давомида тадқиқотлар олиб борган марҳум профессор В.М.Беляевнинг айтганидек, Дугоҳ, Сегоҳ, Чоргоҳ номлари билан машҳур бўлган мақом ва шўьбаларнинг тузилиши чалкаш ва ноаниқ. Бу масала ҳалигача мавҳумлигича қолиб келмоқда. Шундай экан, Дугоҳнинг мусиқа рисоаларида бутун тон оралиғидаги икки поғонали товушлар бирикмаси деб кўрсатилиши мусиқа асарларининг диапазонини кўрсатмайди, балки улар бошла-нишидаги икки пардани ифодалайди, - дейишга тўғри келади. Ўтмишда Дугоҳ жуда кўп мақомларнинг шўьбаси сифатида машҳур бўлганлиги маълум. Шарқ мусиқа назариясида Дугоҳ атамасининг бошқа маъноси ҳам бор. Маълум мақомнинг товушқатори сақланган ҳолда, унинг иккинчи пардасидан бошланиб ижро этиладиган куй ва ашулалар ўша мақомнинг «дугоҳи» (иккинчи пардаси) дейиларди. Масалан, Дугоҳи Хусайний, яъни «Ўн икки мақом» таркибидаги Хусайний мақомининг иккинчи пардасидан бошланадиган куй ёки ашула, Дугоҳи Рост - Рост мақомининг иккинчи пардасидан бошлана-диган асар ва ҳ.к.

Шашмақом таркибида Дугоҳ мустақил мақом бўлиб, ўтмишдаги шўьба мавқеини бутунлай йўқотган. Шашмақомда Дугоҳ мақомига Чоргоҳ, Ораз, Хусайний оҳанглари ҳамда уларнинг пардасига мос куй-оҳанглари асосий куй мазулари сифатида гавдаланади.



Дугоҳ ҳам Шашмақом таркибидаги бошқа мақомлар каби чолғу ва ашула бўлимларидан иборат. Унинг таркибида туркум тарзида ижро этиладиган чолғу қисмлар ва қатор шўъбалар мавжуд.

Дугоҳ мақоми чолғу қисмлари қуйидагилардан иборат:

1. Таснифи Дугоҳ
2. Таржеи Дугоҳ
3. Гардуни Дугоҳ
4. Пешрави Дугоҳ
5. Самойи Дугоҳ
6. Мухаммаси Дугоҳ
7. Мухаммаси Чоргоҳ
8. Мухаммаси Ҳожи Хўжа
9. Мухаммаси Чор Сархона
10. Сақили Аншулло

Бу ерда Дугоҳнинг таснифи чолғу йўлларининг бош мавзун саналиб, бошқа чолғу куйлари ва баъзи ашула йўллари мазмунини ҳам акс эттиради. Гардун, самойи, мухаммас иборалари доира усуллари ифодасидир. Уларнинг тузилиши умуман мақомларга хос қиёфада бўлиб, хона ва бозғўйлар билан ривожлана боради. Дугоҳ мақоми чолғу йўлларининг хоналари айриқса пешрав оҳангларига бой/ Мақомлар ижросида етакчи соз ҳисобланган танбур чолғуси Дугоҳ мақомида квартага созланиб, унинг асосий лад-тоналлиги «ре миксолидий» ладига мос келади.

35 мисол



Дугоҳ чолғу йўлларининг ҳаммаси ҳам жозибали, таъсирчан ва дилкаш куйлардир. Улар ифода воситаларига бой, юксак ҳиссий таъсир кучига эга. Дугоҳнинг чолғу йўллари тингланса, гуё киши билан суҳбатлашаётгандек, дардлашиб, ҳасратлашаётгандек туюлади. Куй мавзуи жиҳатидан Дугоҳнинг чолғу йўллари бири-бирига жуда ҳам мос бўлиб, туркум тарзида ижро этилганда маълум куйнинг ривожлантирилган кўринишлари сифатида янграйди.

Дугоҳ мақоми чолғу йўллари куй тузилиши жиҳатдан мукаммал асарлар бўлиб, улар бадий бўёқларга бойдир. /

Чолғу бўлимидаги куйлар ижро этилгандан сўнг Дугоҳ мақоми шўьбаларига ўтилади. / Ашула бўлимининг биринчи гуруҳ шўьбалари тароналари билан яхлит ҳолда, туркум тарзида ижро этилади. Бу шўьбаларнинг асосий йўллари Сарахбори Дугоҳ, Талқини Чоргоҳ, Насри Чоргоҳ, Орази Дугоҳ, Хусайний Дугоҳ шўьбалари ва Уфари Чоргоҳ қисмидир. /

1 Мақом туркуми Сарахбори Дугоҳ билан бошланади. У Дугоҳ мақоми шўьбаларининг асосий мазмунини акс эттиради. Сарахбори Дугоҳ 2F4 такт ўлчовида ижро этилиб «мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ», - дейилган вазндаги шеърлар, масалан Навоийнинг куйидаги байт билан бошланадиган ғазалга айтилади:

Ҳолу хатинг ҳаёлидин, эй сарви гул узор.  
Ғаҳи кўзумга хол тушубдур, ғаҳи губор.

1 Сарахбори Дугоҳ ҳам куй тузилиши жиҳатидан ниҳоятда мураккаб, бир неча куй қисмларидан таркиб топган. Унинг бир байт шеър билан ўқиладиган биринчи хати чолғу муқаддима билан бошланадиган даромад қисмини ташкил этади. / У шеър матнисиз ижро этиладиган оҳанглар билан тугалланади. Иккинчи хат ўрта пардаларда ижро этиладиган миёнхат қисми ҳам шеърий матнисиз айтиладиган оҳанглар билан ашуланинг бош пардасига қайтиб тушади. / Учинчи хат Зебо Пари авжи, тўртинчи - олтинчи хатлар Муҳайяри Чоргоҳ намуди, еттинчи хат туширим қисмларидан иборат. /

Сарахбори Дугоҳни тинглаганда у Тошкент-Фарғонада машҳур бўлган Чоргоҳ йўлига жуда яқин эканини сезиш мумкин. Унинг куй ҳаракати кўпроқ поғонама-поғона ривожлана боради. Сарахбори Дугоҳ ижро этилгандан кейин туркум унинг олти таронасига уланиб кетади. Бу тароналарнинг лад-тоналлиги турлича бўлиб, туркум тарзида бир-бирига уланиб ижро этилганда лад-тоналлик, куйнинг ритмик қиёфаси, оҳанглари, турли вазндаги шеър матилари ўзгариши билан Сарахбори Дугоҳ шўьбасининг жозибadorлиги ортади. Ашула йўллари турли мавзулардаги куйлар

билан сайқал топади, бойийди, туркумнинг ранг-баранглигини таъминлайди.

Сарахбори Дугоҳнинг олтинчи таронаси туркумни кейинги шўъба - Талқини Чоргоҳга уловчи супориш вазифасини ҳам бажаради. Шу сабабли у талқин доира усулида ижро этилади. Бундай ҳол эса иккита турли шўъбанинг бир-бирига силлиқ уланишини таъмин этади. Дугоҳ мақомида ҳам куй мавзун бир хил бўлган ашула йўллари мавжуд. Улар Талқини Чоргоҳ, Насри Чоргоҳ ва Уфари Чоргоҳ номлари билан аталади. Бу шўъбалар ва Уфари Чоргоҳ қисми маълум ашула йўлининг турли доира усулларида ижро этиладиган намуналаридан бўлиб, куй тузилиши ва ҳаракати жиҳатидан бир хил деса бўлади. Шу сабабли, улардан биттасини пухта ўзлаштириб олинса, бошқаларини билиб олиш қийин эмас.

/Талқини Чоргоҳ чолғу муқаддима билан бошланади. Унинг таркибида даромад, миёнхат, Мухайяри Чоргоҳ намуни ва тушарим қисмлари мавжуд/ Умуман, Чоргоҳ шўъбалари улутвор янграйди. Кишида энг нозик лирик кайфиятлар уйғотади, ўзининг сеҳрли оҳанглари билан чуқур ҳаёлот денгизига чўмдиради./ Талқини Чоргоҳ ўқилгандан сўнг унинг таронаси ижро этилади. Бу тарона 6/4 такт ўлчовидаги наср доира усулида айтилади./ Бинобарин, Талқини Чоргоҳ таронасининг кейинги, Насри Чоргоҳ шўъбасига текис уланиб кетишини таъминлайди.

/Насри Чоргоҳнинг куй қиёфаси, куй қисмлари ва унинг ҳаракат даражаси Талқини Чоргоҳнинг айнан ўзи ҳамда улар бир-бирининг ритмик кўринишидир./ Насри Чоргоҳга ўқилладиган шеър вазни «ҳазажи мусамман солим», - деб аталиб, унга Навоийнинг:

Йўлингда туфроқ ўлдим, эй сабо, етсанг губоримга,  
Қуюн бўл, доғи элтиб садқа қилгил гулузоримга.

- деб бошланадиган ғазалига мос келади./ Насри Чоргоҳнинг таронаси 13/4 такт ўлчовидаги мураккаб доира усулида ижро этилади./ Лекин уни тинглаганда енгил ашула йўлидек туюлади. Шуниси диққатга сазоворки, Насри Чоргоҳнинг таронаси доира усули ижроси қулай бўлса-да, уловчи супориш вазифасини ўтайверади.

Дугоҳ мақомининг наср шўъбаларидан яна бири Орази Дугоҳ деб номланади. Наво мақоми таркибида ҳам Ораз номли шўъба учрайди. Орази Дугоҳнинг куй тузилиши, таркибий қисмлари Орази Навонинг айнан ўзидир. Бу ерда фарқ шундаки, Ораз ашула йўлининг лад-тоналлиги Наво ва Дугоҳ мақомларига мосланиб олинган. Орази Дугоҳга айтиладиган шеър ўлчови, доира усули Насри Чоргоҳдаги кабидир. Шунини айтиш керакки, Наво ва Дугоҳ мақомларининг Ораз шўъбаларидан кейин учтадан тарона ижро этилади. Лекин уларнинг куй тузилиши бир-бирига мутлақо ўхшамайди.

Орази Дугоҳнинг куй тузилиши ўзига хосдир. Бунда Ораз мавзуи турли баландликларда такрорланиб ривожлантирилади ҳамда «ёр-ёрей» каби ундов сўзлари билан яқунланиб боради. Одатда Фузулийнинг қуйидаги мисралар билан бошланадиган ғазалига айтилади:

Хубоби ашки хунин жисмими элдан ниҳон этмиш,  
Ғами ишқинг бани расвоий беному нишон этмиш.

Орази Дугоҳнинг асосий йўлидан сўнг унинг учта таронаси ўқилади. Унинг биринчи ва учинчи тароналари талқин доира усулида ижро этилади. Биринчи ва учинчи тароналарнинг куй мавзуини бир хил дейиш мумкин. Лекин улар ўртасида айтиладиган соқийнома усулидаги тарона мавзуини турли-туман бўлишини таъминлайди ҳамда турли мазмундаги шеърлар билан айтиладиган бу икки тарона бошқача мазмун касб этади.

Орази Дугоҳ учинчи таронасининг охирида 6/4 такт ўлчовидаги супориш айтилиб, мақом туркуми наср шўъбаларидан Хусайний Дугоҳга уланиб кетади.<sup>10</sup> Хусайний Дугоҳнинг куй мавзуи Тошкент-Фарғонада машҳур Дугоҳ Хусайнийга ўхшаб кетади. Хусайний Дугоҳ ҳам Орази Дугоҳ каби ривожлантирилади. Унинг куй мавзуини турли баландликларда такрорланади ва дунаسر тарзида ривожлана боради. Хусайний Дугоҳ ҳам оҳангларга бой ашула йўлларида бўлиб, улугвор қиёфага эга. Унинг асосида жуда

<sup>10</sup> Хусайний бастакорнинг тахаллусидир.

кўп ашулалар яратилган. Улар орасида айниқса Тошкент-Фарғона водийсида машҳур бўлган ашулалар туркуми – Дугоҳ Хусайний, Сурнай Дугоҳи йўллариини, Ўйин Дугоҳи куйини кўрсатиб ўтиш мумкин.

/Хусайний Дугоҳ шўъбаси ижро этилганидан сўнг Уфари Чоргоҳ қисми ва охириги супориш билан Дугоҳ мақоми якунланади./ Шундай қилиб, Дугоҳ ашула бўлимининг шўъбалари Сарахбори Дугоҳ билан бошланиб, кейин унинг олтита таронаси ўқилиб, супориш воситаси билан Талқини Чоргоҳга уланиб кетади, ашулалар туркуми супориш орқали Насри Чоргоҳ ва унинг таронасига, сўнгра Орази Дугоҳ ва унинг учта таронасига уланиб кетади. Яна супориш орқали Хусайний Дугоҳга ўтилади. Дугоҳ мақомининг биринчи гуруҳ шўъбалари Уфари Чоргоҳ билан туширилади. Охириги супориш Сарахбори Дугоҳнинг маълум қисмидан олинган бўлиб, туркум шу билан тугалланади.

(Дугоҳ мақоми иккинчи гуруҳ шўъбалари жумласидан Савти Чоргоҳ, Мўғулча Дугоҳ, Оромижон, - деб номланган ашула йўллари ва улар асосида юзага келган ашула намуналари киради./ Дугоҳ мақомининг иккинчи гуруҳ шўъбалари биринчи гуруҳ шўъбалари каби жозибали, таъсирчан ва мафтункор оҳанглардан иборат. Уларнинг лад-тоналлиги, куй тузилиши, ҳаракати, доира усули, шеър ўлчови ва куй мазмуни мос бўлгани сабабли ҳам кишида юксак бадиий-эстетик завқ уйғотади. Дугоҳ мақоми иккинчи гуруҳ шўъбаларининг куй мавзуй биринчи гуруҳдаги Чоргоҳ ва Сарахбори Дугоҳ шўъбалари асосида яратилганидан далолат беради. Хусусан, Савти Чоргоҳ Талқини Чоргоҳ ва Насри Чоргоҳ шўъбаларига ҳамоҳанг бўлса, Мўғулча Дугоҳ Сарахбори Дугоҳнинг мўғулча доира усулидаги кўринишидир. Оромижон шўъба қисмлари эса Савти Чоргоҳ оҳанглари асосида яратилган.

(Иккинчи гуруҳга кирган шўъбаларнинг ҳар бири бошқа мақом йўллари каби мураккаб қиёфага эга. Масалан, Савти Чоргоҳни олайлик./Бу шўъба туркум тарзида ижро этиладиган талқинча, қашқарча, соқийнома ва уфар дейилган шохобчалардан иборат бўлиб, Савти Чоргоҳнинг асосий ашула йўли 5/4 такт ўлчовидаги доира усулида ижро этилади./Унинг биринчи хати даромад ҳисобланади.

Кейинги икки байт шеър билан ўқиладиган икки хат ўрта пардаларда ижро этиладиган миёнхат бўлиб, тўртинчи хат баъзи ўзгаришлар билан дунаسر шаклида яратилган ашула бўлаги, бешинчи ва олтинчи хатлар Мухайяри Чоргоҳ намуди ва охирги еттинчи хат туширим қисмларидан таркиб топгандир/Савти Чоргоҳга «ҳазажи мусаммани солим» дейилган ўлчовдаги ғазаллар мос келади. Шуниси эътиборга сазоворки, Савти Чоргоҳга Юнус Ражабий Юсуф Сарёмийнинг таржибанд шаклидаги ғазалини боғлаган. Шеърнинг радифи бир хил бўлишига қарамай, бу ашула йўли дилрабо янграйди ва ўзининг оҳангдорлиги билан шеър мисраларидаги такрофланаётган сўзлар радифига ранг-баранг тус беради:

Мени ғам, мунча Ҳам тақлифи саҳройи жунун этма,  
Фироқу ҳажр, афғонимни куй-кудин фузун этма.

/Талқинчаи Савти Чоргоҳ ушбу ашула йўлининг талқин доира усулидаги кўринишидир. Унинг куй тузилиши ва ҳаракати, ашулани ташкил этган жумлалар Савти Чоргоҳнинг асл йўлидан фарқ этмайди. Талқинчаи Савти Чоргоҳ Фарғона водийсида севилиб ижро этиб келинган. Айниқса, драматург Хуршид Андижон вилоят театрида қўйилган ўзининг «Лайли ва Мажнун» мусиқали драмасида фойдаланганлиги бежиз бўлмаган. Талқинчаи Савти Чоргоҳ ария сифатида бош қаҳрамон Мажнун (қайс)нинг ички кечинмаларини ифодалайди, адолатсизлик ва шавқатсизлик ҳукмрон бўлган жамиятда инсон қадр-қиммати хорлигини тасвирлайди. Шунга қарамай, бу арияда қайснинг Лайлига бўлган соф муҳаббати тўлақонли акс эттирилади. Бу ария «рамали мусаммани маҳзүф», - дейилган ўлчов-даги ғазаллар билан айтилади. Масалан, Навоийнинг:

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,  
Айламас тўти такаллум шаққаристондин жудо.

- деб бошланадиган ғазали каби.

Савти Чоргоҳнинг қашқарча, соқийнома йўллари бир-бирига жуда ўхшақдир. Айниқса, унинг соқийномаси Фарғона водийсида

кенг тарқалган «Кўрдим юзингни», - деб бошланадиган ашула йўлининг ўзидир. Савти Чоргоҳнинг уфари эса Уфари Чоргоҳ ва Уфари Оромижон билан оҳангдош.

Дугоҳ мақоми иккинчи гуруҳ шайбаларидан бири Мўғулчаи Дугоҳдир! Бу ашула йўли машҳур мақомдон ҳофиз Домла Ҳалим Ибодов ижросида жуда ҳам мароқли янграб эди. Мўғулчаи Дугоҳ улуғвор ашула йўлларида бўлиб, Сарахбори Дугоҳ оҳанглирига асосланган. Унинг куй бўлаклари, авж қисмлари ҳам Сарахбори Дугоҳдаги кабидир. Мўғулчаи Дугоҳ чолғу муқаддима билан бошланади. Унинг биринчи ва иккинчи хати даромад, учинчи ва тўртинчи хатлари ўрта пардаларда ижро этиладиган миёнхат, бешинчи ва олтинчи хатлари дунаси, еттинчи ва саккизинчи хатлари Мухайяри Чоргоҳ намуди, охириги хати эса туширим қисмлардан иборат! Унинг доира усули савтлардаги каби бўлиб, «рамали мусаммани маҳзуф», - дейилган ўлчовдаги шеърлар билан ўқилади. Масалан, Навоий қаламига мансуб ғазаллардан:

Ёрдин хижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар,  
Неча тортай ҳажр, чун йўқ менда ёр, эй дўстлар.

Мўғулчаи Дугоҳ вазмин ва ёқимли ашула йўлларидадир. У кўп хонандалар репертуаридан кенг ўрин олган ва шинавандаларга жуда ҳам манзур бўлиб келган. Шунини алоҳида айтиш керакки, Мўғулчаи Дугоҳ шохобчалари орасида бошқа савт-мўғулча туркумлари умумий қомдасидан фарқланадиган ҳолатни учратиш мумкин! Унинг таркибида талқинча, қашқарча, соқийнома ва уфар йўлларида ташқари, мўғулчалар учун хос бўлмаган талқин доира усулида ижро этиладиган «Қаландар» ва «Самандар» деб аталадиган ашула йўллари киритилган. Ҳар ҳолда бу номлар бастакорларнинг тахаллуси ёки лақаби бўлса эҳтимол. Мўғулчаи Дугоҳнинг талқинча, қашқарча, соқийнома ва уфар шохобчалари ўз тузилиши билан бир хил ашула йўлининг турли доира усулларида ижро этиладиган кўринишларидир. Унинг қашқарчаси ва соқийномаси машҳур халқ ашулаларидан Савти Муножотни эслатади ҳамда Дугоҳнинг асосий куй йўлига ҳамоҳангдир. Шўъбанинг «Қаландар» қисми жуда ҳам таъсирли, оҳанглирга бой, мунгли ашула йўлларидадир. Халқ

созандалари орасида унинг чолғу йўли ҳам мавжуд. Бу куй мунгли бўлса-да, улуғвор янграйди, кишига гўё тасалли бераётгандай, насихат этаётгандай туюлади.

Мўғулчаи Дугоҳ Самандарининг куй тузилиши, оҳанглари бошқа шохобчалардан тубдан фарқ этади. У асли тоникадан олти парда юқоридан бошланиб, пастга ҳаракатланади ва унинг лад-тоналлиги ижро жараёнида ўзгариб, бошқа пардаларга кўчиш каби ҳолатлар тез-тез учраб туради.

Шундай қилиб, Мўғулчаи Дугоҳ ҳамда унинг шохобчалари ўзининг ёрқинлиги, куй ифода воситаларига бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Улар турли доира усулларига туширилганда янгича оҳанг, янгича сайқал топади, инсонга турлича бадиий-эстетик завқ-шавқ бахш этади. Мўғулчаи Дугоҳ бастакорларимиз ижодиётига ҳам баракали таъсир кўрсатган. Атоқли бастакор Саиджон Калонов Мўғулчаи Дугоҳ асосида «Бу Насимий», «Топмадим» ашула йўллари, Юсуф Ражабий «Ёр келди» ашуласини басталашган эди. Бу учала ашула йўлида Мўғулчаи Дугоҳнинг оҳанглари, руҳий таъсирчанлиги бирдек сақланиб қолган.

Дугоҳ мақоми иккинчи гуруҳ шўъбаларидан яна бири Сарахбори Оромижон деб аталади. Бу ашула йўлида аввалги шўъбалардан фарқли ўлароқ, талқинча, қашқарча ва соқийномалар учрамайди, балки у уч қисмлидир. Биринчиси Сарахбори Оромижон, иккинчиси Оромижон, учинчиси эса Уфари Оромижон деб аталади. Мазкур ашула йўли ижро этилаётганда «оромижон» сўзи баъзи байтларда кейин қўшиб айтилади. Шу сабабли мазкур шўъба Оромижон деб аталган. Сарахбори Оромижон сарахбор доира усулида ижро этилиб, мақомларнинг бошқа шўъбалари каби мураккаб куй тузилишига эга. У ҳам чолғу муқаддима билан бошланади. Сарахбори Оромижон даромад, ўрта пардаларда ижро этиладиган миънихат, Муҳайяри Чоргоҳ намуди ва туширим қисмларидан таркиб топган. Унга «музореи мусаммани ахбари маффуфи маҳзуф» вазнидаги шеърлар мос келади, шу жумладан Бобур қаламига мансуб газаллардан:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.



Сарахбори Оромижоннинг иккинчи қисми «Оромижоним, эй сизмисиз» каби сўзлар билан бошланиб, 3/4 такт ўлчовидаги тароналар усулида ижро этилади. Унинг куй тузилиши Сарахбори Оромижон оҳангларидан бутунлай фарқ этади. Лекин, биринчи гуруҳ шўъбаларидаги тароналар каби ашула мавзуининг ранг-баранглиги таъминланади, салмоқли ашула йўлидан кейин, Оромижон қисми шавқли янграйди. Уфари Оромижон эса биринчи гуруҳ шўъба-ларининг яқинловчи Уфари Чоргоҳ билан ҳамоҳанг бўлиб, Сарахбори Оромижоннинг уфар доира усулидаги кўринишидир. Бу ашула йўли жозибали ва раvon янграйди, кишида зўр завқу шавқ кўзгайди. Унга айтиладиган шеър вазни «рамали мусаммани маҳзүф» дейилади, унга Фурқатнинг қуйидаги газали мос келади:

Икки ошуби чаманким, гул бири, раъно бири,  
Қилди ишқида мени мажнун бири, шайдо бири.

Умуман олганда, Дугоҳ ҳам машҳур мақомлардан бўлиб, унинг асосида қатор жуда кўп ашула йўллари яратилган. Айниқса Тошкент ва Фарғонада Хусайний Дугоҳ асосида кюзага келган Дугоҳи Хусайний, Чоргоҳ шўъбалари асосида яратилган Чоргоҳ туркумли ашула йўллари халқ орасида машҳур бўлиб келган. Улардан Дугоҳи Хусайний Шашмақомдаги Дугоҳ мақоми шўъбалари асосида яратилган. Бунда бастакорлар Шашмақомдаги Хусайний Дугоҳ доира усулини ўзгартириб, сарахбор усулига туширганлар. Буни Дугоҳ мақомидаги Хусайний Дугоҳ ва Дугоҳи Хусайний туркумини таққослаб кўрилса яққол билиб олиш мумкин.

Дугоҳ мақомига мансуб иккала кўриниши куй йўналиши, оҳанглари жиҳатидан бир хил асосга эга. Дугоҳ Хусайнийнинг шохобчалари олтига бўлиб, бир-биридан тартиб рақамлари билан ажратилади ва Дугоҳ Хусайний I, II, III, IV, V, VI каби ажратиб номланади. Уларнинг такт ўлчовлари турличадир. Дугоҳи Хусайнийнинг биринчиси сарахбор усулида, иккинчиси савт усулида, кейинги шохобчалари эса қашқарча усулида ижро этилади. Уфари эса, Баёт йўлларини ҳам эслатади. Дугоҳи Хусайнийнинг ҳамма қисмлари халқимизнинг сеvimли ашула йўллариандир. Айниқса

унинг Уфари жозибали садолади ва эшитувчига зўр шавқ бағишлайди.

Дугоҳ Хусайнийнинг сурнай йўллари ҳам машҳур бўлиб, улар Сурнай Дугоҳи, Мушкилоти Дугоҳ, Самойй Дугоҳ деб номланган. Тошкентда, Фарғонада машҳур бўлган Чоргоҳ туркуми ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Чоргоҳ йўллари бир-биридан Чоргоҳ I, II, III, IV, V тартибида ажратилади. Чоргоҳ номи Дугоҳ мақомининг турли шўьбаларида учрайди. Чоргоҳ I ўзининг куй қиёфаси билан Сарахбори Дугоҳнинг маълум кўринишидир. Сарахбори Дугоҳнинг куй тузилишлари Чоргоҳ I да бироз қисқартирилган ва маълум ўзгартиш-лар билан олинган. Лекин бунда Сарахбори Дугоҳнинг доира усули, ижро суръати, унга мос шеър ўлчови асосан сақлангани ҳолда баъзи шеър матнисиз айтиладиган оҳанглари қисқартирилган.

Сарахбори Дугоҳнинг куй йўналиши ва ҳаракати Чоргоҳ I да охиригача деярли ўзгармайди дейиш мумкин. Унинг миёнхат, дунаسر ва намуди Чоргоҳ I да ҳам мавжуддир. Чоргоҳ I нинг яратилишида Дугоҳ мақомининг бошқа шўьбаларидан ҳам фойдаланилган. Чоргоҳ II эса 3/4 такт ўлчовидаги Савти Чоргоҳнинг ўзгача вариантдир. Бунда авждаги намуд тушириб қолдирилган.

Чоргоҳ III савт усулида бўлиб, сўнгги даврларгача хонандалар уни беқарор айтиб келганлар. Сўнгги йилларда Юнус Ражабий томонидан унинг барқарор шакли тикланди. Умуман олганда, Савти Чоргоҳ ва Чоргоҳ III нинг куй тузилиши ва йўналиши бир хил деса бўлади. Чоргоҳнинг IV, V, VI шохобчалари куй мавзуи жиҳатидан бир-бирининг ритмик вариантдир. Унинг тўртинчиси қанчаларча доира усулида бўлиб, катта авжда Мухайяри Чоргоҳ намуди фойдаланилган. Чоргоҳнинг айниқса охириги шохобчаси ўзгача бўлиб, уфар доира усулида ижро этилади. Улар Тошкент ва Фарғона воҳалари ҳофизлар ижро услубига мослаштирилган. Чоргоҳ ва Дугоҳи Хусайний йўллари атоқли ҳофизлар Мадумар ҳофиз, Абдуқаҳҳор ҳофиз, Мулла Тўйчи ҳофиз, Шораҳим Шоумаровлар репертуаридан кенг ўрин олган эди. Чоргоҳ йўллари асосида кўшлаб чолғу йўллари, патнисаки ашулалар, сурнай йўллари яратилган бўлиб, улар халқимиз мусиқа меросининг бойитилишида жуда катта қийматга эга.

## СЕГОҲ МАҶОМИ


Сеғоғ атамаси, кўпчилик Шарқ халқлари муסיқасида жуда қадим замонлардан бери турли маъноларда қўлланилган. [Шарқ мусиқасига доир манбаларда сеғоғ «уч ўрин», яъни торли чолғуларининг бутун тон ва ярим тон ораллиғидаги учта парладан ҳосил этиладиган товушларни ифодалаган. Шашмақом таркибида эса олти мақомлардан бири сифатида гавдаланади.]

[Ўтмишда Сеғоғ — Ироқ ладиға мос келадиған ҳамда унинг шўьбаларидан саналған. Масалан, «Ўн икки мақом» тизимиғе кирган мақомларнинг учинчи пардасидан бошланиб ижро этилган куй ва ашулалар мазкур мақомларнинг сеғоғи, яъни учинчи пардасидан бошланадиган асарлар ҳисобланган. «Ўн икки мақом» тизимидаги Дугоғ, Чоргоғ, Панжгоғ шўьбалари каби Сеғоғнинг ҳам моҳияты ва аталиш сабаблари аниқланмаган.] Музиқа амалиётимиз бўйича текширувлар ўзбек халқ музиқасида уч поғонали товушқатор чегарасида ижро этиладиган куй ва ашулалар йўқлигини тасдиқлайди. Шундай экан, ҳозирча сеғоғ атамаси мазмунида куй ва ашула йўлларини учта бошланғич пардалари ҳисобга олинган бўлса керак, -деган хулоса чиқаришга тўғри келади. Сеғоғ мақомининг чолғу ва ашула йўллари халқ орасида жуда кенг тарқалган. Сеғоғнинг патнисаки йўли ҳам мавжуд.

[Сеғоғ мақомининг товушқатори дорий ва эолий ладиға мос пардаларда ижро этилиб, унинг олтинчи поғонаси вақти-вақти билан ярим парда атрофида паст ёки баландга чиқиб, ўзгариб туради.] Бундай ҳол Сеғоғнинг ҳамма чолғу йўллари учун хосдир. Лекин, Ўзбекистон ва Тожикистонда нашр этилган Шашмақом нота китобларида бунга эътибор берилмаган, куйда содир бўладиган парда ўзгарувчанлиғига доир ҳолатлар ҳисобга олинмаган.

Сеғоғ мақомининг лад-тоналлиғи куйидағичадир:

36 мисол



[ Сегоҳ мақоми ҳам чолғу ва ашула бўлимларидан иборат. Унинг чолғу бўлимига қуйидаги қисмлар киради:

1. Таснифи Сегоҳ
2. Таржеи Сегоҳ
3. Ҳафифи Сегоҳ
4. Гардуни Сегоҳ
5. Мухаммаси Сегоҳ
6. Мухаммаси Ажам
7. Мухаммаси Мирзаҳаким
8. Сақили Бастанигор ]

Сегоҳ мақоми чолғу қисмларидаги куй йўлларининг ҳаракати, юқорида айтганимиздек, парда ўзгаришлари билан боғлиқ. [Унинг бош мавзуи бўлмиш Таснифи Сегоҳ куй таркибидаги қисмлар ҳисобланган тўрт хона ва такрорий куй қисмлари — тўртта бозғўйдан иборат.]

Сегоҳнинг чолғу қисмлари Ушшоқ мақом йўлларидаги каби лирик кайфиятлар уйғотувчи куйлардан иборат. Уларни тинглаганда ҳижрон, фироқ, аламланиш билан бир қаторда умидворлик, келажакка ишонч садолари баралла янграйди. Масалан, Сегоҳ оҳанглари асосида яратилган уларнинг маълум (Тошкент) варианты шу мақом оҳанг-ларининг асосини акс эттиради. Шуниси диққатга сазоворки, Сегоҳ ашуласи икки хил доира усули алмашган ҳолда ижро этилади. Дастлаб, сарахбор доира усулида бошланган ашула йўлига уфар усулидаги оҳанглар уланиб, яна сарахбор доира усулида яқунланади.

[ Сегоҳ мақоми туркум тарзида ижро этилганида Таснифи Сегоҳдан бошланади. Унинг доира усули оддий бўлишига қарамай, оҳангдор янграйди, Сегоҳ оҳанглари яқин ифодалайди. Куйнинг йўналишида тарция, кварта ва бошқа оралиқдаги поғоналарга бўладиган сакрама ҳаракатлар тез-тез содир бўлиб туради.]

[Таснифи Сегоҳнинг куй мавзуи Сегоҳнинг бошқа чолғу қисмлари ва шўбалирида муттасил намоён бўлиб туради. Таржеи Сегоҳ қисмига келсак, унинг хоналари Таснифи Бузрукдаги пешравларни эслатади. Бозғўйи эса мазкур Бузрук чолғу йўлининг маълум кўриниши сифатида садоланади. Бу ерда куй-оҳанглари

Сегоҳ мақоми ладига мослаштирилиб олинган. Ҳафифи Сегоҳ чолғу йўли Таснифи Сегоҳнинг маълум вариантдир. Ҳатто уларнинг доира усули ҳам бир-биридан фарқ этмайди. Гардуни Сегоҳ саккиз чорак ҳажмига тенг такт ўлчовидаги доира усулида ижро этилса-да, унинг мураккаб куй тузилмаси эшитувчига осон етиб боради. ] Бу куй ўзбек халқ чолғулари оркестри ижросига мосланиб ҳам қайта ишланганлиги бежиз эмас. Асар ўзининг тузилиши ва ёқимлилиги билан тингловчини мафтун этади.

[ Мухаммаси Сегоҳдаги хона ва бозғўйларнинг ҳар бири тўрттадан бўлиб, 16 тактдан иборат. Шуниси эътиборлики, унинг авжида Сегоҳ намудининг маълум варианты фойдаланилган. Сегоҳнинг Мухаммаси Ажам, Мухаммаси Мирзаҳаким, Сақили Бастанигор чолғу қисмлари куй тузилиши жиҳатидан ранг-баранг оҳанглардан иборат. ] Уларнинг пастдан юқори пардаларга ёки аксинча бўладиган ҳаракатлари интерваллар нуқтаи назаридан кенг бўлишига қарамай, эшитилишда ўзига хос раво ва енгил туюлади. Шунини айтиш керакки, [ Сегоҳнинг чолғу йўллари жуда кам ижро этилганлиги сабабли шинавандаралимизга унчалик таниш оҳанглар бўлиб туюлмаслиги мумкин. ] Лекин Сегоҳнинг ашула йўллари кўпинча чолғу йўллари сифатида ҳам машҳур бўлиб келган.

Сегоҳ мақоми чолғу қисмлари ижро этилганидан сўнг унинг ашула бўлимига ўтилади. Ашула бўлими шўъбалари икки гуруҳдан иборат. Биринчи гуруҳ шўъбалари жумласига Сарахбори Сегоҳ, Талқини Сегоҳ, Насри Сегоҳ, Наврўзи Хоро, Наврўзи Ажам ҳамда Уфари Сегоҳ қисмлари киради. ] Сегоҳ мақоми шўъбалари бир нечтадан тароналари билан туркум тарзида ижро этилади. Бу шўъбалар орасида Сарахбори Сегоҳда еттита тарона, Талқини Сегоҳ, Насри Сегоҳ ва Наврўзи Ажамда биттадан тарона, Наврўзи Хорода учта тарона мавжуд. [ Бу шўъбалар орасида учтаси наср дейилган шўъбалар бўлиб, улар Насри Сегоҳ, Наврўзи Хоро ва Наврўзи Ажам номлари билан машҳур. Бу ерда «хоро» сўзи арабларда «тоғли, тошли жой», «ажам» ибораси эса араблардан бошқа Шарқ халқларининг ифодасидир. ]

[ Ашула бўлими Сарахбори Сегоҳ шўъбаси билан бошланади. У саккиз байт шеър билан ўқиладиган ўн олтитта куй жумлаларидан

таркиб топади. Сарахбори Сегоҳ чолғу муқаддима билан бошланади. Унинг биринчи хати даромад, иккинчи хати ўрта пардаларда ижро этиладиган миёнхат бўлиб, ғазалдаги сўзларга тааллуқли бўлмаган «о» каби чўзимли ундов товушлар билан айтиладиган оҳанглар воситасида туширилади. Сарахбори Сегоҳнинг учинчи ва тўртинчи хати даромад ва миёнхатнинг юқори пардаларида такрорланадиган дунаسر қисмидир. Бешинчи ва олтинчи хатлар Ораз намуди ва охирги, саккизинчи хат эса, оҳанглар билан бирга айтиладиган туширим қисмларидан иборат. Бу ашула йўли «музореи мусаммани аҳраби мақфуфи мақсур» дейилган вазндаги шеърлар, хусусан Навоийнинг қуйидаги байт билан бошланадиган ғазалига ўқилади:

Бағримни тиғи ҳажр ила юз пора қилдилар,  
То ёр кўйидин мени овора қилдилар.

Сарахбори Сегоҳнинг биринчи таронаси Таржеи Сегоҳнинг доира усулини тезроқ суръатда ижро этиладиган хили бўлиб, 4/4 такт ўлчовида ижро этилади. Унинг иккинчи, учинчи, бешинчи, олтинчи тароналари 3/4 такт ўлчовида, тўртинчиси 13/4, охиргиси уч чорак ва тўрт чорак такт ўлчовидаги мураккаб доира усулида ижро этилади. Уларнинг куй мавзуи турлича бўлиб, мафтункор, оҳангдор ашула йўлларидан иборат. Шуниси қизиқарлики, Сарахбори Сегоҳ тароналари вариантлар сифатида эмас, балки ўзига хос янграйди, ҳамда мураккаб шаклдаги Сарахбори Сегоҳнинг ижросидан кейин унга хусн ва малоҳат бағишлайди.

Сарахбори Сегоҳнинг охирги, еттинчи таронаси супориш деб ҳам аталади ва туркумдаги кейинги шўба — Талқини Сегоҳ доира усулида ижро этилади. Бу эса Сарахбори Сегоҳ ва Талқини Сегоҳ шўбаларини бирин-кетин, узлуксиз, яхлит ижро этилишини таъминлайди. Сарахбори Сегоҳга Талқини Сегоҳ шўбаси уланиб кетади. Талқини Сегоҳ Насри Сегоҳ шўбаси ва Уфари Сегоҳ қисми билан ҳамоҳанг бўлиб, улардан бирортаси эса олиб қолинса, қолганларининг куй тузилишини ажратиб олиш мумкин. Уларнинг куй тузилиши халқ орасида машҳур бўлган Фигон ашуласини эслатади. Асарнинг ривожда Турк авжи киритилиб, бироз ихчамлаштириб олинган.

[ Талқини Сегоҳ, Насри Сегоҳ ва Уфари Сегоҳ турли доира усуларида ижро этиладиган маълум куй кўринишлари бўлиб, бу ашула йўллари Сегоҳнинг асосий лад-тоналлигига кўра кварта даражасида баланд пардаларда ижро этилса-да, туркум тарзида ижро этилиши жараёнида ҳеч сезилмайди. ]

[ Талқини Сегоҳ чолғу муқаддима билан бошланади. Унинг биринчи ва иккинчи хатлари бир-бирининг маълум кўриниши бўлган сархат, учинчи ва тўртинчи хатлар Баёт оҳангларига ўхшатиб ишланган, ўрта пардаларда ижро этиладиган миёнхат, бешинчи хати Наво намуди, олтинчи ва еттинчи хати Ораз намуди, саккизинчи хати миёнхатнинг такрори ҳамда охириги хати фурувардлардан иборат. ] Бу ашула йўли ўзига хос бетакрор ашула асаридир, кўпроқ Ҳусайний Наво оҳангларини эслатади. Талқини Сегоҳ ҳам «рамали мусаммани маҳзүф» вазнидаги шеърлар билан ижро этилади. Масалан, Атойи қаламига мансуб ғазал мисралари:

Эй сочинг занжирининг ақлу хирад девонаси,  
Қиссаи «Лайлию Мажнун» камтарин афсонаси.

Талқини Сегоҳнинг таронаси наср доира усулида ижро этилиб, кейинги Насри Сегоҳ шўъбасига уловчи вазифасини бажарувчи супориш ҳамдир. Унинг бош оҳанглари ҳам бошқа Сегоҳ йўлларига ўхшайди.

[ Насри Сегоҳ наср доира усулидаги шўъбалардан бўлиб, Талқини Сегоҳ билан ҳамоҳангдир. ] Лекин бу шўъба наср усулида бутунлай янгича оҳанг ва мазмун, юксак бадий таъсир кучини касб этади [ Унинг авжида Наво ва Ораз намудлари учрайди. ] Насри Сегоҳ «ҳазажи мусаммани солим» дейилган вазнидаги шеърлар, шу жумладан Амирий ғазали билан ижро этилади:

Шароби ноб то базм ичра рухсорингни ол этмиш,  
Хижолат барги гулни поймоли инфиол этмиш.

[ Насри Сегоҳнинг таронаси унинг 3/4 такт ўлчовидаги кўриниши сифатида гавдаланади. Авжида тароналарда кам ишлатиладиган Наво намуди фойдаланилган. Сегоҳ мақоми наср

шўъбаларидан бири Наврўзи Хоро деб номланади. Унинг оҳанглари Рост мақомидаги Наврўзи Сабога ўхшайди. Фақат у Сегоҳ мақоми лади ва куй йўлларига мослаштириб олинган. Наврўзи Хоро ўқилгандан кейин унинг учта таронаси айтилади ва Наврўзи Ажам шўъбасига уланиб кетади. Шуни алоҳида айтиш керакки, Наврўзи Хоро, Наврўзи Ажам, Наврўзи Сабо номли шўъбаларнинг ҳаммаси узоқ ўтмишда «Ўн икки мақом» тизимига кирган шўъбалар номи эди. Наврўзи Ажам шўъбасининг куй мавзуи, тузилиши бўйича бошқа шўъбалардан бутунлай фарқ этади. Унинг ривожланишида Турк авжи фойда-ланилган. Наврўзи Ажам уфар қисмига тарона воситаси билан боғланади. Наврўзи Ажам таронасининг садолари Хоразмда машҳур «Хуш келдингиз» ашуласи оҳангларига ўхшайди. Фақат унинг доира усули 3/4 ва 4/4 такт ўлчовида ижро этилади ва супориш орқали Уфари Сегоҳга уланиб кетади. ]

Шундай қилиб, Сегоҳнинг биринчи гуруҳ шўъбалари Сарахбори Сегоҳ билан бошланиб, унинг етита таронаси ўқилиб, супориш орқали Талқини Сегоҳга ўтилади. Талқини Сегоҳ супориши билан Насри Сегоҳга уланади. Унинг таронаси айтилганидан сўнг Наврўзи Хоро ва унинг учта таронаси ва супориши ижро этилиб, Наврўзи Ажам ва унинг таронасига ўтилади. Сегоҳ мақомининг туркуми Уфари Сегоҳ ва охириги супориш билан яқуланади. Сегоҳ мақом йўллари асосида кўп халқ куйлари ва ашула йўллари яратилган бўлиб, яқва соз ҳамда халқ чолғу ансамблларида, ашулачилар жўровозлиги томонидан мароқ билан ижро этилади.

Сегоҳ йўлларининг машҳурлигини шундан ҳам билиш мумкинки, уларнинг оҳанглари ўзбек халқ куй ва ашула йўлларида авж сифатида кўплаб фойдаланилган. Бу авж Сегоҳ намуди номи билан юритилади.

[ Сегоҳ мақоми иккинчи гуруҳ шўъбалари Мўғулчаи Сегоҳ ва шу мақом куй-оҳанглари асосида яратилган ашулалардан иборат. Мўғулчаи Сегоҳ ўз оҳанглари, куй тузилиши ва ҳаракати жиҳатидан Сегоҳ йўллари садоларига асосланган бўлса-да, ўзига хос янграйди. Мўғулчаи Сегоҳ ўз шохобчалари билан бошқа мақомлардаги мўғулчалардан фарқ этади. Унинг таркибида талқинча, қашқарча, соқийнома ва уфар йўлларидан ташқари чапандоз доира усулида



ижро этиладиган Нимчўпоний дейилган шохобчаси ҳам бор.]

[Мўғулчаи Сеғоҳнинг асосий қисми кишига лирик кайфият бахш этувчи ўзига хос оҳанглардан иборат. Уни машҳур мақомдон ҳофиз Домла Ҳалим Ибодов юксак маҳорат билан ижро этган.] Мўғулчаи Сеғоҳнинг асосий йўли мураккаб ашула жумлаларидан таркиб топган. У чолғу муқаддима билан бошланади. Мўғулчаи Сеғоҳнинг бир байт шеър билан айтиладиган биринчи хати даромад, иккинчи ва учинчи хатлари ўрта пардаларда ижро этиладиган миёнхат, тўртинчи ва бешинчи хатлари Сеғоҳ намуди, олтинчи хати миёнхатнинг такрори, еттинчи ва саккизинчи хатлари Турк авжи, охириги хати эса туширим қисмларидан ташкил топган.] Мўғулчаларнинг доира усули 5/4 такт ўлчовида эканини юқорида эслатган эдик. Уларда айтиладиган шеър «рамали мусаммани маҳзуф» ўлчовида бўлиб, сўнгги йилларда Навоий газали билан ўқилиб келимокда:

Кўнгул ~~бугач~~ ул пари мажнун шайдо қилдило,  
Ақду хўшимни жунун даштида ~~ямо~~ қилдило.

Мўғулчаи Сеғоҳнинг асосий йўли тинглаганда чуқур севги ноласи, оху фиғон, айрилиқ, ҳижронни тасаввур эттирувчи кайфиятлар юзага келади. Бундай ҳолат фақат Сеғоҳ мақомига хос лад-тоналик хусусиятларига боғлиқ бўлмай, ашула йўлини ташкил этган куй тузилмалари оҳангларининг мазмунига ҳам боғлиқ. Шу боисдан ўтмишда бастакорларимиз Сеғоҳ йўлларида саҳна асарларида кучли драматик ҳолатларни акс эттирувчи ариялар, мусиқий манзаралар сифатида фойдаланганлар. [Мазкур Мўғулчаи Сеғоҳ эса «Муқанна» мусиқали драмасида трио сифатида халқ бошига тушган мудҳиш аҳволни тўлақонли акс эттирган.] Мўғулчаи Сеғоҳ шохобчалари Талқинчаи Мўғулчаи Сеғоҳ, Нимчўпоний, қашқарча, соқийнома ва уфарлари жуда пухта яратилган. Мазкур шохобчалар Мўғулчаи Сеғоҳнинг асосий куй тузилмалари негизида юзага келганлиги яққол сезилиб турса-да, уларни Мўғулчаи Сеғоҳнинг талқинча қисми, асосий лад-тоналлигининг олтинчи пардасидан ашуланинг асосий йўлидаги каби ривожлана боради.

┌ Талқинчаи Мўғулчаи Сегоҳ чолғу муқаддима билан бошланади. Унинг бошланишидаги бир байт шеър билан ўқиладиган қисми даромад, кейинги хати миёнхат, учинчи ва тўртинчи хатлари Сегоҳ намуди бўлиб, бешинчиси миёнхат оҳанглари билан тоникага, яъни куй бошланишидаги пардага қайтиб тушади. Олтинчи ва еттинчи хатлар Турк авжи, кейинги хати Сегоҳ йўлларига оҳангдош янграйди. Мўғулчаи Сегоҳнинг талқинчаси яна ўрта пардаларда ижро этиладиган миёнхат воситаси билан туширим қисмига уланиб, шу билан ашула йўли тугалланади. ] У 3/4 ва 3/8 такт ўлчовидаги мураккаб доира усулида «комили мусаммани солим», - дейилган шеър вазнида ижро этилади. Шу жумладан Огаҳий ғазалига ўқилади:

Не ажаб шикаста кўнгул иши туну кун фиғон ила ноладур,  
Ким, не ғам тошики, фалак отар анга лаҳза-лаҳза ҳаволадур.

┌ Бу ашула йўли халқ орасида жуда ҳам машҳур бўлиб, Тошкент ва Фарғона водийсида «Каримқулбеги II» деб номланиб келинган. ] Шашмақомда эса «Каримқулбеги», аксинча, Мўғулчаи Сегоҳ талқинчасига уланиб айтилади. Бу иккала шохобча чолғу йўллари сифатида ҳам машҳур бўлган. Айниқса танбурда баъзи ўзгартишлар билан махсус ижро этилади.

Мўғулчаи Сегоҳнинг Нимчўпоний шўъбаси ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Нимчўпоний тузилиши Мўғулчаи Сегоҳ талқинчаси каби бўлса-да, у Сегоҳнинг бош пардасидан бошланади. Унинг авжида ҳам Сегоҳ намуди ва Турк авжидан фойдаланилган. Нимчўпоний халқ орасида «Каримқулбеги» деб ҳам номланади. ] Каримқулбек XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида яшаган машҳур хонанда ва бастакор бўлган. У Нимчўпонийни ижро этибгина қолмай, унинг янги ижодий талқинини яратган эди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки. ] Нимчўпонийнинг маълум кўринишида Сегоҳ намуди сақланган ҳолда, кейинги босқичда Турк авжи ўрнига Ушшоқ намуди фойдаланилган. Лекин бу ҳол ашула мазмунига ҳеч қандай зарар етказмайди. ]

Нимчўпоний ўзининг оҳангдор, жозибadorлиги ҳамда ифода воситаларига бой бўлгани учун моҳир хонандалар ижрочилигида

кенг ўрин эгаллаб келган. [Ундан Юнус Ражабий «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасида дуэт сифатида фойдаланган. Мухтор Ашрафий-нинг «Дилором» операсида эса бу ашула йўли Моний арияси сифатида янграйди. Бу арияда Нимчўпонийдаги Сегоҳ намуди туширилиб, Турк авжи сақлаб қолдирилган.] Шуниси қизиқки, мазкур мусиқали драма ва операда бу ашула йўли мазмунан бутунлай ўхшамайдиган ғазаллар билан айтилади. Лекин, иккала ҳолда ҳам вазиятни ва воқеликни акс эттира беради.

[Мўғулчаи Сегоҳнинг қашқарчаси ва соқийномаси, Нимчўпоний шохобчалари Сегоҳнинг турли доира усулларидаги кўринишлари бўлиб, машҳур ашула йўллариандир. Улар чолғу муқаддима билан бошланади.] Ашула таркибидаги тузилмалар ҳам бир хил. Мўғулчаи Сегоҳнинг соқийномаси ўзига хос жозибали, оҳангларга жуда ҳам бой. [Бу соқийнома йўли даромад билан бошланади. Иккинчи хат ўрта пардаларда айтиладиган миёнхат, учинчиси куй бошланиш жумла-ларининг такрорий қисми бўлмиш дунаسر, тўртинчи ва бешинчи хатлар Сегоҳ намуди, олтинчи хат Турк авжи, еттинчиси дунаسرнинг такрори, охириги хат туширим қисмларидан иборат.] Мўғулчаи Сегоҳ соқийномаси шу номли бошқа шохобчалардан фарқли ўлароқ, «комили мусаммани солим» дейилган вазндаги шеърлар билан ижро этилади. Масалан, Мунис қаламига мансуб:

Санамо, ғамингда ёқиб фалакни фиғону нолау оҳимиз,  
Дили саҳтинга асар этмади, нечун эрди бахти сиёҳимиз.

[Мўғулчаи Сегоҳнинг соқийномаси хонанда ва созандалар орасида жуда ҳам машҳур. Бу ашула чолғу куйи сифатида кўплаб ижро этилади ҳамда созандалар орасида Насри Сегоҳ деб ҳам юритилади. Бу тўғри эмас, албатта. Чунки, Сегоҳ мақоми таркибида махсус Насри Сегоҳ шўъбаси мавжуд. Мазкур соқийноманинг чолғу йўлида дунаسر ва Сегоҳ намудлари сақланган ҳолда Турк авжи тушириб қолдирилган.]

[Бастакорларимиз Мўғулчаи Сегоҳ соқийномаси асосида Мушкilotи Сегоҳ дейилган махсус куй яратганлар. Унинг куй тузилиши эса бутунлай сақланган ҳолда, сарахбор доира усулида ижро этилади. Мушкilotи Сегоҳни қашқарча доира усулида ҳам

бирдек ижро этиш мумкин. Аввалги вақтларда бу куй якка созларда ва баъзан кичик чолғу дасталар томонидан чалиниб келинган.

Мўғулчаи Сегоҳнинг охирги шохобчаси унинг уфар қисмидир. Уфари Мўғулчаи Сегоҳ ўзига хос ноёб ашула йўлларидан бўлиб, шўхчан янграйди. Уни тинглар эканмиз, ошиқ-машуқаларнинг савол-жавобларини эслатади ва кишида юксак лирик кайфиятлар қўзғатади. Бу уфар йўли кичик чолғу муқаддима билан бошланади. Унинг биринчи ва иккинчи хатлари даромад, учинчи ва тўртинчи хатлари ўрта пардалардаги миёнхат, бешинчи ва олтинчи хатлари дунаسر, еттинчи ва саккизинчи хатлар Сегоҳ намуди, охирги хат эса туширим қисмларидан ташкил топган. Уфари Мўғулчаи Сегоҳ «ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур» дейилган вазндаги шеърлар билан ижро этилади. Сўнгги йилларда Фурқат сўзларига:

Эй лутфи каму жафоси чўх ёр!  
То чанд чекай гамингда озор?  
Йўқдур кечалар кўзимда уйқу,  
То субҳ бўлиб гамингда бедор.

Шундай қилиб, Мўғулчаи Сегоҳ шохобчаларининг куй мавзулари бир-бирдан анчагина фарқланади. Бу эса уларнинг туркум тарзида ижро этилганда ашулаларнинг ранг-баранглигини таъминлайди. Мўғулчаи Сегоҳ шохобчалари ҳаммасининг ички ҳаракатида асосий лад-тоналликка нисбатан, парда ўзгаришлари рўй бериб турадиган ҳолатлар тез-тез учраб туради ва ашула йўлларининг мафтунок чиқишини, жозибадорлигини таъминлайди.

Қисқаси, Сегоҳнинг чолғу қисмлари ҳам, ашула қисмлари ҳам жуда таъсирли ва ёқимли мусиқа асарларидир. Улар халқимиз орасида машҳур бўлиб кетганлиги бу фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Сўнгги даврларда Сегоҳ оҳанглари асосида кўшгина янги куй ва ашула йўллари яратилган. Бу ўринда Гиря (биринчи ва иккинчи) ашуласини эслатиб ўтишга тўғри келади. Гиря ашуласи Сегоҳ оҳанглариининг чапандоз доира усулларидаги кўриниши бўлиб, кичикроқ шаклдаги ашула йўлларидандир. Унинг авжида намудлар тушириб қолдирилган. Гиря I мухаммас шаклидаги шеърлар билан айтилади. Унга «ҳазажи мусаммани солим», - дейилган вазндаги шеърлар мос келади:

Юзингни кўрсатиб аввал ўзингга бандалар қилдинг,  
Яна кўнглим олиб юз нози бирла хандалар қилдинг.

Гиря II нинг куй тузилиши, биринчисидан фарқ қилади ва жадалроқ суръатда ижро этилади. Гиря ашула йўллари Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Шораҳим Шоумаров, Бобоқул Файзуллаев каби атоқли ҳофизлар репертуарида кенг ўрин тутган. [Булардан ташқари Фигон, Сувора, Гулузорим каби ажойиб ашула йўллари ҳам Сегоҳ оҳанглирига асосланган.]

[Сегоҳ йўллари негизида жуда кўп чолғу йўллари, махсус сурнайда чалинадиган куйлар ҳам яратилган. Мушкिलоти Сегоҳ ва унинг уфари, патнисаки Сегоҳ, Сайқал, Наврўзи Ажам, Ажам ва унинг тароналари, Уфари Ажам шу кунгача созандаларимиз репертуаридан катта ўрин эгаллаб келмоқда.] Улардан ўзбек композиторлари томонидан ҳам унумли фойдаланилган бўлиб, халқ чолғулари оркестри ва симфоник оркестрга мослаб қайта ишланган.

[Сегоҳ йўллари Хоразмда ҳам кенг тарқалган. Норим-норим куйи, Феруз ашуласи, айниқса Эшвой куйи ўзининг оҳанглири жиҳатидан Сегоҳ йўлларининг ўзгача кўринишидир.]

Шундай қилиб, Сегоҳ мақомининг чолғу қисмлари ва ашула йўллари ҳамда улар асосида юзага келган намуналар ҳам ўзининг бадий-эстетик қиммати билан мусиқа меросимизда сезиларли ўрин эгаллайди. Сегоҳнинг қисм ва шўьбалари ўзбек мусиқали драма ва операларида, халқ чолғулари ва симфоник оркестрлар концерт репертуарида кенг фойдаланилмоқда.



3. Мухаммаси Ироқ
4. Сақили Ироқ I
5. Сақили Ироқ II
6. Сақили Калон

Таснифи Ироқ мазкур мақомнинг бош куй мазуи сифатида унинг оҳанглари ва ички ҳолатини тўлиқ акс эттиради. Уни тинглаганда машҳур Ироқ сурнай йўлларини ҳам эслатади. Ироқнинг тасниф йўли ҳажм жиҳатидан анча кенг: саккизта хона ва бозгўйлардан иборат. Унинг иккинчи қисми Таржеи Ироқ Таснифи Ироққа нисбатан бир октава юқори пардалардан бошланиб, куй мавзуи бутунлай бошқа оҳангардан таркиб топган. Ироқ мақомида гардун қисми умуман учрамайди. Шу сабабли Таржеи Ироқдан сўнг бевосита Мухаммаси Ироққа ўтилади. Ироқ мақоми таркибида учта сақил йўли бўлиб, уларнинг куй мавзулари турлича, ноёб оҳанглардан таркиб топган. Ироқнинг чолғу йўллари орасида Мухаммаси Ироқ ёқимли, таъсирчан ва жозибадор янграйди, кишида нозик ҳис-туйғулар уйғотиб, уни чуқур ҳаёлот оғушига етаклайди. Айниқса унинг бозгўй қисми ажойиб оҳангдор хоналардан кейин ижро этилиб, эзгу орзу-умидлар, келажакка ишонч туйғуларини уйғотади.

Ироқ мақомининг тасниф, таржи, мухаммас ва сақил йўллари яхлит ҳолда бирин-кетин ижро этилгандан кейин унинг ашула бўлими шўьбаларига ўтилади. Улар Сарахбори Ироқ, Мухайяри Ироқ, Чамбари Ироқ ва Уфари Ироқ деб номланади. Ироқ мақоми йўллари ва улар асосида юзага келган куй ва ашулалар халқ орасида машҳур. Лекин, уларнинг кўп қисмлари бошқа мақомларга киритилди. Бу ашула йўллари орасида Мухайяри Ироқ наср усулидаги шўьба бўлиб, Чамбари Ироқ талқин доира усулида ижро этилади. Ироқ мақоми шўьбалари Шашмақомдаги бошқа мақомларга нисбатан бирмунча кам бўлиб, бунга тегишли сабаблар ҳам бор, албатта.

Биринчидан, Ироқнинг сарахбори оҳанглари асосида яратилган Бухоро Ироғи Бузрук мақоми иккинчи гуруҳ шўьбаси сифатида фойдаланилган эди. Ироқда иккинчи гуруҳ шўьбалари учрамайди. Баъзи мақомдонларнинг айтишларича, Ироқ мақоми

шўъбаларининг куй тузилиши ва ижро этилиш услуби мураккаб бўлгани учун кўпчилик хонандалар ижро эта олмаганлар. Шу сабабли унинг шўъбалари тўлиқ шаклда бизга етиб келмаган, иккинчи гуруҳ шўъбалари эса умуман яратилмай қолган. Лекин, профессор Фитрат-нинг ёзишича, бухоролик машҳур мақомдон ҳофиз Ота Жалол Мухайяри Ироқ асосида беш қисмли савт шўъбасини яратган ва «Савти Жалолий» деб номлаган, унинг талқинча, қашқарча, соқийнома ва уфар шохобчалари бўлган. Ироқ мақоми чолғу ва ашула йўлларининг турли кўринишлари халқ орасида севилиб ижро этиб келинган.

Ироқнинг ашула йўллар туркуми Сарахбори Ироқ билан бошланади. Бу ашула йўлининг куй тузилиши жуда ҳам мураккаб. Аввало у кичик октаванинг ля пардасидан бошланиб, икки ярим октавагача, яъни учинчи октаванинг «ре» пардасигача кўтарилади. Бу мақом йўлининг диапазони эса кўпчилик эркак хонандалар овози учун баландлик қилади. Шунинг учун ҳозирда ансамблларда ашуланинг баланд қисмини хотин-қизлар ижро этиб тўлдирадилар. Ўтмишда овоз кўлами кенг хонандаларгина Сарахбори Ироқни ижро эта олардилар.<sup>11</sup>

Сарахбори Ироқ ушбу мақом шўъбаларининг бош мавзуи бўлиб, чолғу муқаддима ва икки хатдан, яъни икки байт шеър билан ижро этиладиган ашула жумлалари билан бошланади. Сарахбори Ироқнинг учинчи хати ўрта пардаларда айтиладиган миёнхат, тўртинчи ва бешинчи хатлар Зебо пари авжи, олтинчи ва еттинчи хатлар Мухайяри Чоргоҳ намуди, охириги хат туширим қисмларидан иборат. Бу ашула йўлининг ҳар бир хати шеър матнисиз айтиладиган оҳанглар билан якунланиб боради. Сарахбори Ироқ «мужтасси мусаммани махбуни маҳзүф» дейилган вазндаги ғазаллар билан ижро этилади. Унга Навоийнинг қуйидаги шеъри мос келади:

Сиришқ(и) қонин аёғинг учун хино қилайин,  
Қабул(и) тушса қароғим эзиб қаро қилайин.

---

<sup>11</sup> Масалан, Ота Жалол, Домла Ҳалим, Левича каби атоқли мақомдон устозлар.



Сарахбори Ироқ халқимиз орасида Ироқ номи билан машҳур ҳамма куй ва ашулаларнинг асоси бўлиб хизмат этган.

Сарахбори Ироқ ўқилганидан сўнг унинг олтига таронаси бирин-кетин ижро этилади. Унинг биринчи ва иккинчи тароналари 13F4 такт ўлчовидаги доира усулида ижро этилади. қолган тўртта таронаси эса уч чорак такт ўлчовидаги усулда, супориши эса наср доира усулида янграйди. Унинг тароналарида лад-тоналликнинг ўзгариш ҳоллари тез-тез содир бўлиб туради. Бу эса ашула йўлларининг турли-туманлиги ва ранг-баранг садоланишини таъминлайди. Шуниси эътиборга сазоворки, Сарахбори Ироқ тароналарида Зебо парига ўхшаш кичик авжлар фойдаланилган. Тўртинчи ва олтинчи тароналарда Мухайяри Чоргоҳ намудига ўхшаш авжлар учрайди. Тароналарга айтиладиган шеърлар ҳам ранг-баранг, турли вазилардадир. Бундай бўлиши ҳам Сарахбори Ироқнинг тароналарига мазмундорлик ва бадний-эстетик куч бахш этади.

Сарахбори Ироқ тароналари билан биргаликда ижро этилгандан сўнг Мухайяри Ироқ шўъбасига ўтилади. Мухайяри Ироқ бу мақомнинг наср дейилган шўъбаси бўлиб, Мухайяри Чоргоҳ намудининг турли баландликларда такрор ижро этиладиган кўринишидир. «Мухайяр» сўзи «танлаб олинган», - деган маънони билдиради. Шунини алоҳида айтиш керакки, Мухайяри Чоргоҳ намуди Мухайяри Ироқ асосида яратилган, дейилса ўринли бўлади. Мухайяри Ироқ Дугоҳ мақоми ладиға мос бўлиб, унинг Чоргоҳ шўъбаси билан ҳам оҳангдош янграйди. Шунинг учун унинг асосида яратилган мазкур намуд Мухайяри Чоргоҳ деб аталишига сабаб бўлса керак. Мухайяри Ироқ мунгли, дардли, таъсирчан янграйди. Мухайяри Ироқда Мухайяри Чоргоҳ намудининг бошланиш ашула жумлалари юқори пардаларда такрорланадиган дунаسر тарзида келади ва у анча кенгайтириб ишланган. Унга «ҳазажи мусаммани солим» дейилган ўлчовдаги шеърлар, жумладан Фузулий ғазали мос келади:

Нихоли сарвдур қаддинг, қошинг нун ул ниҳол узра,  
Мисоли нуқтаи нун, ҳолинг ул мушқин ҳилол узра.

Мухайяри Ироқ ижросидан кейин унинг тўртта таронаси ва супориши ўқилади. Унинг биринчи, учинчи ва тўртинчи тароналари 3/4, иккинчи таронаси 13/4 такт ўлчовидаги доира усулида ижро этилади. Мухайяри Ироқнинг биринчи таронаси Тошкент ва Фарғонада машҳур бўлган Чоргоҳ II нинг худди ўзи. Лекин, Мухайяри Ироқ таронасининг авжига Мухайяри Чоргоҳ намуди киритилган. Иккинчи тарона ҳам Чоргоҳ йўлларини эслатади. Учинчи ва тўртинчи тароналарнинг куй мавзуи бутунлай бошқа ва ноёб оҳанглардан иборат. Мухайяри Ироқнинг супориши Сарахбори Ироқ куй жумла-ларидан иборатдир.

Ироқ мақомининг яна бир шўъбаси Чамбари Ироқ деб номланиб, биргина ашула йўлидан иборат. Чамбари Ироқни тинглаб кўрилса, Тошкент ва Фарғона водийсида машҳур бўлган Сувора ашуласини эслатади. Аммо Чамбари Ироқ талқинча доира усулида яратилган. Юнус Ражабий Шашмақомнинг олтинчи жилдида унинг савт усулидаги намунасини келтиради. Ҳар ҳолда Чамбари Ироқ иккинчи гуруҳ шўъбаларидан бўлиб, дастлаб беш қисмли ашулалар туркуми бўлгани аҳтимождан ҳоли эмас. Мазкур Мухайяри Ироқ эса унинг талқинчаси бўлиши мумкин. Бухоро Ироғининг талқинча, қашқарча, соқийнома ва уфар қисмлари Чамбари Ироқ оҳангларига ўхшаш. Бироқ, уларда Зебо пари авжидан сўнг Турк авжи киритилган. Чамбари Ироқ чолгу муқаддима билан бошланади. Унинг биринчи хати даромад, иккинчи ва учинчи хатлари ўрта пардаларда ижро этиладиган миёнхат жумлалари, тўртинчи хати Зебо пари авжи, бешинчи - еттинчи хатлари миёнхатнинг янгилиниши, охириги хати туширим қисмларидан иборат. Унга «комили мусамманн солим» дейилган вазндаги шеърлар ўқилади. Бунга Отаҳий ғазали мисол бўла олади:

Не жафоки йиғласам олдида мани хаста арзи ниёз этиб,  
Ситам устига қиладур ситам неча қотло ноз уза ноз этиб.

Ироқ мақомининг уфари Мухайяри Ироқ билан оҳангдош ва унинг уфар доира усулидаги кўринишидир. Лекин унинг авжи жуда ҳам қисқартириб юборилган.

Шундай қилиб, Ироқ мақоми туркуми бошқа мақомларга кўра

анчагина ихчам, унинг таркибида сарахбор ва биттагина наср шўъбаси ҳисобланган Мухайяри Ироқ мавжуд. Унда талқин ёки чапандоз йўллари умуман учрамайди. Ироқда иккинчи гуруҳга кирадиган савт ва мўғулча тарзидаги шўъбалар ҳам йўқ. Бу мақом йўллари бунчалик ихчамлигининг сабаби, унинг баъзи шўъба ва қисмларининг бизгача етиб келмаганлигида бўлса керак. Лекин, Ироқ йўллари асосида жуда кўп куй ва ашулалар яратилган. Масалан, Чўли Ироқ, Уфари Мушкилоти Ироқ, Тошкент Ироғи, Бозургоний, Сурнай Ироғи ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бу ўринда Тошкент Ироғини олиб қараймиз. Тошкент Ироғи Бухоро Ироғидаги шеър матнисиз айтиладиган оҳанглар билан бошланади. Кейинги хатлар эса, Мухайяри Ироқнинг оҳанглари такроридан иборат. Баъзи жумлалари орасида ёқимли ва жозибали чолғу нақароти бир неча бор такрорланади. Тошкент Ироғи мухаммас шаклидаги «ҳазажи мусаммани солим» вазнидаги ғазаллар билан ўқилади.

Ироқ мақоми асосида яратилган чолғу йўллари ҳам ўзига хос оҳангларга бой, чуқур ҳиссий таъсир кучига эга. Уларда Сарахбори Ироқнинг куй тузилиши, ҳаракатланиш йўли яққол сезилади. Айниқса сурнай ва қўшна йироқ йўллари жозибадор эшитилади.

Шундай қилиб, Ироқнинг чолғу йўллари ижро этилиб, унинг сарахбори ва наср шўъбалари тароналари билан ўқилгандан сўнг уфар қисми ва супориши билан туркум тугалланади.

## Х О Р А З М   М А Қ О М Л А Р И

Матюсуф Харратовнинг айтишича, Хоразм мақомлари Шашмақомнинг худди ўзидир. XIX аср бошларида хоразмлик созанда ва бастакор Ниёзжон Хўжа Бухорога бориб, Шашмақомни ўрганиб келади ва Хоразмга олиб келиб тарқатади. Бинобарин, Хоразмда мақомларнинг кенг ёйилиши учун қулай замин мавжуд эди. Бу ўлкада жуда қадимий мусиқа анъаналари ва мақом ижрочилигида бой тажрибага эга бўлган кўплаб созанда, хонанда ва бастакорлар яшаб ижод этиб келганлар. Ал-Хоразмий (X аср), Абул Вафои Хоразмий, Девонаи Ҳисбий (XV аср) каби ўнлаб олимларнинг мусиқа рисола-ларида мақомлар назарий жиҳатдан асослаб берилган эди. Умуман, Шарқ мақомларининг тарихий тараққиётига хоразмлик мусиқачилар салмоқли улуш қўшганлар.

Шашмақом Хоразм шароитига мосланиб олинди ва жуда катта ўзгаришларга учради. Хоразмлик машҳур бастакорлар Ниёзжон Хўжа, Феруз, Комил, Муҳаммадрасул Мирзо ва бошқалар мақомларга янги чолғу қисмлар басталаб, мақомларни шаклан ва мазмунан бойитдилар. Тасниф қисмлари ўрнига ҳар бир мақом номи билан аталадиган чолғу йўлларини яратдилар. Мақом йўлларининг куй тузилишида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Улар кенгайтирилиб ёки қисқар-тирилиб, қайта ишланди. Лекин, Шашмақом оҳанглари асосан сақланиб қолди.

Хоразм мақомларининг чолғу йўллари кейинги йилларда жуда кам ижро этилган бўлиб, магнит ёзувлари ҳам санокли даражададир. Шунинг учун бу ерда улар ҳақида муфассал тўхталиб ўтирмаймиз. Хоразм мақомлари чолғу қисмларидан умумий тасаввур олиш учун Бухоро мақом чолғу йўлларига мурожаат этиш кифоя. Улар орасида баъзи тафовутлар бор, холос. Масалан, чолғу бўлимларида Шашмақомдаги таснифлар ўрнига мақомлар номи билан аталадиган ва сарахборларга оҳангдош шўба ва уфарлар киритилган. Чолғу қисмларининг куй тузилиши эса асосан сақланиб қолган ва хоразмча услубда ижро этилади.

Хоразм мақомлари ашула бўлими таркибидаги шўбалар Шашмақом йўлларининг кўп жиҳатларини асосан сақлаб қолган. Лекин, сўнгги йилларда Хоразм ашула ижрочилигидаги ўзига хос

хусусиятларга боғлиқ ҳолда баъзи ашула йўллари таниб бўлмаслик даражада ўзгариб кетган.

Хоразм мақом шўъбаларининг баъзи қисмлари бизгача етиб келмаган, баъзи тароналар унутилиб юборилган. Кўп ашула йўллари эса тарона номи билан эмас, махсус бошқа номлар билан аталади. Масалан, тарона қисмлари Рост мақомида Сувора, Нақш, Фарёд; Бузрукда эса Сайри Гулшан; Навода Сувора, Фарёд, Нақш; Дутоҳда Сувора; Сегоҳда Нақш ва Муқаддима деб номланади. Бу нарса Хоразм мақомлари ашула йўлларини Шашмақом шўъбалари билан солиш-тиришда жуда катта қийинчиликлар туғдиради. Бундан ташқари баъзи тароналарнинг ўрни ўзгартирилган. Кўпинча сарахбор тароналари наср шўъбаларида ёки аксинча фойдалана беради. Яна шуниси диққатга сазоворки, Ироқ мақомида ашула бўлими шўъбалари умуман учрамайди ва аллақачон унутилиб юборилган. Ҳатто Хоразм танбур чизигида, Матюсуф Харратовнинг «Хоразм мусиқий тарихчаси» китобида ҳам Ироқнинг ашула бўлим шўъбалари акс эттирилмаган. Мақомлар ашула бўлимларининг бош шўъбаси бўлган сарахборлар Хоразмда мақомлар номи билан – Мақоми Рост, Мақоми Бузрук, Мақоми Наво, Мақоми Дутоҳ, Мақоми Сегоҳ каби номланади. Худди шундай ҳолни чолғу бўлимларида ҳам учратамиз. Бунга сабаб Хоразм мақомларида чолғу ва ашула бўлимлари бош қисмларининг куй тузилиши ва оҳанглари бир хиллигидир, яъни улар маълум мусиқа асарининг чолғу ва ашула шаклларида. Мақомларнинг бош мавзуси бўлган биринчи шўъбаларидан умумий таассурот олиш учун Мақоми Дутоҳни таҳлил қилиб чиқамиз.

Мақоми Дутоҳнинг, яъни Хоразмча «Сарахбори Дутоҳ»нинг куй тузилиши Шашмақомдаги каби оҳанглардан иборат бўлса-да, бироз ўзгартирилиб ижро этилади. «Ўзбек халқ мусиқаси» туркумида босилиб чиққан олтинчи жилд бўлмиш «Хоразм мақомлари» китобида Сарахбори Дутоҳ – Мақоми Дутоҳ номи билан аталиб, ашула бошланадиган асл тоника – биринчи октаванинг «ре» пардаси ўрнига кичик октаванинг «ля» пардаси, яъни тўрт парда пастга туширилган. Унинг биринчи хати икки марта такрорланадиган ашула жумлаларидан иборат. Ҳар бири

шеърнинг битта байти билан ўқиладиган иккита хати даромад тузилмаси бўлиб, шеър матнисиз айтиладиган оҳанглар билан асл бошланғич пардага туширилади. Учинчи хат ўрта пардаларда ижро этиладиган миёнхат бўлиб, унинг ҳар бир ашула жумласи шеър матнисиз айтиладиган оҳанглар билан ашула бошланган пардага қайтиб тушади. Ашуланинг тўртинчи хати асар бошланиш жумлаларининг юқори пардаларидаги такрори бўлмиш дунаسر, бешинчи ва олтинчи хатлари Мухайяри Чоргоҳ намуди, еттинчи хати туширим қисмларидан иборат. Уларнинг ҳаммаси шеър сўзларисиз ижро этиладиган оҳанглар билан яқунланади.

Хоразм мақомларидаги бош ашула йўллари тахминан XIX асрнинг охириги чорагидан бошлаб мақомлар номи билан атала бошлади. Хоразм мақомлари шеър матилари тўпламларида эса, улар «сарахбор» деб кўрсатилган. Сарахборларнинг куй-оҳанглари, доира усули ва уларга айтиладиган шеър ўлчовлари Бухоро ва Хоразм кўринишларида деярли бир хил деса бўлади.

Сарахборларнинг баъзи тароналари Хоразмда терма қилиниб ишланган. Уларга авжлар киритилиб, йирик шаклдаги ашула ҳолига келтирилган. Сарахбори Ростда учта тарона мавжуд бўлиб, Тарона, Сувора ва Нақш деб номланади. Унинг таронаси Шашмақомдаги Сарахбори Рост учинчи таронасининг ритмик вариантыдир. Сувора йўли эса Шашмақомдаги Ростнинг учинчи, тўртинчи тароналари асосида яратилган бўлиб, Хоразмда жуда ҳам машҳур. Ҳозирда эса замонавий мавзудаги «Ўзбекистон гуллари» ашуласи шу Сувора асосида яратилган. Нақш ашула йўли Насри Ушшоқнинг биринчи ва иккинчи таронаси бўлиб, унинг маълум кўриниши Хоразмда «Ҳануз» номи билан машҳурдир.

Нақши Рост Шашмақомдаги шаклидан фарқ этади. Унга хоразмлик бастакорлар Ушшоқ ва Уззол намудларини киритганлар. Бузрук мақомининг тароналари – Сайри Гулшан, иккинчи ва учинчи тароналарига ҳам Уззол ва Мухайяри Чоргоҳ намудлари авжига киритилиб, ашула йўллари анча кенгайтирилган. Наво мақомининг биринчи таронаси Шашмақомдаги каби бўлиб, маҳаллий ашула ижрочилигига мослаштирилган.

Наво мақомининг Сувораси Сарахбори Наво иккинчи

таронасининг маълум кўринишидир. Сарахбори Дугоҳнинг тароналари асосида Хоразмда уларнинг ноёб намунаси яратилган. Сарахбори Сегоҳнинг биринчи ва иккинчи тароналари хоразмча мисолида анча йириклаштирилган. Сарахборлар ҳамма тароналарининг такт ўлчови, доира усули, улар бошланадиган пардалар ўзгача тарзда олинганлиги уларнинг ўзгариб кетишига олиб келади.

Сарахборлар тароналари билан айтилгандан сўнг Хоразм мақомларида ҳам талқин дейилган шўьбаларга ўтилади. Тилга олинган «Хоразм мусиқий тарихчаси» рисоласида еттита талқин келтирилган бўлиб, Хоразм мақомлари нота тўпламида тўрттасигина берилади. Улар Талқини Рост, Талқини Бузрук, Талқини Наво, Талқини Сегоҳ деб номланади. қолган талқин йўллари Хоразмда унутилиб юборилган бўлса керак.

Талқини Рост Шашмақомдаги Талқини Ушшоқнинг ўзидир. Унинг таркибида Талқини Ушшоқдаги ҳамма тузилмалар мавжуд. Талқини Рост даромад билан бошланади. Кейин миёнхат, Уззол ва Мухайяри Чоргоҳ намудлари маълум ўзгартишлар билан авж сифатида фойдаланилиб, туширим қисми билан яқунланади. Унинг доира усули ва шеър ўлчови Талқини Ушшоқдаги кабидир. Бу шўьба «рамали мусаммани маҳзуф» вазнидаги газаллар билан айтилади:

Гул керакмасдур менга мажлисда саҳбо бўлмаса,  
Найлайин саҳбони гул мажлисаро бўлмаса.

Бошиқа тароналар ҳам Хоразм турида анча ўзгаришларга учраган. Масалан, Талқини Бузрук Талқини Уззолнинг маълум кўриниши бўлиб, унинг куй қиёфаси, таркибий қисмлари Шашмақомдаги кабидир. Уззол оҳангининг кварта даражасидаги сакрама ҳаракати ўрнига поғонама-поғона юрилади. Талқини Наво — Талқини Баётнинг ўзи, лекин жуда ўзгартириб юборилган. «Хоразм мақомлари» нота тўпламида қисқа ва нотўғри пардаларда берилган. Талқини Сегоҳ Талқини Ушшоқ оҳанглирига ўхшайди ва Шашмақомдагидан фарқ қилади.

Шундай қилиб, талқин йўллари ҳам Хоразм маҳаллий ижрочилик услубига мослашиб олинганлиги уларнинг куй қиёфасида

жиддий ўзгаришлар содир бўлишига олиб келган. Мазкур китобда Рост ва Наво мақомларини талқин йўлларида биттадан тарона келтириб, улар Фарёд деб номланган. Фарёд йўллари ҳам намудли авжлар билан кенгайтириб қайта басталанган.

Наср шўъбаларининг баъзилари ҳозирда унутилиб юборилган. Харратов ўн бешта наср йўлини санаб ўтган. «Хоразм мақомлари» нота тўпламида эса саккизта наср шўъбалари берилади. Улар Рост мақомида Наврўзи Сабо, Бузрукда Насруллои, Навода Фарёд ва Орази Наво, Дутоҳда Чоргоҳ ва Баёт, Сегоҳда Сабо, Наврўзи Хоро, Насри Ажам деб номланади. Шуни айтиш керакки, Наводаги Фарёд Ҳусайний Дутоҳнинг ўзидир. Мазкур китобда Баёт негадир Наво мақоми таркибида берилмай, Дутоҳ мақомининг шўъбалари тарзида келтирилган. Бундай ўзгартишлар Хоразм мақомларини ўрганишда чалкашликлар туғдиради.

Энди наср шўъбаларидан умумий таассурот олиш учун уларнинг баъзилари билан танишиб чиқамиз. Масалан, Насри Рост шўъбаси Шашмақомдаги Насри Ушшоқнинг айни ўзидир. Насри Рост даромад тузилмаси билан бошланади. Кейинги хатлари мнёнхат, Уззол ва Мухайри Чоргоҳ намудлари ҳамда туширим қисмларидан иборат. Бу ашула йўли Хоразмда «Шитоб айлаб» номи билан машҳур. У «ҳазаж мусаммани солим» дейилган вазндаги шеърлар билан ижро этилади. Масалан, Навойнинг қуйидагича бошланадиган ғазалига ўқилади:

Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул уза ҳайдин гулоб айлаб.

Шуни алоҳида айтиш керакки, бу машҳур ашула йўли номаълум сабабларга кўра «Хоразм мақомлари» нота тўпламига киритилмаган.

Наср шўъбаларидан яна бири Насруллои Хоразмда янгича шарҳ ва янгича сайқал топган. Шашмақомдаги Насруллоига кўра, бошқача мазмун ва оҳангдорлик касб этган. Лекин унинг таркибидаги дунаسر ва Турк авжи сақланган ҳолда кишида бутунлай янги ашула йўли бўлиб таассурот қолдиради.

Наср йўллариининг баъзиларида тароналар мавжуд бўлиб, улар



сувора, нақш, тарона номлари билан машҳурдир. Шунинг таъкидлаш керакки, нақш ибораси темурийлар давридан бошлаб қўлланиб келинган. Лекин Бухоро мақомдонлари томонидан унутилиб юборилган бўлса-да, Хоразмда бу ном ҳозиргача қўлланилади. Бухорода эса нақш ашула йўллари тарона деб номланади. «Нақш» сўзи арабча бўлиб, «безак», «сайқал» каби маъноларни билдиради. Бунда йирик шаклдаги ашулаларга басталанган кичикроқ шаклдаги ашула йўллари кўзда тутилиб, улар мақом туркумларига ҳақиқатдан сайқал бўлиб хизмат қилади.

Насрларнинг тарона йўллари билан яна бири сувора ҳам нақшлар вазифасини ўтайди. Сувора атамаси форс-тожикча «отлиқ», «чавандоз» маъноларида ишлатилади. Сувора йўллари тингланса, отнинг юриши билан отлиқ кишининг гавда ҳаракати кўз ўнгимизда намоён бўлади. Суворалар усули соқийнома ёки уфар доира усулларида бўлади. Хоразм мақомларида 13 чоракли такт ўлчовидаги доира усулида кам келади. Кейинги вақтларда улар сустроқ усулда ҳам ижро этиладиган бўлди.

Ҳозир Хоразмда сувора йўллари турли намуналари кенг тарқилган. Улар шакл жиҳатидан мақом шўбалари каби йирикдир. Хоразм мақомлари ҳам уфар билан яқунланади. Уфарлар эса кўпинча Шашмақомдаги каби насрлар билан эмас, балки сарахборларга оҳангдош.

Шундай қилиб, Шашмақом Хоразм воҳаси шароитида муҳим ўзгаришлар билан ижодий фойдаланилган эди. Баъзи мақомларнинг куй йўллари ва доира усуллари ҳажман ихчамлаштирилди, усул суръати биров тезлаштирилди. Намуд, авжлари қисқартрилиб олинди, куй ва ашула йўллари қайта басталанди, баъзи янги янги қисмлар яратилди. Шашмақом Хоразмда мустақил яшаб келди. Шунинг учун Бухоро анъанасидаги савт ва мўғулча туридаги шўбалар Хоразм мақомларига кирмай қолди. Лекин Хоразм бастакорлари мақом негизидан чуқур ижодий ишлар олиб бордилар. Улар мақом услубида сувора йўллари ажайиб намуналарини, «Феруз», «Илғор», «Эшвой», «Норим-Норим» каби ноёб куй ва ашулаларни яратдилар. Шулардан бири «Унутма» ашуласидир. Бу ашула йўли насрлар усулида ижро этилиб, Хоразм дostonларида

ҳам айтилади. Мақом йўлларининг халқ достонларида фойдаланилганлиги Хоразмда мақомларнинг нақадар машҳур эканидан далолат беради. Бастакорлар Хоразм шароитига мос келмаган баъзи мақом йўллари ўрнига янгидан-янги асарлар яратдилар.

Хоразм мақомларида лад-тоналик масаласида чалкашликлар мавжуд. Уларни тўғри аниқлаш ва мазкур мақом мажмуасининг парда тизимини тиклаш мутахассислар олдида турган галдаги вазифалардан бири бўлмоғи лозим. Бу нарса эса мақомларнинг тарихий тараққиёт йўлини тўғри ёритишга, қуй ва ашула йўлларининг бадий-эстетик қимматини тўла очиб беришга катта имконият туғдиради.

## МАҶОМ ЙЎЛЛАРИНИНГ ВАРИАНТЛАРИ

Маълумки, Тошкент, Фарғона водийси, Самарқанд, Қўқон ва бошқа шаҳарларда мақомларнинг турли шакллардаги чолғу ва ашула йўллари яратилган. Шулар жумласидан машҳур чолғу асарлар: беш қисмли Насруллои, Чўли Ироқ, Муножот туркуми, Навонинг бир неча чолғу намуналари, Наврўзи Ажам, Ажам ва унинг тароналари, Илғор, Мискин ва Адойининг беш қисмли туркуми, икки қисмли Мирзадавлат, Маъдалибек, Беги Султон, Чўли қурд, Сайқал, Сувора йўллари, Мушкилоти Дутоҳ ва унинг Уфари, Дутор Баёти, Ўйин Дутоҳи, Ростинг Панжгоҳ қашқарчаси, Дилхирож, Мушкилоти Сеғоҳ ва унинг Уфари, патнисаки услубда чалинадиган Дутоҳ, Сеғоҳ ва Ушшоқ намуналари, қари Наво, сурнай йўлларида Бузрук, Наво, Дутоҳ, Ироқ, Дутоҳи Хусайний, Насруллои, Чоргоҳ, Мустанод, Дашти Наво каби ўнлаб куйлар маҳаллий бастакорлар томонидан мақомлар асосида яратилган бўлиб, мусиқамизнинг бебаҳо дурдоналаридандир.

Мақомлар мазкур чолғу кўринишларининг баъзиларини ўқувчи диққатига ҳавола этамиз. Улардан бири — Насруллои - беш қисмли куйлар туркумидир. Насруллои Шашмақомдаги Бузрук мақомининг наср шўъбаларидан шу номли қисм оҳанглари асосида яратилган. Унинг биринчиси 2/4 такт ўлчовидаги куй бўлиб, шакл жиҳатидан анча мураккаб. Насруллои биринчи Бузрукнинг Насрулоси бошланиш оҳанглари сингари куй жумлалари билан бошланади. Лекин бу жумлалар бастакор томонидан яратилган ажойиб, бетакрор оҳанглардан таркиб топган. Чолғу асар сифатида унга қайтарма тузилмалар, яъни бозғўйлар киритилган бўлиб, улар асосида ривожланиб борувчи хоналардан сўнг такрорланади. Насруллоининг авжида Мухайяри Чоргоҳ намуди ва Турк авжи оҳанглари аралаш-тирилиб олинган. Унинг куй жумлаларида пешрав оҳанглари асарни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этган. Насруллои жозибали, ёқимли ва нолали куй бўлиб, тингловчида жиддий лирик кайфият уйғотади, гўё киши билан ҳасратлашаётгандай туюлади.

Насруллоининг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи шохобчалари унинг асосий йўлига нисбатан анча қисқа ва

ғхчамлашгирилган. Улар бир-бирларининг турли доира усулида ижро этиладиган намуналари бўлиб, иккинчи Насруллои чапандоз доира усулида, учинчиси 3/4 такт ўлчовидаги тароналар доира усулида, тўртинчиси 6/4 такт ўлчовидаги доира усулида уфарнинг сушлаш-тирилган тури, бешинчиси эса жонли суръатда чалинадиган уфар усулида ижро этилади. Насруллоининг бу кўриниши ўз тузилиши билан мақом чолғу қисмлари каби мураккаб ва пухта басталанган бўлиб, мустақил куй туркуми тарзида яшаб келди.

Мақомларнинг яна бир варианты Сувора ва унинг уфари дир. Сувора куйи Ироқ мақоми таркибидаги Чамбари Ироқ оҳанглари асосида яратилган бўлиб, Бухоро Ироғи шохобчаларини ҳам эслатади. Суворанинг бош йўли 4/4 такт ўлчовидаги соқийнома доира усулида ижро этилиб, жуда ҳам таъсирли оҳанглардан таркиб топган. Унинг авжида келиши лозим бўлган Зебо пари авжи тушириб қолдирилган. Суворанинг уфари эса куй тузилиши, ҳаракати ва куй жумлалари жиҳатидан уфар доира усулидаги кўринишидир. Маълумки, «сувора» сўзи «отлиқ», «чавандоз» маъноларини билдиради. Агар бу куйларни тинглаб кўрилса, айтиб ўтганимиздек, отнинг юриши билан от устидаги чавандознинг ҳаракати кўз унгимизда гавдаланади. Бунда суворанинг бош йўли от юришидаги табиий ҳаракатлигини ифодалайди. Суворанинг уфари эса гўё унинг жадаллаб чошиб бораётганлигини акс эттиради. Бу Сувора куйи сурнай йўли сифатида ҳам машҳур бўлган. Шунини айтиш керакки, Суворанинг ашула мисоли ҳам яратилган бўлиб, у чолғу оҳангларидан фарқ этмайди.

Мақомларнинг чолғу йўлларида Чўли Ироқ айниқса дилрабо янграйди. Чўли Ироқ номаълум бастакор томонидан яратилган. Бу куй Шашмақом жумласидан Ироқ мақомининг сарахбор дейилган шўъбаси оҳангларига асосланган. Ҳатто унинг катта авжидаги Мухайяри Чоргоҳ намуди ҳам сақлаб қолинган. Чўли Ироқ Сарахбори Ироқдан анчагина фарқ этади. Бастакор Чўли Ироқ таркибига чолғу қисмлар учун хос бўлган қайтарма жумлалар бўлиши бозғўйларни киритган, куйнинг ривожлантиришда пешрав оҳангларидан фойдаланган.

Чўли Ироқ таркибидаги куй бўлаklarини тахминан

қуйидагича тасаввур этиш мумкин: унинг иккита бош куй жумласи даромад тузилмаси, учинчиси куйнинг такрорланадиган қисми бўлмиш бозгўй, тўртинчи ва бешинчи жумлалар бозгўйлари билан ўрта пардаларда ижро этиладиган куй қисми, тўрт жумладан иборат бешинчи хати катта авж вазифасини ўтайдиган Мухайяри Чоргоҳ намуди ва туширим қисми вазифасини бажарувчи охириги бозгўйдан иборат. Ўтмишда Чўли Ироқ айрим якка созларда ижро этиларди. Энди бу мумтоз асар ҳамма чолғуларда ва ансамблда бирдек муваффақият билан ижро этилиши мумкин.

Мазкур номларни санаб ўтилган куйлар орасида Наврўзи Ажам, Ажам ва унинг тароналари, Мушкilotи Сеғоҳ ва унинг уфари, Маъдалибек, Беги Султон каби чолғу йўллари Сеғоҳ мақоми ладида ижро этилиб, турли-туман куй мавзуларига эга. Уларнинг авж қисмида Сеғоҳ намуди кенг фойдаланилган.

Мушкilotи Сеғоҳ ва унинг уфарини олиб қарайлик. Бу куй йўлининг асосий мавзуи Сеғоҳ оҳанглариининг патисаки тури бўлиб, ниҳоятда таъсирчан ва мунгли янграйди. Куй тингловчиларда жиддий лирик кайфиятлар уйғотади. Сеғоҳ I дан уфарига ўтилганда эса, кишида кўтаринки руҳ ҳосил бўлиб, оғир вазиятни енгиллаштиради, киши ҳиссига завқ бахш этади. Сеғоҳнинг бу вариантлари авжида Сеғоҳ намуди фойдаланилган. Ўзбек мусиқа меросида Мушкilotи Сеғоҳ номи билан машхур бонба чолғу асарлар ҳам мавжуд.

Шуни айтиш керакки, баъзи мақом ашула йўллари чолғу асар сифатида ҳам машхур бўлиб келган. Масалан, Сеғоҳ мақомидаги Мўғулчаи Сеғоҳ шохобчаси бўлмиш Нимчўпоний ашуласининг чолғу варианты Сарпарда номи билан машхур бўлган. Сарпарда куйи ашула йўли каби даромад қисми билан бошланади. Учинг навбатдаги икки хати ўрта пардаларда чалинадиган мисхотини таъинлаб этади. Кейинги хатлар Сеғоҳ намуди ва Ушшоқ намуди ҳамда туширим қисмларидан таркиб топган. Сарпарданинг ашула нисониди Ушшоқ намуди ўрнига Турк авжи фойдаланилган. Бу асар мураккаб чапандоз доира усулида ижро этилса-да, енгил ва оҳирабо янграйди, теран лирик кайфият кўзғатади.

Сеғоҳ мақоми чолғу йўллариининг кўринишларидан бири —

Наврӯзи Ажам, Ажам ва унинг тароналаридир. «Наврӯз» сўзи ҳаммамизга маълум қадимий янги йил номи («Янги кун»). «Ажам» эса араблардан бошқа халқлар ифодаси бўлиб, Наврӯзи Ажам «ажамликлар Наврӯзи» маъносига келади. Бу асарни тинглаб кўрилса, дарҳақиқат, баҳор айёмидаги табиат гўзалликлари - кўм-кўк майсазорлар, гуллаётган мевали дарахтлар, гулзорлар, қушларнинг сайраши кишини кўз ўнгига намоён бўлади. Наврӯзи Ажамнинг куй тузилиши унча мураккаб бўлмаса-да, унинг таркибига бошланғич қисми, ўрта пардаларда ижро этиладиган куй жумлалари, авжида эса Сегоҳ намуди ва охирида туширим қисмлари мавжуд. Наврӯзи Ажамнинг ривожланиш жараёнида куй ўзига хос жўшқин ҳаракат қилади. Бу эса тингловчига ажойиб ҳис-туйғулар бағишлайди ва ҳаёлот денгизига чўмдиради.

Мақом чолғу йўлларида яна бири — Бузрукдир. Бу куй Сарахбори Бузрук асосига яратилган бўлиб, ўзига хос улуғворлиги, жозибadorлиги, таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Бузрук куйининг таркибига Сарахбори Бузрукнинг ҳамма оҳанглари учратиш мумкин. Унинг авжида ҳатто Уззол ва Мухайяри Чоргоҳ намудларининг кўринишлари мавжуд. Бузрукнинг бу кўринишига чолғу йўли сифатида бир неча бор такрорланадиган бозғўй қисми ҳам киритилган. Бу куйни такомиллаштиришда машҳур ҳофиз ва бастакор Ҳожи Абдулазиз ва Юнус Ражабийнинг хизматларини айтиб ўтиш лозим. Шуниси эътиборга сазоворки, Бузрук мақоми оҳанглари шижоатбахш, лирик кайфиятлар уйғотадиган улуғвор мусиқа асарларидир. Лекин, халқ чолғулари ансамбли ижросида жуда ҳам мунгли ва дардли куй сифатида янграйди.

Мақомлар асосига юзага келган бошқа чолғу йўллари ҳам оҳангларга бой, ранг-баранг куйлардир. Уларнинг куй шакли худди мақом шўбаларида бўлгани каби намудли авжлари воситаси билан ривожлантирилади. Шундай қилиб, бастакорлар мақом йўлларида янгидан-янги куй парчалари, авжлар киритиб, уларнинг таъсирчанлигини оширишга ҳамда шаклан ва мазмуан бойитишга муваффақ бўлганлар. Батъан мақомларнинг мазкур мисоллари куй қиёфаси, руҳий таъсири асл мақом йўлларида нисбатан бутунлай бошқача тус олади. Бу жараёнда Ўрта Осиё воҳаларида ижро

услубларининг турлича бўлганлиги ҳам сезиларли таъсир кўрсатган эди. Шунга қарамай, бастакорлар мақом йўлларининг янги намуналарини яратар эканлар, куйларнинг раволигини, таъсирчанлигини оширишга ҳаракат этиб, уларнинг ижросини енгиллаштирганлар. Мазкур куйлар тингланса, ранг-баранг лирик кайфиятлар уйғотади, уларда ҳижрон, фироқ, алам, нолиш, ҳасрат билан бирга умидворлик, ҳаётбахш садолар баралла янграйди. Бу ўринда Сайқал куйи ўзининг жозибadorлиги, оҳанграболиги ва бадий-эстетик таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Сайқал ЗФ 4 такт ўлчовидаги уфар доира усули жўрлигида ижро этилади. Унинг куй мавзуи Сегоҳ мақомига мансубдир. У кўпроқ машҳур Гиря ашуласига ҳамоҳангдир. Сайқалнинг авжига Мухайяри Чоргоҳга ўхшаш намуд киритилган.

Шундай қилиб, мақомларнинг чолғу йўллари туркумли ва якка тарзда ижро этиладиган куйлардан иборат. Туркумли асарларнинг биринчи қисми кўпинча  $2/4$  такт ўлчовидаги сарахбор доира усулида ижро этилади. Уларнинг шохобчалари эса, асосий бош куйга нисбатан кичикроқ шаклда бўлиб, чапандоз,  $3/4$  такт ўлчовидаги тарона, соқийнома ва уфар доира усулида ижро этилади.

Мақом намуналари туркумида доира усулларининг ҳар хил бўлиши уларнинг шохобчалари куй тузилишига ҳам таъсир этади, ранг-баранглигини таъминлайди. Куйларнинг таъсир этиш хусусиятлари ҳам бутунлай ўзгариб кетади, вариантлар тарзидаги куйлар бир-бирдан тубдан фарқ этади. Туркумли чолғу йўллари одатда уфар қисмлари билан яқунланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мақом йўлларининг юзага келиши ўтмишдаги бастакорлик анъаналари билан чамбарчас боғлиқ, унинг маҳсулидир. Бу мақом чолғу намуналари мақом йўлларининг халқ орасида нақадар кенг ёйилганлигидан далолат беради ҳамда мақом йўлларини тарғиб қилишда маҳим восита бўлиб хизмат қилиб келган эди.

Мақом йўлларининг ашула вариантлари якка ва туркум тарзида ижро этиладиган ашулалар бўлиб, улар жуда катта сонни ташкил этади. Жумладан, Бузрук мақоми шўьбалари билан соҳанг Абдурахмонбеги I, II ва унинг уфари, Кўча боғи I, II,

Илғор, Яланг даврон, Сувора, Бебокча. Рост мақоми шўбалари асосида яратилган Ушшоқнинг беш хил йўли, Шаҳнози Гулёрнинг беш қисмдан иборат туркуми, «Қўшчино», «Гулузорим», «Тонг отгунча» каби ашула йўллари ва бошқа мақом шўбаларига ҳамоҳанг бўлган беш қисмли Баёт туркуми, Бухоро Тўлқини, «Бандалар қилдинг», бешта ашуладан иборат Чоргоҳ туркуми, Муножот, Савти Муножот ва унинг уфари, етти қисмли Дугоҳ Хусайний туркуми, Бозургоний, Сегоҳ, Сайқал, Эшвой, Адоий, Феруз, Норим-Норим, Илғор ва бошқа юзлаб ашула йўллари мақомларнинг лад асосларигина эмас, балки ўзининг куй тузилиши, шакли ва куй ҳаракатланиши билан ҳам мақом йўлларидан фарқ этмайди.

Мазкур мақом йўлларининг баъзи намуналари билан танишиб чиқамиз. Уларнинг айримлари якка ашулалардир. Мақом йўллари намуналаридан бўлмиш Ушшоқ Ўзбекистон ва Тожикистон бастакорлари томонидан турлича услубларда яратилган. Улар Тошкент Ушшоғи, Самарқанд Ушшоғи ва Қўқон Ушшоғи деб номланади. Улардан Самарқанд Ушшоғи машҳур ҳофиз ва бастакор Ҳожи Абдулазиз томонидан яратилган бўлиб, «Ушшоқи Ҳожи» деб ҳам аталади. Баъзи хонадалар уни Даромади Ушшоқ деб юритишади. Бунга сабаб, Самарқанд Ушшоғига Уззол шўбаси оҳанглари даромад сифатида олинган. Ушшоқ оҳанглари эса ана шу даромад қисмига улашиб кетган. Самарқанд Ушшоғининг авжига Уззол ва Ушшоқ намудлари киритилиб ривожлантирилган.

Ушшоқнинг яна бир намунаси машҳур хўжандлик бастакор Содирхон томонидан басталанган. Ушшоқи Содирхон Тошкент Ушшоғига ҳамоҳанг бўлиб, ижро услубида анчагина фарқ бор. Шуниси диққатга сазоворки, Ушшоқнинг ҳамма мисоллари Шапмақомдаги Ушшоқ шўбалари оҳангларига асосланган бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос куй матнига эга, таъсирчанлиги ҳам турличадир. Булар орасида қўқон Ушшоғи куй-оҳанглари жиҳатидан бошқа Ушшоқ йўлларидан сезиларли фарқ қилади, ўзбек ва тожик хонадалари томонидан ўзгача ижро этилади. Баъзи хонадалар уларнинг авжида Ушшоқ намуди билан Зебо пари авжини ишлатса, Бухорода Ушшоқ, Уззол ва Мухайяри Чоргоҳ намудларини ҳам киритиб ижро этишган.



Тошкент ва Фаргона водийсида машҳур бўлган туркумли йўллардан энг йириклари Баёт I, II, III, IV, V, беш қисмли Чоргоҳ йўллари, Дугоҳ Ҳусайнийнинг олти қисмли туркуми, Шаҳнози Гулёрнинг беш қисмли туркуми шулар жумласидандир. Бу туркумли мақом вариантлари орасида Баёт, Чоргоҳ ва Дугоҳ Ҳусайний куй тузилиши қоидалари жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Уларнинг бош ашула йўли  $2/4$  такт ўлчовидаги сарахбор доира усулида, иккинчи қисми  $3/4$  такт ўлчовидаги тарона доира усулида, бошқа қисmlари эса беш чоракли савт доира усулида, мураккаб чапандоз ва енгил уфар доира усулларида ижро этилади.

Масалан, Баёт ашула йўлларини олиб кўрамиз. Унинг асосий йўли Баёт I - Наво мақомининг Баёт шўбалари асосида яратилган. Баёт I да Шашмақомдаги шакли муҳим ўзгаришларга учрайди. Унинг куй ҳаракати қиёсий равишда кузатилса, Наво мақомидаги чегарадан бутунлай чиқиб кетган ҳоллари яққол сезилади. Ашуланинг руҳий таъсири, куй жумлаларининг умумий қиёфаси маълум даражада сақланиб қолади. Айниқса, Баёт I да Навонинг шўбаларида учрайдиган авжлар — Баёт ва Наво намудларининг учраши бу фикримизнинг яна бир далилидир.

Баёт II Наво мақомидаги Насри Баётнинг II—III тароналарининг худди ўзидир. Улар бироз фарқ қилса-да, куй тузилиши ва ҳаракати мазкур иккала шаклда ҳам бир хилдир. Баёт III, IV, V куй тузилиши жиҳатидан олдинги қисmlардан фарқ этади. Улар Баёт шўбаларининг бошланғич ашула жумлаларини беш парда юқорига, яъни квинтага кўтариб, маълум даражада ўзгартириб яратилган шаклдир. Баёт III савт доира усулида, унинг тўртинчиси қашқарча, бешинчиси талқин доира усулида ижро этилади. Баёт III—IV—V шохобчалари кичикроқ шаклда бўлиб, уларда намудли авжлар учрамайди. Уларнинг ўзи Баёт намудининг ҳам маълум вариантдир.

Тошкент ва Фаргона водийсида машҳур бўлган мақом йўлларида Чоргоҳ, Дугоҳ мақомининг Сарахбори Дугоҳ, Талқини Чоргоҳ, Насри Чоргоҳ, Савти Чоргоҳ деб номланадиган шўбалар осида яратилган. Чоргоҳ I ўзининг улуғворлиги ва таъсирчанлиги ан Сарахбори Дугоҳдан деярли фарқ этмайди, фақат унинг

куй жумлалари бироз қисқартирилиб ўзгартирилган. Чоргоҳ I да Сарахбори Дугоҳнинг доира усули, ашула тузилмалари, унга ўқиладиган шеър ўлчови ҳам асосан сақланиб қолган. Унинг таркибида даромад, миёнхат, Мухайри Чоргоҳ намуди ва туширим қисмлари мавжуд.

Чоргоҳ II  $3/4$  такт ўлчовидаги тароналар доира усулида ижро этилиб, Шашмақомдаги Савти Чоргоҳ шохобчаларининг маълум кўринишидир. Унинг учинчи ашула йўли яхлит ҳолда Савти Чоргоҳ оҳанглиридан иборат. Шунини айтиш керакки, илгариги Чоргоҳ III савт усулининг беқарор шаклида ижро этиб келинган. Чоргоҳ III, Баёт III, Дугоҳ III да ҳам худди шундай эди. Ўзбекистон радиоси мақом ансамбли кейинчалик уларни савт усулига тушириб ижро эта бошлади. Лекин, бу ашула йўлларида намудли авж тузилмалари тушириб қолдирилган. Чоргоҳнинг ҳам қолган IV—V—VI шохобчалари бир-бирининг турли доира усулидаги кўринишларидир.

Тошкент-Фарғона машҳур мақом йўлларида бири Дугоҳи Ҳусайнийдир. Бу ашулалар туркуми Шашмақомдаги Ҳусайний Дугоҳ асосида юзага келган бўлиб, унинг кейинги шохобчаларида эса Дугоҳ мақомининг бошқа шўьбаларидан фойдаланилган. Дугоҳ Ҳусайний I да доира усули соддалаштириб,  $2/4$  ўлчовидаги сарахбор доира усулига туширилган. Дугоҳ Ҳусайний шохобчалари Баёт ва Чоргоҳ йўллари каби бир-бирларидан рақамлар билан ажратилади ва Дугоҳ Ҳусайний I, II, III, IV, V, VI деб юритилади. Унинг шохобчаларида Дугоҳ мақоми шўьбалари қатори уларнинг тароналари ҳам фойдаланилган. Дугоҳи Ҳусайний шохобчаларининг тузилиш асослари нуқтаи назардан Баёт ва Чоргоҳ йўлларига ўхшайди.

Дугоҳ Ҳусайнийнинг I қисми сарахбор, иккинчи қисми савт, кейингиси қашқарча доира усулида ижро этилади. Дугоҳ Ҳусайний уфар қисми билан яқунланади ва кичик супориш билан тугалланади. Дугоҳ Ҳусайнийнинг ҳамма шохобчалари ҳам халқ орасида кенг тарқалган.

Тошкент ва Фарғона водийсида Гулери Шаҳноз номли ашулалар туркуми машҳурдир. У Рост мақоми таркибидаги ашула

йўллари асосида яратилган. Биринчи қисми Гулёр, иккинчиси Шаҳноз, учинчиси Чапандози Гулёр, тўрттинчиси Ушшоқ, бешинчиси қашқарчаи Ушшоқ номлари билан машҳурдир. Унинг биринчиси Гулёр сарахбор доира усулида, Шаҳноз мураккаб такт ўлчовидаги тароналар усулида, учинчиси чапандоз, тўрттинчиси сарахбор доира усулида, бешинчиси қашқарча доира усулида ижро этилади. Шаҳнози Гулёр ўз тузилиши жиҳатидан Баёт, Чоргоҳ ва Дугоҳи Хусайний туркумларидан тубдан фарқ этади. Лекин, Шаҳнози Гулёрнинг шохобчалари ўз тузилиши жиҳатидан анча мураккаб, ноёб ашула йўллари дир. Улар жозибали, ёқимли ва таъсирли оҳангларга бой.

Гулёри Шаҳноз туркумида Ушшоқ ашула йўллари нуқтаи назаридан қараганда чалкашликлар мужассамланган. Дастлаб унинг қисмлари лад асоси турлича, яъни Гулёр I, Шаҳнозлар «до» пардасидан бошланган миксолидий лади, Чапандози Гулёр шохобчасида ионий лади, Ушшоқ шохобчасида «соль» миксолидий лади асос бўлиб хизмат этади. Ушшоқнинг авжида товушқатор «до» ионий лади билан алмашинади. Қашқарчаи Ушшоқ қисми ионий ладиган мос бўлса-да, куй мавзуи Ушшоқдан кўра Дугоҳ мақоми йўлларига ҳамоҳангдир. Шундай қилиб, Гулёри Шаҳноз Рост мақоми иккинчи гуруҳ шўъбалари тарзида эмас, ритм ва куй-оҳанглари турлича бўлган ашулалар туркумидан иборат.

Шуни таъкидлаш керакки, Рост мақомининг Ушшоқ шўъбалари асосида Ўзбекистон ва Тожикистоннинг турли шаҳарларида унинг бошқа намуналари юзага келган эди. Булар Самарқанд Ушшоғи ёки Ушшоғи Ҳожи (Абдулазиз), кўқон Ушшоғи, Содирхон Ушшоғи деб номланиб, уларнинг ҳаммаси Ростнинг Ушшоқ шўъбалари каби тузилган ва мураккаб куй қиёфасига эга. Фарғона водийсида унинг патнисаки йўллари ҳам яратилган. Ушшоқнинг бу мисоллари Рост мақоми йўллари халқ орасида нақадар кенг тарқалганлигини кўрсатади.

Рост мақомининг Наврўзи Сабо ва Савти Сабо шўъбалари устида фикр юритилганда, Ҳожи Абдулазиз басталаган Бебокча чуласини эслатиб ўтиш зарур. «Бебокча» сўзи тожикча «бебок», «и жасур», «илдам» маъноларида, жонлироқ суръатда ижро

этиладиган ашула йўли ифодаси. Бу ашула йўлининг куй-оҳанглари Савти Сабо йўлларига ўхшайди. Тожикистонда тайёрланган нота нашрида у негадир Бузрук мақомига киритилган. Бебокчанинг авж қисмида Ушшоқ намуди фойдаланилган, Ҳожи Абдулазиз унга Турк авжи басталаганлигини баъзи устозлар тан оладилар.

Шундай қилиб, мақом намуналари жуда катта маҳорат билан яратилган ашула йўлларидир. Уларнинг халқ орасида машҳур бўлгани, кенг ёйилгани тасодифий ҳол эмас, албатта.

Ўрта Осиёнинг турли воҳаларида ўзига хос ижрочилик услуби бўлган. Шунга мувофиқ турли шаҳарларда кенг тарқалган мақом йўллари у ердаги ижро услуби ва тингловчилар таъбига мослаштирилиб баъзи ўзгаришлар билан ижро этиб келинди. Шу сабабли мақом йўлларининг янгидан-янги намуналари юзага келади. Бастакорлик санъатида маълум куй ва ашула йўлларининг турли доира усулларига мослаштирилиб яратиш анъанаси мақомларнинг якка айтиладиган ва туркумли турларининг юзага келишида асосий омиллардандир. Мақомларнинг мазкур мақом йўлларининг кенг халқ оммасига тарғиб қилишда муҳим аҳамиятта эга бўлди.

## М У Н Д А Р И Ж А

Сўзбоши .....	3
Кириш .....	6
Шашмақом .....	10
§ 1. Чолғу бўлими.....	13
§ 2. Ашула бўлими .....	15
§ 3. Ашула бўлимининг биринчи гуруҳ шўъбалари .....	17
§ 4. Ашула бўлимининг иккинчи гуруҳ шўъбалари .....	19
Намудлар ҳақида .....	22
Бузрук мақоми .....	39
Рост мақоми .....	50
Наво мақоми .....	59
Дугоҳ мақоми .....	71
Сегоҳ мақоми .....	82
Ироқ мақоми .....	93
Хоразм мақомлари .....	99
Мақом йўлларининг вариантлари .....	106

